



Түлүктөр
12
1980





СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

ГВ УзССР

Н

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг пахтачиликни ривожлантириш ҳақидаги қарорларини амалга оширишда жуда катта муваффақиятларга эришганликлари учун, 1980 йилда давлатга 6 миллион 150 минг тонна пахта сотганлиги, пахта, дон, сабзавот, поллиз экинлари, картошка, узум, мева, каноп харид қилиш юзасидан ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги учун **ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ЛЕНИН** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Л. БРЕЖНЕВ**.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **М. ГЕОРГАДЗЕ**.

Москва, Кремль, 1980 йил 14 ноябрь.

Партия ўз съездини халқ билан чамбарчас бирликда, ички ва ташқи сиёсат соҳасида аниқ ҳаракат программаси билан кутиб олмоқда. Коммунистлар, бутун совет халқи ана шу программани маъқуллайдилар, уни сабот-матонат ва изчиллик билан амалга оширадилар, деб ишонч билдиришимга ижозат бергайсизлар. Навбатдаги вазибаларни муваффақиятли ҳал этиш гарови, коммунистик қурилиш йўлидан янада олға ҳаракат қилиш гарови мана шундадир.

Л. И. БРЕЖНЕВ

Таллимаржон районидаги «Коммунист» совхозининг УзССР Олий Совети депутати Адолат Носирова бошлиқ бригадаси аъзолари 150 гектар ерда мўл ҳосил етиштириб Қашқадарёнинг 600 минг тонналик «оқ олтин» хирмониға муносиб ҳисса кўшдилар. Бригадининг Саодат Жавлиев сингари ёш пахтакорлари тажрибали деҳқон Носирова етанчилигида ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Қарши магистраль канали 6-насос станциясининг инженери, арзамаслик Десан Смирнов ва «Ширинобод» совхозининг директори, косонлик Норкул Жуманиёзов Қарши чўлида дўстлашдилар. (3-бетдаги «Яшнаётган воҳа» мақоласиға қаранг.)

СОВЕТ халқининг ижодий даҳосини яна бир марта тўла-тўқис ва ёрқин намоиш этган ўнинчи беш йиллик ўзининг шонли ниҳоясига етди. У бундан аввалги беш йилликлар каби, Коммунистик партия улугъ яратувчилик қудратининг, оламни гўзаллик қонунлари асосида янгидан қураётган совет кишилари маънавиятиға хос энг ажойиб фазилатларнинг яна бир амалдаги тилсоли, мангу барҳаёт марксизм-ленинизм таълимотининг ҳаётбахш кучини мислсиз зўр қудрат билан намоён қилувчи навбатдаги тасдиқи сифатида тарихға кирди.

Ўнинчи беш йиллик коммунистик қурилиш вазибалари миқёси кенгайганини, мураккаброқ бўлиб қолганини, бинобарин, коммунистик қурилиш илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлган Ленин партиясининг роли янада ўсганини кўрсатди. Коммунистик партия жамиятимиздаги барча синфлар ва социал группалар, барча миллатлар ва элатлар, ҳамма авлодлар манфаатлари ҳамда талабларини тўлиқ ва изчил тарзда ҳисобға олмоқда, уйғунлаштирмоқда ва марказлаштирмоқда, совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи, унинг сиёсий системаси, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаги бўлиб хизмат қилмоқда. 7 октябрь куни зўр шодиёна билан кенг нишонланган уч йиллик байрами чинакам демократия тантанасига айланиб кетган янги СССР Конституциясида КПССнинг роли ана шундай ҳаққоний белгилаб берилган. Бинобарин, ўнинчи беш йиллик ривожланган социализм манифести яратилган давр сифатида ҳам тарихға кирди.

Ўнинчи беш йиллик, барча қардош совет республикалари каби, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси маънавий парвози учун беқиёс улкан имкониятлар яратди. Ўзбекистон коммунизм учун курашининг асосий майдони ҳисобланган, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, «юз миллионлаб кишилар ҳаётининг энг чуқур негизларига таъсир этадиган» экономика соҳасида ажойиб муваффақиятларға эришди. Республика саноати жадал тараққий этди, янги саноат ва маданий марказлар бунёдға келди. Эндиликда серкўёш ўлкамиз корхоналари ҳар икки кунда бутун 1921 йилдагидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Мамлакатимизнинг муҳим ёқилғи, энергетика, металлургия ва машинасозлик базаси, кимё ҳамда қурилиш материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати марказларидан бири сифатидаги ўз мавқеини тобора мустаҳкамламоқда. Электроника, ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқариши тармоқларини жадал ривожлантирмоқда. Дарҳақиқат, дохийимиз Ленин таъкидлаганидек, омма ичида тасаввур қилиниши мумкин бўлганидан ҳам ортиқ даражада ғоят катта қобилият борлигини кўрсатадиган жуда ва жуда кўп жонли кишилар бор. Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси, коммунистик шанбаликлар ўнинчи беш йилликда, айниқса унинг яқунловчи йилда экономикани суръатли ривожлантиришнинг қудратли воситаси, меҳнаткашларни камол топти-

ришнинг маънавий воситаси сифатида яна ҳам зўр мавқе касб этди. У мислсиз яратувчилик мўъжизалари яратди. Социалистик мусобақа мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйгани туфайли илғор ишчилар, бригадалар, коллективлар беш йиллик топшириқни В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигиға қадар бажардилар. 1980 йилда кўзда тутилган объектлар, жумладан, Сирдарё ГРЭСида 300 минг киловатт қувватли тўққизинчи энергия блоки, Жиззахда, Самарқанд областидаги Жомбой посёлкасида ўйсозлик комбинатлари, Бухоро ва Андижонда ип газлама комбинатлари, Поп тўқимасиз материаллар фабрикаси, Қўқон Пайпоқийгирув комбинати, Наманган Шойи комбинатида ва Марғилон «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасида янги қувватлар, Қосонда ёғ-экстракция заводи, Гулистонда сут заводи, бир қанча чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари муддатидан илгари ишға туширилди. Чирчиқ Электр кимё саноати ишлаб чиқариш бирлашмасида капролакам ва аммоний сульфати ишлаб чиқарувчи мураккаб технологик линия — мамлакатимизда капролакам ва азотли ўғит ишлаб чиқарувчи энг катта комплекс қисқа фурсатда муваффақиятли қуриб битказилди. Бунинг натижасида Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучлари янада юксалади. Саноатнинг бир қанча муҳим тармоқларини синтетик хом ашё билан таъминлаш яхшиланади, халқ истеъмол қиладиган молларни тайёрлаш кўпайтирилади, республикада пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш имконияти туғилади. Бинобарин, бу ноёб ишлаб чиқариш комплексини қуриш ва ишға тушириш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев таҳсиниға сазовор бўлдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз табриқномасида Чирчиқ кимёгарларининг улугъ меҳнат муваффақияти ишчиларнинг фидокорона меҳнати ва қурилиш барча қатнашчиларининг ижодий ташаббуси, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш илғор методларидан моҳирлик билан фойдаланиш, фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг кўламда қўлланиш, шунингдек, кўпгина иттифоқдош республикалар ва мамлакат областлари айниқса, Урал, Сибирь ва Волга бўйи вакилларининг катта ёрдами натижасида қўлга киритилганини таъкидлади. «Партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун кенг қулоч ёйган социалистик мусобақани ҳар қанча маъқулласа арайиди,— деди Л. И. Брежнев.— Бу мусобақа шу бирлашма кимёгарларининг йил охиригача белгиланган топшириқдан ташқари 70 минг тоннадан зиёд минерал ўғит ишлаб чиқаришларига имконият яратиб беради».

Социалистик мусобақа халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида меҳнат муваффақиятини таъмин этди. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасиға қўшилиб, республика партия ва совет органларининг доимий ёрдами туфайли УзССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг кўп минг кишилик коллективи меҳнатда катта ғалабаға

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадний журнали



Э. №1

№ 12 (370)

Декабрь

1980

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

эришди: 1 миллиард 292 миллион сўм миқдорда ўнинчи беш йиллик учун белгиланган лудрат ишлари планини муддатидан йлгари — 1980 йил 25 августда бажарди. Унинчи беш йилликнинг тўрт йилу саккиз ойи мобайнида 105 минг гектардан кўпроқ суғориладиган янги ерлар республика қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларига топширилди. Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ҳамда Сурхон-Шеробод ва Мирзачўлнинг кўриқ ерларини комплекс ўзлаштириш ишлари асосан ниҳоясига етказилди. Унинчи беш йиллик давомида сув танқислиги билан кураш соҳасида анча ишлар қилинди. Иккита ноёб насос станциясига эга бўлган Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. Андижон сув омбори ишбуотларининг комплекси битиш олдида турибди. Бу ерда 1980 йилги қурилиш жараёнида 1 миллиард 750 миллион кубметр ҳажмидаги омборда лойиҳада белгиланган миқдорда сув тўпланди, яъни икки қардош республика — Ўзбекистон билан Қирғизистонда суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни анча яхшилаш учун имконият яратилди. Республиканинг бошқа зоналаридаги бир қанча объектларда ҳам ишлар муваффақиятли ва юқори сифатли қилиб бажарилди.

Бу рақамлар мазмунини Ўзбекистон меҳнаткашларининг ақлу заковати, меҳнат-шижоати, ташаббускорлик ва фидокорлик фазилатлари ташкил этади, албатта. У кундан-кунга кучга тўлиб, кўркамлашиб бораётган республикамизнинг бугунги камолини кўзгудек тиниқ инъикос эттиради. Шарқ машъали ўлкамиз фарзандлари учун қаҳрамонлик одат бўлиб қолганини кўрсатади. В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени қурилишини олайлик. КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов: «Тошкент метрополитени ўз архитектураси ва бадийи безаги жиҳатидан ҳам, амалий нуқтан назардан ҳам мислсиз иншоот бўлади», деб таъкидлаган эди. Бу эзгу мақсад кўп ўтмай амалга оширилди. Ҳозир Тошкент метрополитенининг иккинчи навбати ҳам муваффақиятли ишлаб турибди.

Бутуниттифоқ, шу жумладан, Ўзбекистон миқдорида амалга оширилаётган улғувор ишлар КПСС XXV съезди қарорлари билан қуролланган совет халқи азму иродаси, меҳнат ғайратининг натижасидир. Бу натижа совет воқелигининг асл маъносини бевосита ифода қилади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу сўзларини келтириш жоиз бўлар эди: «Мамлакатимиз бепоён, гўзалдир. Биз баҳодирона ишларни амалга оширмаймиз. Зотан, ҳозир, партиямизнинг XXVI съездига тайёргарлик ишлари қизиб бораётган бир пайтда, 80-йиллар арафасида бизнинг келажакдан кўнглимиз тўқ бўлиб, унга қомил ишонч билан қарашимизга ҳамма асослар бор. Бизнинг йўлимиз, ҳаммиса бўлганидек, тинч бунёдкорлик, мамлакатнинг бепоён ерларини янада яшнатиш, совет халқининг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтириш йўлидир».

Республикамизда ўнинчи беш йиллик давомида амалга оширилган улғув ишлар Коммунистик партиямиз ана шундай доно сиёсатининг бевосита шарофатидир: Ўзбекистон электр қўши — Сирдарё ГРЭСининг тўла қуввати уч миллион киловатт бўлади, у ҳар йили 18 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқаради. Сирдарё ГРЭСининг охириги — ўнинчи энергия блоки КПСС XXVI съезди шарафига қуриб битказилади. Туюмўйин гидроузели, В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени қурилиши, Навоий катарани, Чирчиқ капролактами, Фарғона гиганти — триацетиллцеллюлоза заводи, Муборақ газчиларининг меҳнат жасоратлари, ядрочи физиклар ғоят қисқа муддатда мамлакат экономикаси учун жуда ҳам зарур хом ашёни яратиб, унинг ишлаб чиқаришга жорий этилишига эришганлари, Сирдарё ва Амударё сувига тенг оби ҳаётни буғлашидан, тупроққа беҳуда сингиб кетишдан сақлайдиган «Фарход» мосламаси — булар ҳаммаси Бутуниттифоқ аҳамиятига молик ишлардир. Қисқаси, уларни, ўнинчи беш йиллик мобайнида Ўзбекистон меҳнаткашлари ижод қилган қаҳрамонлик эпопеяси деб аташимиз мумкин.

Республикамиз пахтакорлари ўнинчи беш йиллик мобайнида кўлга киритган улкан ғалабалар эса яна бир қаҳрамонлик эпопеясини ташкил этади. Унинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида Ўзбекистонда пахта етиштириш 14 процентдан кўпроқ ошди. Бинобарин, ўлкамиз пахтачилик соҳасида мамлакат ва жаҳон миқдосида тобора муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликда Ватанга 24 миллион 500 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Бу эса саккизинчи беш йилликка нисбатан 4 миллион 600 минг тонна, КПСС XXIV съезди асосий йўналишларида белгилангандан 2 миллион 300 минг

тонна кўп пахта етиштирилганини кўрсатади. Шу мислсиз ғалабаларнинг асосий сабаби — партия ва давлатнинг куч-ғайрати, пахтакорлар ва мелиораторларнинг фидокорона меҳнати тўғрисида мамлакатда пахта етиштиришни муттасил кўпайтиришнинг ишончли базаси яратилганидир. Дарҳақиқат, кейинги йигирма йил мобайнида мамлакатда йилига ўртача йиғиб олинган пахта икки баравар кўпайгани ғоят қонуний ҳодиса. Коммунистик партиянинг аграр сиёсати натижасида қишлоқ хўжалиги саноят асосига ўтказилмоқда. Бугун деҳқонлар ихтиёрида қарийб 50 минг пахта териш машинаси мавжуд. Пахтакор ҳосилнинг учдан икки қисмини механизмлар ёрдамида йиғиб-териб олмақда. Суғориш системасининг такомиллаштирилиб бораётганлиги, кимёлаштириш ресурсларининг йилдан-йилга кўпайтирилаётганлиги деҳқон оғирини енгил қилмоқда. Фан-техника янгилари пахта истиқболини янада чароғон этмоқда. Жумладан, Навоий катарани, Чирчиқ капролактами Ўзбекистон пахтачилиги тараққиётига баракали ижобий таъсир кўрсатиши табиий. «Пахта етиштириш келгусида ҳам кўпайтирилиши лозим, — деб ўқтирган эди Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил Июль пленумидаги ёрқин докладыда. — Лекин гап ўсишининг миқдор кўрсаткичларидагина эмас. Маҳсулот сифатини ошириш, пахтанинг ингичка толали навини етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш марказий вазифа ҳисобланади».

Беш йилликнинг якунловчи йилида деҳқонларимиз пахта етиштиришнинг янги прогрессив технологиясини тўлиқроқ ўзлаштириш ва кенг кўламли жорий этишга ҳаракат қилдилар. Кўпгина районларда далаларнинг ярмидан кўпроғига туксизлантирилган чигитлар аниқ усулда экилдди.

Ўзбекистон партия ташкилоти пахта учун курашнинг доимий илҳомчиси, доно раҳбари сифатида меҳнаткашларни ташаббусга, меҳнат қаҳрамонлигига руҳлантирди, уларнинг энг баркамол маънавий фазилатлари порлоқ бир тарзда намойён бўлишига ёрдам берди. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун коммунистик мусобақа ўтказиш тўғрисида» деб чиқарган қарорини республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари ғоят кенг кўламли қўллаб-қувватладилар, натижада омманнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлиги ўз ривожининг навбатдаги юксак босқичига кўтарилди. Унинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида дала меҳнатчиларининг баркамол маънавий-сиёсий даражаси, зўр ғайрат-шижоати, мардлик матонати уйғунлашгани тўғрисида меҳнат мўъжизалари вуҷудга келди. Бўз районидаги XX партсъезд номили совхознинг «Янги ҳаёт» бўлими далаларида 110 ёшли Хадича буви Наврўзованинг бутун оила аъзолари: табарруқ онахоннинг олти ўғли, қирқ тўрт навараси, саксон чевараси, ўн икки эвараси биргаликда пахта тердилар. Бу воқеа бутун Ўзбекистоннинг йиғим-терим мавсуми давридаги яқдиллиги ва оммавий жасоратининг рамзи бўла олади. Шу ўринда мамнуният билан таъкидлаш керакки, Ўзбекистон пахтакорлари кўп миллатли Ватанимизнинг барча қардош республикалари олдидеги, коммунистик ҳамдўстлик мамлакатлари олдидеги ватанпарварлик ва интернационал бурчларини шараф билан бажардилар. Мамлакат экономикасида пахта — серқўш ўлка ана шу ғоят қимматли эҳсони касб этган жуда катта, ҳақиқатан ҳам бебаҳо аҳамият янада салмоқлироқ бўлишини — енгил ва озик-овқат саноятинигина эмас, оғир саноят ҳам мақсадга мувофиқ ривожланишини таъминладилар: давлатга 6 миллион 200 минг тоннадан кўп «оқ олтин» топширдилар. Бу улғув хирмон ўнинчи беш йиллик давомида Ўзбекистон, унинг олтин қўлли пахтакорлари эришган ажойиб ғалабаларнинг гултожи бўлди. Дарҳақиқат, пахтакорларимиз беш йиллик давомида рекорд ҳосил чўққисини тобора юксалтириб борганларини ўртоқ Л. И. Брежнев алоҳида таъкидлаб ўтди. Шарққа машъал диёримиз меҳнаткашлари 1976 йили 5 миллион 335 минг 600 тонна, 1977 йили 5 миллион 676 минг 400 тонна, 1978 йили 5 миллион 200 минг тонна, 1979 йили 5 миллион 762 минг 200 тонна «оқ олтин» топширдилар ва мамлакатимиз экономикаси тараққиётига, тинчлик ишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Унинчи беш йиллик давомида Ўзбекистон чорвадорлари қаҳрамонона меҳнат намуналарини намойиш қилдилар. Чорвачиликда фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланиш ижобий натижалар берди. 1979—1980 йилларнинг қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ коммунистик мусобақасининг якунларига мувофиқ Ўзбекистон ССР КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлангани, Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд ва

Тошкент областлари, республиканинг 17 райони, 32 колхоз, совхоз, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари коллективлари ҳам Бутуниттифоқ мусобақасининг ғолиблари сифатида Фахрий ёрлиқларга сазовор кўрилганлари республиканинг барча меҳнаткашларини янги зафарлар сари руҳлантириб юборди.

Унинчи беш йиллик мобайнида республика меҳнаткашларининг иқтисодий, ижтимоий-маданий муносабатларида, бутун турмуш тарзида катта, ижобий сифат ўзгаришлари рўй берди. Деҳқоннинг мутлақ янги типи — механизатор қишлоқнинг етакчи сиймоси сифатида ўз макени янада оширди. Бугуннинг дала меҳнатчиси, чорвадори билим ва маданияти юксак, марксча-ленинча дунёқарашга асосланган социалистик психологияга, янги фазилатларга эга бўлган шахс — коммунистик қурилишнинг илғор сафларида бораётган курашчидир.

Ууллас, республика ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, халқ зиёлилари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги пленумларнинг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига амал қилиб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини, жумладан, унинг якунловчи йили планини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб адо этдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг мурсжаатида таъкидланганидек, «экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда, халқ фаровонлигини оширишда эришилган муваффақиятлар партия ленинча миллий сиёсати тантанасининг натижаси, Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети, унинг Сийсий бюроси, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг тинимсиз ғамхўрлиги самарасидир».

Бутун қардош совет халқлари каби, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаган Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам коммунистик қурилишнинг олдинги сафларида дадил бормоқдалар. Улар янги меҳнат қаҳрамонликлари, коммунистик шижоат кўрсатишга, КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди белгилаб берадиган буюк вазифаларни — ўн биринчи беш йиллик топшириқларини аъло даражада амалга оширишга шайдирилар. Ун биринчи беш йилликнинг муваффақияти, ғалабаси эса таъмин этилган, чунки унинг ташкилотчиси, илҳомчиси, раҳнамоси Коммунистик партиядир!

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил Октябрь пленумидаги ёрқин ва сермазмун нутқида Коммунистик партия ўз съездини халқ билан қамбарчас бирликда, ички ва ташқи сиёсат соҳасида аниқ ҳаракат программаси билан кутиб олаётганлигини, коммунистлар, бутун совет халқи ана шу программани маъқуллаётганликларини ва сабот-матонат, изчиллик билан амалга ошираётганликларини, айни вақтда 80-йилларда экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш ниҳоясига етказилиши, меҳнат унумдорлиги ва сифати, хўжалик иши савияси оширилиши, кадрларни ишчанлик, маъсулиятни ҳис этиш ва ташаббускорлик руҳида тарбиялаш ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларнинг асосий шарти бўлиб қолганлигини, шунингдек, халқ фаровонлигини ошириш, аҳоли истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқаришда жиддий силжишлар бўлишини таъминлаш иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан биринчи даражали аҳамиятга молик вазифа эканлигини ҳаққоний кўрсатиб берди, меҳнат шароитларини яхшилаш, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият каби ижтимоий масалалар ҳам зўр эътибор берилишини талаб қилади, деб ўқтирди.

Дарҳақиқат, Коммунистик партия бошқа энг муҳим масалалар қатори, маориф ва маданият, адабиёт ва санъатга ҳамма алоҳида эътибор билан қарамоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» деб чиқарган қарори меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг руҳий дунёсига теран маънавий таъсир этишининг навбатдаги омили бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежнев оммавий ахборот воситалари, пропаганда органлари ишни яхшилаганлигини, бир қанча кескин масалаларни ўртага қўяётганлигини, ана шу масалалар хусусида партиянинг жиддий қарорлари қабул қилинаётганлигини таъкидлаб ўтди. Бу юксак мафкуравий, сиёсий-тарбиявий ишларнинг янада яхшиланганини кўрсатувчи баҳо идеологиянинг ҳамма соҳаларига, шу жумладан, адабиёт ва санъатга ҳам тегишли деб айтиш мумкин. Мамнуният билан таъкидлаш керакки, барча қардош совет республикалари, шу жумладан, Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўнинчи беш йиллик

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз

ҚАРШИ шаҳридан Амударё қирғоғидаги Қизилоёқ гидроузелига қўриган масофа 200 километрдан ошқироқ. Шаҳар этагидан бошланадиган кенг ўртасидан йўл Қарши чўлининг қоқ афсалдан кесиб ўтиб, гидроузелчилар посёлкасига туташади. Чўлни ўзлаштиришга киришилган 60-йилларнинг бошида дастлаб ана шу йўл қўрилган эди.

Инсон оёғи етган жойга албатта яхши ният билан йўл ўтказида. Йўл қанча раво бўлса, кўзлаган манзилгадиги шунча тез етасиз.

Қарийб йигирма йилдирки, бу янги катта йўл серкатнов бўлиб қолди. Халқимиз иродаси, партиялими раҳнамолигида асрий Қарши чўли ўрлагига катта йўл очилди. Бугун чўлнинг истиқболи учун курашаётганларнинг ҳаммаси шу йўлдан бормоқда.

Мен ҳар гал Қизилоёқ гидроузелига йўл олганимда чўлнинг чексиз уфқларига тикилиб, беихтиёр хаёлга чўмаман. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу чўлнинг ўтмиши, унинг бағрида юз бераётган бугунги мислсиз ўзгаришлар кўз ўнгимдан ўтади.

Бир замонлар бу дашт истилочилар ва қароқчиларнинг отлари туёқлари зарбидан ларзага келган. Эл-юрт юрагига гўлгула солиб араб босқинчилар, шафқатсиз Чингизнинг талончи аскарлари ур-сур билан чўлни топтаб ўтганлар. Асқаллий халқни талаб, унинг бошига не-не мусибатлар солганлар. Босқинчилар элни талаб, қиз-жувонларни тутқин қилиб олиб кетганлар. Чорасиз халқ кескис чўлга нажот кўзини тикиб қолаверган. Улар:

Додлама, додлама дод саси галди,
Қаршининг чўлидан ёр саси галди,—

аста-секин кўпайиб борди, қурилиш кўлами кенгайди. Бирин-кетин турар-жойлар, ясли-боғчалар, мактаблар ва бошқа турли маданий-маиший бинолар қад кўтарди, янги-янги асфальт йўллар қўрилди. Йиллар ўтди, биринчи биноларнинг пойдевори билан бир вақтда ўтказилган кўчатлар мевага кирди. Шундай қилиб, чўлнинг ўз боғи ва боғбони пайдо бўлди. Жуманазар Полвонов, Лидия Маринина, Анна Синяк, Владимир Вашченко, Исмоил Маллаев сингари қурувчилар интернационал коллективининг кучи билан орадан кўп ўтмай чўл қўйнида ажойиб Таллимаржон шаҳарчаси бунёд этилди. Чўлқуварларнинг тўнғич шаҳарчасида уларнинг яхши яшаб, кўнглили ҳордиқ чиқаришлари учун эндиликда ҳамма шароитлар муҳайё. Маданият саройи, шифохона, маиший хизмат кўрсатиш қамбинати, ҳаммам, мактаблар ва мактаблар боғчалари сингари маданий-маиший муассасалар уларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Ўз маъриш ҳайқириб оқаётган Амударё сувини чўлга буйриш учун озмунча машаққат керилмади. Бунинг учун дарёдан Таллимаржон сув омборига қараб олтига кучли насос станцияси орқали Қарши магистраль каналга ўтказилди. Ҳар бир станция магистраль каналга олтига кучли насос агрегати ўрнатилди. Бу агрегатлар ёрдамида магистраль канал орқали ҳозир 2 минг 400 кубгача сув оқизилмоқда. Насос станцияларининг кучи билан бу сув қарийб 150 километрли масофада 132 метр баландликка кўтарилиб, Таллимаржон сув омборига қўйилмоқда. Бундан олти йил муқаддам Қарши магистраль каналдан Ульянов номидаги шаҳобча канал қазилди ва унга сув олинди. Обиҳаёт янги ўзлаштирилган ерларга тарала бошлади. Мингмиг гектарлаб майдон пахтазорларга, боғ-роғларга айланди. Бу улкан ишларни амалга оширишда бульдозерчилар Тўхта Қўлдосов, Илья Перегудов, Юрий Попов, Геннадий Кандрин, Аъзам Азимхонов, экскаваторлардан Борис Куликов, Владимир Проскурин, Николай Шевченко, Сергей Смирнов, шофёрлардан Ҳамза Давлатов, Михаил Попов, Александр Дева сингари коммунист ва комсомоллар алоҳида жасорат кўрсатдилар. Коммунист Аъзам Азимхонов ишлаб чиқаришдаги юксак кўрсаткичлари учун Меҳнат

умумий узунлиги 2 минг 225 километр бўлган суғориш шохобчалари ва 2 минг километр масофадаги зовурларни қазиб тугатдилар. Шунингдек, хўжаликлар орасида бўлган ҳўжаликларда умумий узунлиги 1 минг километр бўлган йўллар қўрилиб фойдаланишга топширилди. Бу даврда посёлкалар ва хўжаликларда 460 минг квадрат метр турар жой, кўпгина хўжалик ва маданий-маиший бинолар бунёд этилди.

Республикамиздаги асосий иншоотлардан бири—Таллимаржон сув омбори қурилишини тугаллаш арафасида. Қурувчи мелиораторларимизнинг ғайрати билан бу ерда 123 минг 150 куб метр тупроқ қазиб чиқарилди ва 375 минг куб метр бетон ётқизилди. Азамат қурувчиларимиз 1978 йилда сув омборининг биринчи навбатини мўддатидан бир ой олдин фойдаланишга топширган эдилар. Уша йилда қурилган ўсув дашти бошланишига қадар сунъий денгизда 500 миллион куб сув тўпланди. Беш йилликнинг якунловчи йилида эса ҳавзадаги сув миқдори 650 миллион кубга етди. Бу минг-миг гектарлаб янги ерларни суғориш ва экин экиш имкониятини берди.

Бошқарма партия ташкилоти ва унинг составидаги 82 бошланғич тартибдаги кўчма бригадалар, мелиораторлар ва механизаторлар ўртасида ишлаб чиқариш унумини ошириш омилидан бири бўлган социалистик мусобақани кенг йўлга қўйишга алоҳида эътибор бермоқда. Шу йилнинг бошида қурилиш ва янги ерларни ўзлаштириш бўйича беш йиллик топшириқларини мўддатидан олдин бажариш тadbирлари белгилаб қилинди. Бошқарма маъмурияти ва партия комитети, бирлашган қурилиш комитети ва комсомол комитетининг қўшма йиғилишида социалистик мусобақа шартлари ишлаб қилинди. Мусобақада голиб чиққан қурилиш трестларини мукофотлаш учун ўнта кўчма Қизил байроқ ва 2000 сўмдан пул мукофоти ҳамда, шунингдек, совхозларни тақдирлаш учун эса ҳар бири 1000 сўмдан ўнта мукофот таъсис этилди. Бошланғич партия ташкилотлари ва касаб союзи комитетларининг тавсияси кўра, голиб корхоналар, қурилиш ташкилотлари, хўжаликлар ҳар кварталда мукофотлаб борилди. Мукофотлар жамоат ташкилотларининг вакиллари

Соҳиб УСМОНОВ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли
Қарши чўлини ўзлаштириш территориал
бошқармаси партия комитетининг
секретари

ЯШНАЁТГАН ВОҲДА

дея чўл ҳақида қўшиқ тўқидилар, унинг келажига умид қила бошладилар. Лекин эзилган халқнинг орзулари ҳадеганда рўёбга чиқавермади.

Октябрь кўеши инсониятга кулиб боқдию халқимизнинг орзулари ушала бошлади. Ўз бахти ва истиқболи учун тинч меҳнат курашига отланган буюк халқимиз қудрати билан қанча-қанча ўжар дарёлар жиловланди, катта-катта сунъий денгизлар бунёд этилди, бепоён дашту саҳролар кўркам воҳаларга айланди.

КПССнинг XXIII ва XXIV съездлари қарорларида Қарши чўлида биринчи навбатда 200 минг гектар ерни ўзлаштириш кўзда тутилган эди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қарши чўлини ўзлаштириш ва суғориш тўғрисида» деб чиқарган қарори муносабати билан бу асрий чўлини ўзлаштириш умумхалқ зарбдор қурилишига айланди. Мазкур қарор асосида ташкил этилган Қарши чўлини ўзлаштириш территориал бошқармаси ва бошқарма партия комитети қурувчи чўлқуварларнинг бош штаби бўлиб қолди. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан кўплаб қурувчилар, мелиораторлар, инженерлар, механизаторлар ва машинистлар комсомол йўлланмаси билан Қарши чўлига келдилар. Биз уларни кучоқ очиб кутиб олдик ва тегишли шароит яратдик. Йирик санаот марказлари эса бизга турли техника воситаларини етказиб бера бошладилар. Қарабсизки, қисқа вақт ичида уфқ-қача кетган поёнсиз чўл қўйни улкан қурилиш майдонига айланди.

Бугунгидек эсимда. 1964 йилнинг мартада Таллимаржон даштига дастлабки вагон уйлар келтирилган эди. Армани Аветисов, украин Радченко, белорус Броуло, туркман Аветисов ва ўзбек Шукоров шу вагон уйларда яшаб, бир чойдидан чой ичиб иш бошладилар. Дўст билан дўст қўл туттириб, чўлнинг дайди шамоли ҳам, жазирама иссиғи ҳам, изғирин бўрони ҳам қор қилмади уларга. Дастлаб 3-Қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари Таллимаржонда чўлқуварлар учун уй-жой қуришни бошладилар. Қурувчилар сон

Қизил Байроқ орденига ва СССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак унвонга сазовор бўлди. Биз замонамизнинг ҳақиқий фарҳодлари бўлган бу паҳлавон йигитлар билан фахрланамиз.

Инсон қудрати ва техника кучи билан асрий чўл бугун яшаб турган водийга айланмоқда. Бу умумхалқ ҳаракатида тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликлар алоҳида камолот босқичи бўлди. Кейинги ўн йилда область харитасида Ульянов, Усмон Юсупов, Нишон, Муборак, Баҳористон ва Таллимаржон районлари вужудга келди. Янги ерларда ташкил этилган бу районларнинг ҳар бири давлатга йилга ўрта ҳисобда 40—50 минг тоннадан «оқ олтин» топширмоқда. «Ўзбекистон», «Самарқанд», «Туркменистон», «Навбахор», «Ширинобод», «Коммунист» Чўли Бегимқулов номидаги, ВЛКСМ XVIII съезди номидаги совхозларда фақат пахта эмас, кўплаб гўшт-ёғ, сабзавот, пилла, мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда.

50-йилларда давлатга 150 минг тонна пахта топшириш Қашқадарё области учун салмоқли ҳисобланарди. Ушанда орадан йигирма йил ўтгач бу рақам 500—600 минг тоннага етади, дейилса бунга кишининг ақли бовар қилмасди. Бугун эса ана шу реал ҳақиқат эканига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Утган йили Ватанимизга 500 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» тортиқ қилган қашқадарёлик пахтакорлар бу йил 600 минг тонналик хирмон бунёд этдилар. Унинг қамийиб 100 минг тоннаси санаотимиз учун қимматли хом ашё бўлган ингичка толали пахтадир.

Қарши чўлини ўзлаштириш борасида айниқса ўнинчи беш йилликда жуда катта ишлар қилинди. Беш йиллик план бўйича бошқарма 836,8 миллион сўм капитал жамғармадан фойдаланиши, 100 минг гектардан ортиқ суғориладиган ер ўзлаштириши ва Қарши чўлидаги қўриқ совхозлар давлатга 850 минг тонна пахта топшириши кўзда тутилган эди. Бу вазибалар асосий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этилди. Қурувчи инженерларимиз ва мелиораторларимиз беш йил давомида қарийб 100 минг гектар янги ер ўзлаштирдилар,

иштирокида голибларга бевосита иш жойида тантанали суратда топширилди. Шундай қилиб, йил давсида социалистик мусобақада юқори кўрсаткичларга эришган коллективлар 17 минг 700 сўм пул билан мукофотландилар. Бошқармаимизга қарашли корхоналар ва қурилиш ташкилотларида касблар ва иш сифати бўйича ҳам мусобақалар ташкил этилди. Бунда 6 минг 750 ишлаб чиқариш илғори фаол қатнашиб, иш унумини 20—25 процент оширишга эришдилар.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун кураш ҳаракати бошқармаимиз коллективлари ўртасида тобора кенг қулоқ ёймоқда. Социалистик мусобақанинг янги бир тури бўлган бу ҳаракатда 25 қурилиш участкаси, 105 бригада ва 600 дан ортиқ етакчи касб эгалари фаол қатнашдилар ҳамда ўнинчи беш йиллик топшириқларини янги бир олдин бажардилар. Голиб коллектив ва ишчилар «Коммунистик меҳнат коллективи», «Коммунистик меҳнат дордори» деган фахрли номларга эришдилар.

Шундай голиблардан баъзилари ҳақида тўхталмоқчиман. Комплекс сувоқчилар бригадаси бошлиғи Генрих Преслернинг ташаббуси алоҳида таъсис сазовор. 3-Кўчма механизмлашган колоннанинг сувоқчилар бригадасига бир неча йилдан бери бошчилик қилаётган бу ишчи ўнинчи беш йиллик планини тўрт йилда бажариб, бир неча ойдан буён ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда. Коллективда иш ҳақи тўлашнинг бригада системаси жорий этилган. Бу системанинг афзаллиги шундаки, ҳар бир ишчи қайси ишни бажаришидан қатъий назар, бутун коллектив қўлга киритган натижадан манфаатдор. Шунинг учун ҳам бу коллективда илғор ва қоқ деган ташаббус алақачон барҳам топган. Уртоқ Преслер бригадасининг тажрибаси бошқа коллективларга ҳам кенг ёйилмоқда. Ташаббускор бригадир Г. Преслернинг самарали хизматларини партия ва ҳукуратимиз юксак тақдирлади. Унинг кўксини бугун Меҳнат Қизил Байроқ ордени бе-заб турибди.

Бошқармаимиз қурувчилари ва деҳқонларининг



Қарши чўлидаги янги хўжаликларда кўплаб маданий-маиший бинолар қурилмоқда. 27-Кўчма механизмлашган колонна монтажчиси Ражаб Жабборов (чапдан), Таллимаржон район ижроия комитетининг раиси Бекмурод Имомов, «Коммунист» совхозининг директори Марс Шаропов, сувоқчилар бригадаси бошлиғи Лидия Жунова, монтажчи Қурбон Исломов, бўёқчилардан Люция Ботирова, Қурбон Сафаров ва Мария Литвинова хўжаликда қад ростлаётган тўрт юз ўринли клуб қурилиши ҳақида суҳбатлашмоқдалар.



Нишон районидаги Карл Маркс номи совхознинг илғор бригадирлари Аваз Туробов ва Қўшша Бозоров бошлиқ коллективлар ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта топшириб, КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришдилар.

А. ЖДАНОВ фотолари

ҳамкорлиги туфайли серунум янги ерларда кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил Июль ва 1979 йил Ноябрь пленумлари қарорларида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш энг муҳим иқтисодий вазифа қилиб белгиланди. Бошқарма партия комитети ва унинг составидаги бошланғич партия ташкилотлари партиянинг бу кўрсатмаларини изчил амалга ошириш учун бутун имкониятлардан фойдаланмоқда. Биз янги ўзлаштирилаётган ерларда фақат пахта эмас, балки кўп миқдорда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Худди шу мақсадда боғдорчилик ва полизчилик бўйича ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил этмоқдамиз. Қарши районидаги «Аврора» совхозини шундай хўжаликларнинг тўнғичи эди. Ҳозир эса бундай хўжаликларнинг сони ўндан ошади. Таллимаржон районида ўтган йили ташкил этилган «Ширинобод» боғдорчилик ва полизчилик совхозида бу йил мис-

ли кўрилмаган ҳосил етиштирилди. Хўжалик даласида унган ва шираси тилни ёрадиган қовунтарвузлар республикамиз шаҳарларигагина эмас, ҳатто мамлакатимизнинг марказий шаҳарларига, Байкал — Амур магистралли қурувчиларига ҳам жўнатилди.

Илгари Қашқадарё кишиларнинг тасавурида поёнсиз жазирама чўл, кенг буғдойзорлардангина иборат эди. Ҳали қайд этганимиздек, областимизнинг бугунги қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Эндиликда у инсон амри билан бунёд этилган сунъий денгизлар, бўлиқ пахтазорлар, шигил мевали боғ-роғлар ўлкасига айланди. Дийримизда бўлган ҳурматли меҳмонлар буни самимий эътироф этмоқдалар. «Қадимий чўлни гулистонга айлантираётган чўлқуварларнинг жасоратини кўриб қойил қолдик,— деди деҳқонларимиз ҳузурда меҳмон бўлган СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Людмила Зикина.— Бу ерда совет характери табиат кучларидан устун келмоқда».

Дарҳақиқат шундай. Айни ёзда чўлда термо-

метрнинг симоб устунини 50—55 даражагача кўтарилади. Лекин жазирама ва чанг-тўзон бўронига қарамасдан чўлда янги ҳаёт учун олиб борилаётган умумхалқ кураши бир дақиқа ҳам тўхтамайди. Қарши чўлида ҳақиқатан ҳам совет характери, кишиларимизнинг қудрати табиат кучларини енғмоқда. Бу ерда иродаси мустаҳкам, аҳди қатъий, лафзи ҳалол ажойиб ватанпарварлар меҳнат қилмоқда. Улар чўлда тобора тобланиб камол топмоқдалар. Баъзиларининг номларини мамнуният билан тилга оламиз. Таллимаржон районидаги «Самарқанд» совхозининг механизаторлари ака-ука — Болта, Ҳамро, Қурбон, Уроқ ва Уроз Норовлар бу йилги мавсумда «зангори кема» билан 2.500 тонна пахта териб ҳаммага ибрат бўлдилар. Ёки шу райондаги янги ташкил этилган «Коммунист» совхозининг бригада бошлиғи, УзССР Олий Советининг депутати коммунист Адолат Носирова шу йил бошида Чўли Бегимқулов номидаги совхоздан янги хўжаликка ўтиб ишлади. Олти кишилик кичик коллективга бош бўлиб, 150 гектар майдонга чигит эди. Деҳқончиликдаги ҳамма иш-

Боши 1, 2-бетларда

мобайнида ғоявий-бадий камолотнинг янада баян қўқиларига кўтарилди. Республикамиз адиблари, композиторлари, рассомлари, сахна ustalари, кинематографчилари, бутун санъат аҳли давримизнинг бош қаҳрамони — коммунист образини янада ёрқинлаштирдилар, халқимизнинг маънавий хазинасини замонавий, шунингдек, тарихий-инқилобий ва халқаро мавзуларда моҳирона яратилган бир қанча муҳим асарлар билан бойитдилар, ўнинчи беш йиллик зарбдорларини, меҳнат қаҳрамонликларини зўр илҳом билан тараннум этдилар. Шунинг учун ҳам ўзбек адибларининг энг яхши асарлари СССР Давлат мукофоти, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор кўрилди. Ўзбекистон Ёзувчиларининг VIII съезди ўзбек совет адабиёти ўз ижодий кучларини КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишга тўла-тўқис сафарбар этганлигини, коммунист образини яна ҳам мукамал мужассамлантириш борасида жиддий ютуқларга эришилганлигини, бунда ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарлари йўлчи юлдуз бўлганлигини, КПСС XXV съезди асосий йўналишларида кўрсатилган объектлар, уларнинг ажойиб кишилари адабиётимиз қаҳрамонларига айланиб улгурганлигини намойиш қилди.

Модомики, шундай экан, серқуёш ўлкамиз

ўнинчи беш йиллик давомида ўзининг Шарқ машъали, халқаро маданий-илмий марказлардан бири сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаганини таъкидлаш керак бўлади. Иттифоқ ва жаҳон миқёсидаги илмий-маданий анжуманларнинг Тошкентда ўтказилиши анъана бўлиб қолганлигининг боиси ҳам шу.

Бу муборак воқеалар, улуғ зафарлар, буюк қурилишлар, катта ижодий муваффақиятлар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси коммунистик қурилиш соҳасида эришган ғалабаларнинг бутун кўламини тасаввур қилишга ёрдам беради. Дарҳақиқат, ўнинчи беш йиллик ғалабалари Коммунистик партия раҳнамолигида коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида дадил бораётган барча қардош совет халқлари, шу жумладан, Ўзбекистон меҳнаткашларининг мурод-мақсадлари мислсиз кўламини, азму иродаси ва ақлу заковатининг зўр қудратини, бунёдкор меҳнатининг ҳаётбахш самараларини порлоқ бир тарзда намоян этмоқда, ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил Октябрь пленумидаги нутқида таъкидлаганидек, мамлакатимиз қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалга, юқори малакали кадрларга эга бўлгани ҳолда 80-йилларга қадам қўяётганлигини кўрсатмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Со-

вети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиғи ва сув хўжалиғи меҳнаткашлари, олимлари ва мутахассислари, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари, барча меҳнаткашларига йўллаган табрикнома мазмунини ҳам шу ҳаётий ҳақиқат ташкил этади. «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари,— деб таъкидлайди ўртоқ Л. И. Брежнев табрикномасида,— меҳнатда буюк муваффақиятларга эришганликлари — давлатга пахта, дон, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз экинлари, каноп сотиш юзасидан 1980 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ва умуман ўнинчи беш йиллик планларини шараф билан бажарганликлари тўғрисидаги хабар КПСС Марказий Комитетида зўр мамнуният билан кутиб олинди». Серқуёш ўлкамизнинг ўнинчи беш йиллик давомидаги қаҳрамонона меҳнатига берилган бу юксак баҳо бизни янгидан-янги муваффақиятларга чорлайди, республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съездини, Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда улуғ ғалабалар билан кутиб олаётганликларини, коммунизм — ёрқин келажак бунёдкорлари сафида ҳаммаша устувор эканликларини тагин бир марта тасдиқлайди, ўн биринчи беш йиллик бутун мамлакатимизни, шу жумладан, республикамизни камолотнинг янада олий чўққисига олиб чиқишига комил ишонч туғдиради.

ларни механизмлар воситасида сифатли бажариб, мўл ҳосил етиштирди. Йиғим-теримни ҳам уюшқоқлик билан бошлаб, икки иш кунда пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. Бригадир Адолатхоннинг ўзи терим бошланиши билан енг шимариб, машина рулига ўтирди ва мавсумда 100 тоннадан ортиқ пахта терди. Бу коммунист аёл тимсолида биз совет характерининг қудратини, янги давр кишининг мукамал намунасини кўриб турибмиз.

Адолат Носировага ўхшаб меҳнатда қаҳрамонлик кўрсатаётган ватанпарвар коммунистлар бошқармаиздаги ҳар бир корхонада, қурилиш ташкилотларида ва хўжаликда кўплаб учрайди. Қарши районидagi Раҳимов номли совхоз механизатори Мастура Файзиева, Улянов районидagi III Интернационал номидаги совхоз механизатори Сория Ниёзова, Косон районидagi Акмал Икромов номли совхознинг пахтачилик бригадир Тоштурди Жумаев, 8-Қурилиш-монтаж бошқармасининг гишт терувчилар бригадаси бошлиғи Нина Белобрицкая, Нишон районидagi Карл Маркс номли совхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи Маҳкам Ҳазратқулова, Улянов районидagi ВЛКСМ XVIII съезди номидаги совхоз механизатори, механик-ҳайдовчи қизлар мактабининг ташкилотчиси Мискиной Қурбонова ва бошқалар чўлда тер тўкиб элда эътибор топдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, партия ва ҳукуратимизнинг оталарча ғамхўрлиги ҳамда маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг ишчанлиги туфайли чўлқуварларнинг унумли меҳнат қилишлари ва маданий дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Муҳташам маданият саройлари, кинотеатрлар, шинам уй-жойлар, ҳаммом, поликлиникалар, касалхоналар, кўркам дала шийпонлари, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари ва ошхоналар — ҳаммаси муҳайё. Ҳисор тоғидаги сўлим Мироқи қишлоғида жойлашган 340 ўринли Уқув ва дам олиш уйи чўлқуварларимизнинг сеvimли оромгоҳидир. Ҳар йили ёзда бу ерда қарийб 3000 ишлаб чиқариш илғори ҳордиқ чиқаради. Қиш фаслида эса биз дам олиш уйидан ўқув комбинати сифатида фойдаланамиз.

Маълумки, деҳқончилик маданияти ва қишлоқ хўжалик техникаси йил сайин такомиллашиб бормоқда. Янги экин навлари, ишлаб чиқариш технологияси ва механизм воситалари қурилиш ҳамда деҳқончиликда кенг жорий этилмоқда. Улардан самарали фойдаланиш эса деҳқонларнинг ва ишлаб чиқариш ходимларининг савиясига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мавсумий ўқув комбинатимизда ҳар йили ўрта ҳисобда турли ихтисосдаги 1500—1600 киши ўз малакаларини оширмоқдалар.

Қарши чўлининг истиқболи янада порлоқ. Учинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаб, партиямиз XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун унумли меҳнат қилаётган чўлқуварларимиз янги беш йилликда иккинчи юз минг гектар ерни ўзлаштиришга киришадилар. Ун биринчи беш йилликда Таллимаржон сув омбори ёнида улкан ГРЭС қурилади, Нуристон деб аталадиган ажойиб шаҳар бунёд этилади.

Навбахор. Широнобод. Ойдин. Нуристон. Яшнаётган воҳанинг бугунги кўркини ифодаловчи янги атамалар. Лексикамизга кирган бу янги тушунчалар ривожланган социализм шароитида яшаётган бунёдкор замондашларимиз камолотининг ҳам рамзидир.

Бугунги Қарши чўли ўзига хос улкан қишлоқ хўжалик лабораториясидир. Бу ердаги гигант қурилиш участкаларида ва кенг деҳқончилик майдонларида янги-янги техника воситалари, технология системалари, сув чиқариш механизмлари биринчи марта самарали қўлланилмоқда. Шунинг учун ҳам қурувчиларимиз ва деҳқонларимизнинг тажрибалари бошқалар учун ибратдир. Яқинда Яман Халқ Демократик республикасида ва Ленинград шаҳридан бир гуруҳ сув хўжалиги ходимлари хўжаликларимизда ва қурилиш участкаларимизда бўлиб тажрибаларимиз билан танишдилар.

Бошқармаизнинг кўп минг кишилик ва турли миллат вакиллари билан ташкил топган чўлқуварлар армияси республикамизнинг барча меҳнаткашлари сингари КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар. Ишлаб чиқариш илғорларидан 600 киши съезд очилиш кунигача ўн биринчи беш йиллик планини бажариш учун курашмоқда. Ҳозир улар янги беш йилликнинг тўртинчи йили ҳисобига ишламоқдалар.

«Партияимизнинг ҳар бир съезди,— деган эди Л. И. Брежнев,— партияимиз тарихида ва мамлакатимиз ҳаётида янги бир давр очади». Бинобарин, КПССнинг XXVI съезди Қарши чўлини ўзлаштирувчилар учун ҳам янги юксалиш босқичи бўлади.



СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. Александров (ўртада), ЎзССР Фанлар академияси президенти академик О. Содиқов (чапда) ва академик Г. Флеров.

А. ГОРОКРИК фотоси

Фан — халқ хизматида

БОШ ЙўНАЛИШДА

Шу йил октябрда Тошкентда ядро реакторларидан фойдаланиб амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларини координациялашга бағишланган XI Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди. ЎзССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти базасида ўтказилган бу анжуманда мамлакатимиздаги барча илмий марказларнинг етакчи олимлари қатнашди. Улар фаннинг атом ядроси ва радиация физикаси, материалшунослик, активация анализи, радиокимё, молекуляр биология, генлар инженерлиги ва медицина соҳаларида республикамиз олимлари муҳим илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётганини, бу тадқиқотлар халқ хўжалигини ривожлантиришга самарали хизмат қилаётганини мамнуният билан эътироф этдилар.

Қуйида кенгаш ташкилий комитети раиси, СССР Фанлар академиясининг президенти академик Анатолий Петрович Александров билан муҳбиримиз суҳбатини диққатингизга ҳавола қилмоқдамиз.

— Игорь Васильевич Курчатовнинг партияимиз Марказий Комитети томонидан маъқулланган ташаббуси асосида,— деди академик А. П. Александров,— бундан йигирма беш йилча муқаддам мамлакатимизнинг кўпгина республикаларида янги илмий марказлар барпо этилган эди. Бу марказлар тадқиқот ишларида қўлланиладиган ядро реакторлари билан қуруллантирилди, уларнинг айримлари тезлатгичлар билан таъминланди. Ана шундай марказлардан бири Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ташкил қилинди. Марказлар атрофида яхшигина илмий коллективлар вужудга келтирилди. Биз илмий-тадқиқот ишларини координациялаш юзасидан ҳар йили конференциялар ўтказиб тураемиз, тадқиқотчилик фаолиятимизда такрорийлик бўлмастлигига, халқ хўжалиги учун энг кўп самара берадиган ишларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бу галги анжуман йигирманчи, маълум маънода юбилей кенгаши эканлигини таъкидлаш керак. Биз бу кенгашга мезбонлик қилаётган ЎзССР Фанлар академияси Ядро физикаси институти эришган катта муваффақиятларни ҳам мамнуният билан қайд этаемиз. Институтга активация анализи соҳасидаги ишлар ечимини тайёрлашда бош йўналиш топширилган эди.

Активация анализининг моҳияти шундан иборатки, бирор моддани реактор ёрдамида бевоси-

та радиоактив манбадан нурлантириб, акс нурлар олиш ва ана шу нурларнинг спектрал составини текшириб кўриш орқали модданинг кимё таркибини аниқлаш мумкин бўлади. Бу анча мураккаб жараёндир. Активация анализи туфайли эса ана шу жараён атиги бир неча дақиқа, баъзан бир неча лаҳзагина давом этади.

Шу сабабдан, Ўзбекистон ҳали тадқиқ қилинмаган беқиёс катта минерал бойликларга эга эканлигини назарда тутиб, регионда геологик тадқиқотларни авж олдириб юборишга кўмаклашиш мақсадида ўз вақтида институт зиммасига ана шу йўналишни ривожлантириш вазифаси юкланди. Мана бугун институт олимлари ҳозирга қадар ажойиб ишларни амалга оширганликларини айтиб ўтиш зарур. Улар институтда ҳар йили 160 га яқин анализ ўтказмоқдалар, активация анализини ўтказувчи энг йирик sanoat марказларини барпо этишда иштирок этмоқдалар. Институтда республикада йилига 6 мингга яқин ниҳоятда аниқ анализ ўтказадиган марказ ишлаб турибди. Бу умуман анализ техникасини янги юксакликка кўтариш, кўпчиликни қизиқтирадиган тадқиқотларни ишлаб чиқаришга тез жорий этиб, улар самарасидан баҳраманд бўлиш учун имконият яратди. Бинобарин, илгарилари геологик тадқиқотларни лабораторияларда текшириб чиқиш бутун қиш мобайнида, баъзан йиллаб давом этарди. Ҳозир эса бир неча кун давомида кўзланган натижаларни қўлга киритиш имкониятига эгамиз. Геологлар эндиликда ана шу натижаларга таяниб иш кўришлари мумкин. Бу жуда катта муваффақиятдир. Яна бир йирик ютуқ шундан иборатки, жаноб Картер ва Тэтчер хоним мамлакатимизга биологик тадқиқотлар учун зарур бирикмалар етказиб беришни таққиллаган бир пайтда мазкур институт Новосибирск институти билан ҳамкорликда қисқа муддат ичида ана шундай биологик тадқиқотларни фосфор ёрдамида амалга ошириш усулини ишлаб чиқди. Ҳозир бундай моддалар мамлакатимизда етарли миқдорда тайёрланмоқда. Ана шу муваффақиятлар мазкур кенгашнинг Тошкентда чақирилишига асос бўлди. Биз ўзбек олимларини бу катта зафарлари билан чин дилдан табриқлаймиз ва уларнинг келгуси ижодий ишларига равнақ тилаймиз.

Суҳбатни И. АБДУМАЛИКОВ ёзиб олди

УЧҚУНДАН АЛАНГА

«Искра» газетаси биринчи сонининг чиққанига 80 йил тўлиши муносабати билан.

КОММУНИСТИК партиямиз тарихида В. И. Ленин ташкил этган «Искра» газетаси сўнамас из қолдирди. Россияда марксистик партияни тузишда унинг тутган ўрни жуда муҳимдир. РСДРПнинг I съезидан кейин вужудга келган социал-демократик ҳаракатдаги тарқоқлик, партия отрядларини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан марказлашган яхлит пролетар партиясига бирлаштириш зарурияти ана шундай газетани ташкил этишнинг тақозо қилар эди. «Имперализм даврининг бошларида барча масалаларни ҳал этиш,— деб таъкидлаган эди В. И. Ленин,— умумроссия нолегал сиёсий газетасини ташкил қилишга келиб тақалган эди».

Владимир Ильич Шушешское қишлоғида сургундалик вақтидаёқ марксистик партия тузиш планини ишлаб чиқди. «Владимир Ильич,— деб ёзган эди Н. К. Крупская ўша кезларни хотирлаб,— кечалари ухламасдан ўз планининг тафсилотлари хусусида ўйлаб чиқар эди... У борган сари тоқатсизланар, ишни тезроқ бошлашга ошиқар эди».

1900 йил 29 январда сургун муддатини тугатгач, Владимир Ильич ўз режасини амалга ошириш мақсадида Псков, Уфа, Москва, Петербург, Нижний Новгород, Самара, Сызрань, Подольск, Рига, Смоленск шаҳарларида бўлди ва социал-демократлар билан газета чиқариш хусусида маслаҳатлашди. Уша йили июль ойида Швейцарияда Плеханов ташкил этган «Меҳнатни озод қилиш» гуруҳи вакиллари билан музокаралар олиб борди ва улар билан ҳамкорликда газета чиқаришни ҳал этди. Редакция составига В. И. Ленин, Г. В. Плеханов, Л. О. Мартов, П. Б. Аксельрод, В. И. Засулич, А. Н. Потресов кирди. Газетанинг секретарлик вазифасини 1901 йил апрелидан Н. К. Крупская бажарди.

Газетани Россияда чиқариш хавфли эди. Шунинг учун унинг редакцияси чет элда — Германиянинг Мюнхен шаҳрида жойлашди. Газетанинг 1-сони 1900 йил 11 декабрда Лейпцигдаги босмахонада нашр этилди. Декабристларнинг А. С. Пушкинга ёзган жавоб хатидаги «Учқундан аланга чиқади!» деган сўзлари газетача эпиграф қилиб олинди.

Чоризмнинг хориждаги айғоқчилари таъқиб-

дан қочиб газета редакцияси 1902 йил апрелидан Лондонга, орадан бир йил ўтгач эса Женевага кўчди.

В. И. Ленин «Искра»нинг 1-сонидан эълон қилинган «Ҳаракатимизнинг муҳим вазифалари» деган бош мақоласида сиёсий курашнинг асосий вазифаларини аниқ баён этди. «Олдимизда душманнинг жуда кучли қалъаси турибди,— деб уқтирди мақолада Владимир Ильич,— душманлар бу қалъадан бизни тўпга ва ўққа тутмоқдалар, энг яхши жангчиларимизни ҳалок қилмоқдалар. Биз бу қалъани эгаллашимиз лозим ва уйғониб келаётган пролетариатнинг ҳамма кучларини рус революционерлари қудрати билан бирлаштириб, уларни бир партиёга, Россиядаги барча сергайрат ва виждонли кишиларни ўзига эргаштира оладиган партиёга уюштирсак, биз бу қалъани албатта эгаллашимиз».

Доҳий газетанинг 1901 йил май ойи сонидан босилган «Нимадан бошламоқ керак» деган мақоласида марксистик партия тузиш режаларини баён этди. «Фақат марксистик назария билан қуролланган партиёгина,— деб таъкидлади мақолада Владимир Ильич,— меҳнаткаш омманинг революцион курашига раҳбарлик қилишга қодир».

«Искра» тез орада Россиядаги ҳамма революцион кучларнинг жанговар штабига айланди. Айниқса, газетанинг И. В. Бабушкин, Н. Э. Бауман, Р. С. Землячка, И. Ф. Дубровинский, М. И. Калинин, Л. Б. Красин, Г. М. Қржижановский, З. П. Қржижановская, Е. Д. Стасова, М. М. Литвин, В. З. Кецовели, П. А. Лепешинский, М. И. Ульянова, Д. И. Ульянов, В. П. Ногин сингари ҳақиқий революционер ходимлари унинг жанговарлигини таъминлашда ва уни оммалаштиришда алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Газета ана шу революционерлар ёрдамида эсерлар, буржуа либераллари, бернштейнчилар ва бошқа оппортунистларга қарши кескин курашди, уларнинг антимарксистик ниятларини фош этди. Шунингдек, ишчиларнинг аянчли аҳволи ва уларнинг революцион чиқишлари газетача мунтазам ёритилди, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган бир

Халқаро мавзуларда

ИНСОНИАТ ОРЗУСИ—ТИНЧЛИК

ЖАҲОН халқлари 1980 йил билан хайрлашмоқдалар. Халқаро ҳаётнинг жуда кўп ва ранг-баранг воқеаларига бой бўлган бу йил инсоният хотирасида чуқур из қолдирди. 1980 йилнинг ҳар бир куни, ҳар бир ҳафтаси ва ҳар бир ойи бутун ер юзида тинчликни, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, кескинликни юмшатиш учун кураш жараёнида ўтди. Тинчликнинг ҳақиқий тарафдори ва таянчи бўлган Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, жаҳоннинг тараққийпарвар кучлари бу курашнинг олдинги сафларида борди.

Бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш иши 1980 йилда ҳам Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг диққат марказида бўлди. Тарих сабоқлари шунини кўрсатадики, умумий ва ялпи тинчликка қуролланиш пойғасини авж олдириш, кескинликни кучайтириш йўли билан эмас, балки қуролланишни чеклаш, ҳарбий сарф-харажатларни кескин камайтириш йўли билангина эришиш мумкин. Фақат ана шу йўл инсониятни урушлар ҳалокатидан сақлаб қолади. Совет давлати ленинча тинчликсеварлик сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб келмоқда, халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш учун сабот билан курашмоқда. 7 октябрь куни уч йиллиги зўр тантана билан нишонланган янги СССР Конституциясида бу йўл чинакам тинчлик таянчи бўлган давлатимизнинг асосий қонунларидан бири сифатида қайд этилган. Дарҳақиқат, бу йўл КПСС

XXIV ва XXV съездларининг Тинчлик программаси асосида актив ва собитқадамлик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда, партия ва ҳукуматимизнинг халқаро майдондаги конкрет ишлари ва ташаббусларида ўз ифодасини топмоқда.

«Биз вайроналик келтирувчи ҳарбий низони камайтиришга қаратилган барча зарур тадбирларни кўришга тайёрмиз,— деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев.— Биз ўлим қуроли ишлаб чиқариш соҳасида ўзишнинг истамаймиз ва ҳарбий қурол-яроғларни камайтириш ҳамда қуролсизланиш тарафдоримиз. Биз ҳар қандай халқаро проблемаларни сиёсий йўл билан ҳал қилишга тайёрмиз». Бинобарин, Совет Иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXXV сессияси минбаридан туриб тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро иқлимни соғломлаштириш юзасидан киритган тадбирлар комплекси бунинг яққол далилидир. Жумладан, Совет Иттифоқи сессия кун тартибига «Ҳарбий хавфни камайтириш юзасидан баъзи шошилинч тадбирлар» масаласини ҳамда «Тинчлик ва қуролсизланиш учун халқаро хавфсизлик кафолати учун» меморандумини киритди. Шунингдек, Совет Иттифоқи томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг XXXV сессияси муҳокамасига қўйилган Ер табиатини ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб қолиш масаласида давлатларнинг тарихий масъулияти тўғрисидаги резолюция лойиҳаси ҳам инсониятга чинакам ғамхўрлик руҳи билан суғорилгандир. Зеро, бу лойиҳа планетамизни қуролланиш пой-

гаси ва бу пойгадан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлардан халос қилишга даъват этади.

Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати унинг янги муҳим ташаббусларидагина эмас, балки амалий тадбирларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. 1980 йили СССР Европадаги ўз қуролли кучларини бирмунча қисқартирди ва ГДР территориясидаги танк қисмларини олиб чиқиб кетди. Лекин агрессив НАТО блоки ва унинг Ғарбий Европадаги ҳомийлари тамомила бошқа йўлни, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун хатарли йўлни давом эттирмоқда. Тажовузкор кучлар Европадаги мамлакатлар территорияларида Американинг ўртача олийликни мўлжал оладиган ракеталарини жойлаштиришга уриниб, ҳарбий кескинликни кучайтирмоқда. Имперализмнинг бундай ёвуз ҳаракатларига Пекин гегемончилари ҳам жўр бўлиб, Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги бутун хатти-ҳаракатларини барбод қилишга уринмоқда.

Аммо тинчликсевар кучлар агрессив НАТО блоки вужудга келтираётган хавфнинг олдини олиш, турли низоларга барҳам бериш ва уларни тинч музокара йўли билан ҳал этиш принципини илгари сурмоқдалар, қуролланиш пойғасига зўр беришдан иборат гаразли хатти-ҳаракатларни кескин қораламоқдалар. 1980 йилнинг асосий сиёсий воқеалари — «Халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисида» деб махсус қарор қабул қилган КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленуми, Польша пойтахтида май ойида ўтказилган Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгаши, Умумевропа кенгашига тайёргарлик юзасидан Испания пойтахти Мадриддаги учрашувлар, БМТ Бош Ассамблеяси XXXV сессияси ва Софияда ўтган Жаҳон халқлари парламенти кенгаши ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва халқлар хавфсизлигини таъминлашдек ана шу муҳим масалаларга бағишланганлиги ҳам тинчликсевар кучларнинг фаол ҳаракатининг яққол ифодасидир.

Одатдагидек, 1980 йили ўртоқ Л. И. Брежневнинг социалистик мамлакатлар қардош партиялари раҳбарлари билан аънавий Крим учрашувлари бўлиб ўтди. Социалистик мамлакатларнинг давлат арбоблари ер юзидagi ҳар қандай проблемани музокаралар йўли билан ҳал этишга тайёр эканликларини яна бир бор таъкидладилар. Улар бу борада Мадрид учрашуви муҳим босқич бўлиб қолишига умид билдирдилар. Қуролсизланиш масаласига алоҳида эътибор берилди. Социалистик мамлакатларнинг тинчлик ва хавфсизлик ҳе-

қанча мақолалар босилди. В. И. Ленин «Ишчилар партияси ва деҳқонлар» мақолаида деҳқонлар пролетариатнинг содиқ иттифоқчиси бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади ва социал-демократларни қишлоқларда тарғибот ишларини кучайтиришга чақирди.

«Искра» қисқа вақт ичида ишчиларнинг жанговар минбарига айланди. Газетанинг бевосита В. И. Ленин раҳбарлигида РСДРП нинг II съездида чиққан 44 сонида ишчиларнинг беш юзга яқин хат ва хабарлари босилди. Масалан, «Искра» нинг 7-сонида «Ишчилар ҳаракати хроникаси ва фабрика-заводлардан хатлар» рубрикасида петебурглик бир тўқувчининг мақолаи бўлиб қилинган. «Мен кўп ўртоқларга «Искра»ни кўрсатдим,— деб ёзади у,— қўлдан-қўлга ўтавериб эскирди. Лекин шундай бўлса ҳам у биз учун жуда азиз. Ундаги ҳамма нарса бизга, руслар ҳаётига таллуқли. Уни ўқиганда жандармлар ва полициянинг биз ишчилардан, бизга етакчилик қилаётган зиёлилардан қўрқинининг сабаби нимада эканини тушуниб оласан киши. Мен ўтган яшанба кўни ўн бир кишини йиғиб, «Нимадан бошламоқ керак?»ни ўқиб бердим. Уша кўни биз ярим тунгача тарқалмадик. Ундаги гапларнинг барчаси тўғри, ҳамма нарсанинг маъзи чақиб берилган...»

Дарҳақиқат, ишчилар ҳаракатини кучайтиришда, уларнинг сиёсий онгини ўстиришда, РСДРПнинг II съездини тайёрлашда ва янги типдаги марксистик партияни тузишда ленинчи «Искра» беқиёс аҳамиятга эга бўлди.

Газета саҳифаларида чоризмнинг чекка ўлкалари, жумладан, Туркистон ҳаётидан ҳам босилган мақолаларда Оренбург — Тошкент темир йўли курувчиларининг оғир турмуши, улар ўртасида тобора кучайиб бораётган революцион кайфият акс этди. Урта Осиё темир йўли Бош устахонаси ишчилари «Искра» газетасини тарқатишда фаол қатнашдилар. Газета Туркистон революционерларининг ғоявий чиниқишига, улар сафининг мустақамланишига кучли таъсир кўрсатди.

Газета редакцияси бевосита В. И. Ленин раҳбарлигида РСДРП Программаси ва Устави лойиҳаларини тайёрлади. Унда ишчилар ҳаракатида

партиянинг раҳбарлик роли ва унинг вазифалари аниқ кўрсатиб берилди. «Искра» газетасининг уч йиллик фаолияти ўлароқ 1903 йилда РСДРПнинг II съезди бўлди. Съездда партия Программаси қабул қилинди ва большевиклар партияси тузилди. Съезд «Искра» газетасини партиянинг марказий органи қилиб тасдиқлади.

В. И. Ленин таҳририда «Искра»нинг 51 сони чиқди. Лекин РСДРП II съездининг қарорларини бузувчи оппортунистлар газетага таъсир кўрсата бошладилар. Владимир Ильич 1903 йил 19 октябрда ўз хоҳиши билан редакция составидан чиқди. «Искра» 52-сонидан бошлаб оппортунист меньшевиклар газетаси бўлиб қолди. Кейинчалик В. И. Лениннинг ташаббуси билан «Вперед», «Пролетарий», «Правда» газеталари ташкил этилди. Янги сиёсий газеталар «Искра»нинг жанговар ва революцион аъёнларини муваффақиятли давом эттирди. Ленинчи большевик матбуот Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш, уни муваффақиятли амалга оширишда большевиклар партияси ва ишчи-деҳқон синфининг жанговар минбари бўлди.

Дарҳақиқат, XIX аср охири ва XX аср бошларида чақнаган революцион учкун 1917 йил октябрга келиб қудратли алангага айланди. Ана шу буюк аланга чоризмни таг-туғи билан ағдариб ташлади — дунёда биринчи социалистик давлатнинг музаффар байроғи бўлиб қолди.

Мана, 63 йилдирки, Совет давлати социализм байроғини баланд кўтариб келмоқда. Тарихан қисқа бу даврда мамлакатимиз халқ хўжалиги, маданияти беқиёс тараққий этди. Биз ҳозир ривожланган социализм шароитида яшамоқдамиз. Ленинчи «Искра»нинг жанговар аъёнларини изчил давом эттираётган совет матбуоти эса миллионлар минбари сифатида коммунизм қурилиши ишига фаол хизмат қилмоқда. Буюк Лениннинг 1900 йилдаёқ «Газета коллектив пропагандист ва коллектив агитаторгина эмас, коллектив ташкилотчи ҳамдир» деган башорати матбуотимиз фаолияти учун асосий мезон бўлиб қолди.

Носир ҚОДИРОВ

қида тинимсиз қайғуришлари, уларнинг халқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги олижаноб ишлари ер юзидеги миллион-миллион кишилар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

1980 йилда Африка харитасида яна бир мустақил давлат пайдо бўлди. Родезияда ўтказилган парламент сайловида Ватанпарварлик fronti галаба қозониб, Зимбабвеи мустақил давлат деб эълон қилди. Зимбабве — Африка учун эллигинчи мустақил давлатнинг вужудга келиши, Англия учун эса қитъадаги сўнгги мустамлакасида маҳрум бўлишди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Англия ўзига қарам бўлган Родезия (Зимбабве)дан ихтиёрий равишда воз кечгани йўқ. Бу мустамлакага у маҳаллий ирқчилар билан биргаликда маҳкам ёпишиб олиб, ўз ҳукмронлигини абадийлаштириш учун зўр бериб уриниб келди, унинг мустақиллик учун интилишларига ҳар қандай йўллар билан тўсқинлик қилди. Натижада Зимбабве халқи қўлига қурол олишга мажбур бўлди. Бу адолатли, озодлик йўлидаги курашда 20 минг зимбабвелик ватанпарвар жонини фидо қилди. Лекин 20 минг ватанпарвар фидойининг қони зое кетмади. Зимбабве халқи ўз озодлигини қўлга киритди.

1980 йили Афғонистон революцияси ўз позицияларини бирмунча мустақамлади. Америка империализми, Хитой гегемонизми, ички ва ташқи реакциянинг хуружларига қарамай, афғон халқи Халқ демократик партияси раҳбарлигида қомил ишонч билан янги ҳаёт қурмоқда. Ёш республика деҳқонларга ер бериш, уларни уруғлик билан таъминлаш, саводсизликни тугатиш ва кооператив хўжаликларга бирлашишда фаол кўмаклашмоқда. Айни пайтда аксиланқилобчи тўдаларни тугатишда халқнинг бевосита кўмагига суянмоқда.

Эронда эса ислом революцияси ниҳоятда мураккаб вазиятда давом этмоқда. Воқеаларнинг бориши революция галабасини таъминлаш бир неча ой ёки йилнинг иши эмаслигини кўрсатиб турибди. Эрондаги ички вазият ва айниқса революцияга диний тус берилиши унинг кенг қўламда қулоч ёйиши ва узил-кесил галаба билан якунланишига тўсқинлик қилмоқда. Бунинг устига Эрон билан Ироқ ўртасида бошланиб кетган ҳарбий тўқнашувлар ислом революциясини яна ҳам мушкул аҳволга солиб қўйди. Эрон халқи революция берган имтиёزلардан қай тариқа манфаатдор бўлганлигини келгуси йиллар ва ислом революциясининг пировард натижаси кўрсатади. Тарих сабоқлари далолат берганидек, низоли масалаларни қурол кучи билан ҳал қилишдан халқлар

ҳеч қачон манфаат кўрган эмаслар. Эрон — Ироқ ҳарбий можароси 1980 йили шу икки қўшни мамлакат халқлари бошига кўп қулфатлар келтирди.

1980 йилда жаҳон халқлари Хитойдаги воқеаларнинг боришини алоҳида эътибор билан кузатиб турдилар. Дарҳақиқат, бу йил Пекинда раҳбарлар ўртасида тахт учун талашиш шиддатли тус олди, репрессиялар кучайди. Халқ душмани сифатида қатл этилган айрим кимсалар фаолияти оқланди. Ниҳоят, Хитойнинг раҳбар доираларида ўзгаришлар рўй берди. Лекин Пекин раҳбарларининг гегемончилиги, буюк давлатчилиги ва шовинистик сиёсати ўзгармай қолаверди. Империализмнинг энг ашаддий кучлари билан бирлашган Пекин гегемончилари Афғонистон, Эрон, Кампучия ва Африкадаги айрим мамлакатларнинг ички ишларига аралашинишга уриндилар, Вьетнам, Лаос, Ҳиндистон, Совет Иттифоқи чегараларида иғвогарлик қилдилар. Мамлакат ичкарисидеги аҳвол эса оғирлигича қолиб кетмоқда.

Бутун ер юзидеги тинчлик ишига хавф солаётган Яқин Шарқдаги аҳвол 1980 йилда ҳам кескинлигича қолаверди. Америка Қўшма Штатлари ҳолийлигида Миср билан Исроил ўртасида тузилган ва бутун араб дунёси кескин қоралаган Кемп-Дэвид сепарат битимлари Яқин Шарқда ҳеч қандай тинчлик ва осойишталик келтирмади. Аксинча араб ва Фаластин халқлари ҳуқуқларини оёқости қилган бу битимлар Яқин Шарқдаги тангликни янада кескинлаштирди. Исроилнинг араб мамлакатларига, Фаластин қочоқларига ва Лизанга хуружи баттар кучайди. У халқаро ҳуқуқ нормалари ва БМТ қарорларини қўпол равишда бузиб, Қуддусни Исроил давлатининг янги пойтахти деб эълон қилди. Бу нарса араблар дунёсида кескин норозиликларга сабаб бўлмоқда.

* * *

Прогрессив инсоният 1980 йилда йигирманчи асрнинг буюк даҳоси Владимир Ильич Ленин туғилган кўннинг 110 йиллигини кенг нишонлади. У ўзининг юксак орузи — тинчликни Ленин номи билан эгизак деб билади. Шу боисдан ҳам Ленин Ватанига, Ленин тузган Коммунистик партияга зўр ишонч билан қарайди. У ўз тарихида алоҳида из қолдирган 1980 йил билан хайрлашар экан, янги — 1981 йилнинг тинчлик йили, халқлар ҳамкорлиги ва биродарлиги йили бўлиб қолишини истади. Уртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил Июнь пленумида таъкидлаганидек, тинчлик инсониятнинг бебаҳо бойлигидир.

Файзи ШОҲИСМОИЛОВ



Кема командири, СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Леонид Иванович Попов.



Тадқиқотчи космонавт, СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Валерий Викторович Рюмин.

ОЛАМШУМУЛ ЗАФАР

Советлар мамлакати янги буюк галаба қозонди. Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги арафасида инсоният тарихида энг узоқ давом этган бошқарилувчи космик учуш муваффақиятли тугалланди. СССРнинг космонавт-учувчилари Л. И. Попов билан В. В. Рюмин юксак маҳорат, мураккаб техникани аъло билиш, «Салют-6» — «Союз» орбитал комплексидеги илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларнинг 185 кунлик программасини амалга ошириш йўлида мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 4 ноябрь кўни Кремлда космос қаҳрамонларига Ватанининг юксак мукофотларини топшириш маросимида баҳодирларни қўтлаб, жумладан шундай деди: «Сизларнинг космосда зўр гайрат ва турли хил меҳнат билан ўтган 185 кунлик ишингиз олис космосни ерликларга яқин ва қадрдон қилиб қўйди. Шубҳасизки, сизлар ўтказган тадқиқотлар ва экспериментлар илм-фаннинг кўп тармонларини бойитди, амалий ишларда қўлланилади».

ОЛОВ ТАФТИ ҲАМОН ЛОВУЛЛАР...

Учовлон

Эркак, аёл, бола
Юриб келадилар.
Еноқлари кунда қизарган.
Еру осмон орасида улар
Юриб келадилар азал-азалдан.

Бир — манглайда мардлик излари,
Сочларида қумуш шалола.



Бир — буткул ташвиш, вафо, муҳаббат,
Уртада уларнинг қувончи — бола.

Гул, капалак, юлдуз — барини
Йўлакай номма-ном тилга олади.
Унутилиб кетган нарсаларни
Беихтиёр эсга солади.

Уни офтобгача кўтаргудай бўлиб
Қўлга олишади гоҳ галма-галдан.
Еру осмон орасида улар
Юриб келадилар азал-азалдан.

Юлдузим

Қишлоғимиз қўҳна, бир этагида
Осмонга туташган дашт эди.
Полизкапа қуриб, кечалар томда
Юлдуз санаб ётиш — ажиб гашт
эди.

Болаликда, бир кун, энди ётсам,
Хаёлларим кетиб Сомон йўлига,
Юлдуз учди! Худди мушакдай
Ениб ерга тушди. Жиззах чўлига.

Жуда яқин тушди. Ҳар эҳтимолга
Липпага қистириб гугуртим,

Томдан ташлаб, ўқариқдан сакраб,
Уша ёққа қараб югурдим.

Чинакам юлдузни кўрмоқчийдим
мен,
Тиканларни босдим, топтадим,
Узоқ тентирадим чўл
сўқмоқларида,
Қувоқлар оралаб кездим...
Топмадим.

Топмадим ўшанда бола бахтимни,
Сирли мўъжизага тўймади кўзим.
Ҳали ҳам излайман. Биламан:

Ерда,
Шу чўлларда менинг юлдузим!



Собирман

Ҳаммасига секин эришдим мен,
Муҳаббат ҳам келди ҳаяллаб.
Билим аста ортди, ақл кирди шошмай,
Тажриба ҳам келди амаллаб.

Ҳамма нарса аста-секин келди,
У-бу ишга энди қодирман.
Бардошим бор, ҳамма нарсани мен
Сабр билан кутдим. Собирман.

Энди буёғи ҳам шундай бўлаверсин,
Одат бўлиб қолди секин-асталик.
Қарилик ҳам келсин секинроқ,
Шошмай қўяқолсин хасталик.

Улим қанча имилласа, майли,
Қанча кутгин, деса, ҳозирман.
Бир умр кутишга ўрганган одам
Энди шошармидим? Собирман!

Гўзаллик

Гўзаллик — тонлардек софлик яратган
Улуғ табиатнинг маҳоратида.
Илк бўсанинг ширин хотираси
Ва илк космонавтнинг жасоратида.

Гўзалдир гулдаги мусиқий ранглар,
Севгили чехрада кулгу балқиши.
Баргда титраб турган шаффоф шабнаму
Нилий осмонда оининг қалқиши.



Гўзалдир қўшнингнинг субҳ саломи,
Баҳорда гўзалдир ҳатто юлғунзор;
Етук ҳомилали жувон ҳам гўзал,
Гўзаллик у — ҳамма жойда бор.

Гўзал эмас ёруғ дунё, умр,
Ёшлиқнинг барқ урган чоқлари,
Гўзал эмас мовий денгиз мавжи,
Ўғлингнинг севишли ўйинчоқлари,

Гўзал эмас ҳатто жоду кўзлар,
Туғишган қишлоғу жонажон шаҳар,
Гўзаллик, у ҳеч қаерда йўқдир, —
Ўз қалбингда бўлмаса агар.

Мўъжизалар



Мўъжизани қаранг: гулга ари қўнди,
Гул балки Заминнинг қалб ўтиди.
Қахрабо зарралар балки асал эмас,
Балки табиатнинг она сутидир.

Қалдирғочлар учди Қуддусдан, Шомдан,
Айвон пештоқидан тинч жой ҳозирла.
Катта мўъжизалар содир бўлгунгача
Кичик мўъжизани қадрла.

Саҳнада ария айта олмасанг,
Оддий бир қўшиқни хиргойи қилиб юр,
Яшнатсин ақалли пуч бир онингни,
Онларни яшнату давронингни сур.

Разм сол, ўйга тол, ҳайратда талпин,
Бир зум лоқайд тепмасин юрак.
Каттасини куту кичигидан қолма,
Кичик мўъжизалар ҳар куни керак.

Энага

Қўрқинчли туш кўрсам гоҳо тунлари,
Туриб энагамнинг қўлин ушлардим.
Бошқатдан беларди уйқу аралаш,
Сочилиб кетарди тушларим.

Алла юпатарди, тинчлантирарди,
Уйқумга қайтарди яна ҳаловат.
Таниш оҳангидан уқар эди кўнглим:
«Ухлайвер, уйинг тинч, онанг саломат».

Кейин эса мени тақдир-энага
Бинт билан беллади, битди жароҳат.
Мудҳиш синовдан сўнг буюк давр мени
Юпатди: «Олам тинч, юртинг саломат».

Нотинч бўлса, дейман, фақат тафаккур,
Шодман ҳиссий тўлғанишлардан.
Даҳшатли тушлардан қўрқмайман энди,
Қўрқаман даҳшатли уйғонишлардан...



Умр

Гоҳо қалбин ушлаб, сезади одам
Давр дардларидан мажруҳ эканин.
Шунда бирдан секинлашар қадам,
Мунча узоқ йўл бу, умр дегани!

Юрак ярасини силаб дам-бадам
Дардларини олар севгани.
Шунда бирдан жадаллашар қадам,
Мунча қисқа йўл бу, умр дегани!



Ташвишлар

Уфқлар жигарранг гўзапоядан.
Паҳмоқ булут сузар паришонхаёл.
Тутқатор оралаб, ўтзор марзалардан
Сигир ҳайдаб келади аёл.

Яланг оёқ, бир қўлида хивич,
Бағрида йўрғақли гўдак — куртаги.
Говмиш ҳаялламас, гўё биладими,
Уйда катталари қаймоқ кутади.

Янгроқ арқон солиб ўтгач турналар,
Куз осмони гўё бирдан музлади:
Бўлиб кетди уни муз парчаларга
Реактив лайнернинг оппоқ излари.

Гувлаш тинар-тинмас тизиллади сут,
Говмиш оқ сут берар, қимир этмайди.
Кўжда оқ из ўчар, аммо Ер юзида
Азалий ташвишлар битмайди.



Буви

У ишдан келади чарчаб, ҳансираб.
Сумкасида мева, нон, иш қуроли.
Зинаполярда эски таниш ҳидлар,
Тепада — келажак сурони.

Секинлайди: унда неваралар
Титратиб хонанинг йўлакларини,
Алғов-далғов қилиб сочиб ташлашган
Келажакнинг бўлакларини.

Эшик тутқичида қўли, жилмаяди,
Ҳорғин ҳаяжондан қалқиб елкаси.
Ичкарида гувлар, чорлар, шаклланар
Набираларининг узоқ эртаси.

Эшикни очгани юрак дов бермас:
Кимдир, ҳушёр бўлинг, тўхтанг, дегандек.

Сурон ташқарига отилиб чиқиб,
Жаҳонни тўлдирадигандек.

Самолётлар, кран, луноходлар,
Скафандр ва темир одам...
Жаранг, учқун, сирли сигналлар,
Журъат ва таваккал, янги бир олам.

Бунда у нимани ўзгартира олар?
Буни бўйсундириш шартми ўзига?
Келажак бу. Гоҳо қулоқ солар,
Гоҳо қулоқ солмас унинг сўзига.

Яхшиси — у кириб, битта-битта нок
Ё олма беради.

Келажакка мадад.
Шу келар қўлидан.
Яна шу келарки,
Меҳри — беадад.

Қалб

Яна бир кун қизғин ишлар билан,
Утли ҳислар билан ёниб тугади.
Қалб эса... қалб кулранг оқшомнинг
Доно сукунатин туяди.

Унда бебош ёлқинлар сўнган,
Чирсилламас ҳўл саксовуллар.

Сўнги азиз чўғлар ўчмоқда, аммо
Олов тафти ҳамон ловуллар.

Мен хаёлан сокин шом қўйнида
Сенинг қўлларингни топаман
Ва яхши қизиган ўша тандирда
Олтин сўзларимни нондек ёпаман.



Булоқ

Неча авлодларга таниш
Бахмал тоғнинг этаги.
Арча ҳиди, тошда ўсган гул...
Минг йилларнинг эртаги!

Бир қария терга ботиб,
Ҳалак қилиб ўзини,
Очмоқ бўлар битиб кетган
Ойна булоқ кўзини.

Тош чақнайди кетмон урса,
Чарчаганин сезмайди.
Гўё бобо булоқ эмас,
Йигитлигин излайди.

...Мастонини учратган эди
Уша булоқ бошида,
Кўзларида шабнам нури,
Кумуш танга сочида...

Тоғ бағридан сизиб чиқди
Муздек шаффоф қатралар.
Йўқ, бу — бобо кўксидаги
Бебаҳо хотиралар.

Қараб турди тошдан тошга
Сувнинг жилдирашини.
Сувнинг жилдирашимиди,
Чўлпи шилдирашимми?..

Севги

Мен қуёшни севсам,
 ҳеч ким қарши эмас,
Манъ этмас гулларни кўксимга тақсам.
Табиатни севсам тақдир этмас ҳеч ким,
Айб этмас осмонга суқланиб боқсам.

Мен қўрқаман фақат сенинг севгингдан.
Сени севганимни арз этсам бир кун,
Рўпара бўлади минг хил тўғанок;
Авалло сен ўзинг кулишинг мумкин.

Қолаверса, таҳдид, қарғиш ё тақдир,
Яна мол-мулк, сунъий ташвишлар,
Ақидалар, урфлар раҳна солар балки,
Балки таъқиб қилар миш-мишлар.

Гов бўлиши мумкин, қонун, истеҳзо,
Кимнингдир нафрати, заҳархандаси.
Ўзи ўйлаб топган шартлар чирмовиғин
Ёриб чиқа олмас бандаси.

Бордию сен тонг бўлсанг, ё бир дона гул,
Мен нур бўлсам, ё томчи шабнам,
Севгимизни ҳеч ким манъ этолмас эди.
Аммо, йўқ, афсуски, биз — одам.

Ҳа, одаммиз, одам дили қат-қат,
Гоҳо фариштадир, гоҳо аждаҳо.
Балки шунинг учун қаҳр — беадад,
Балки шунинг учун севги — бебаҳо.

Янгам

Янгам энди кекса, куюнчак аёл,
Паст-баландни кўрган турмушда.
Фарзанддан гап очсанг,

«Менинг болаларим
Нобуд бўлган, — дейди, — урушда».

Ишонаман унга, ёшлигин эслаб
Кўзидаги жиндак шуъладан.
Ишонаман, гарчи биламанки,
Болалари унинг бўлмаган.

Тоғам кетгач, тракторин минди;
Ўжар дев яшаркан хотин кишида.
На келин, на бева: кун-тун юрак эди
Этиги билчиллаб ёўза ичида.

Гербицид ташиди қоғоз қоп елкалаб,
Совуқда шўр ювди, ботқоққа тушди.
...Иигирма миллионга кирмайди унинг
Саратон ўтида ўртанган пушти.

У бешик устида алла айтмаган,
Аччиқ армонлари яшар пинҳона.
Ҳасадини кўзғар (худо кўрсатмасин!)
Тобутга бош уриб йиғлаган она.

Янгам энди кекса, куюнчак хотин,
Паст-баландни кўрган турмушда.
Фарзанддан гап очсанг,

«Менинг болаларим
Нобуд бўлган, — дейди, — урушда».

Беш йиллик
режалари амалда

«ФАРҲОД» ЯНГИ ДАРЁЛАР ЯРАТАДИ

Унга Фарҳод деб ном бердилар. Мабодо иш-лаётган пайтида ёнида турсангиз, алп Фарҳоднинг қудратли юрак уришини эшитгандек бўласиз. Бу мосламанинг Мирзачўлда қўлланилаётгани бежиз эмас. Олимлар: «Бизнинг «Фарҳод» ҳам, Алишер Навоий дostonидаги машҳур қаҳрамон сингари, дарё яратади, йилдан-йилга кўпроқ сув талаб қилаётган чўлнинг эҳтиёжини қондиради, оғиримизни енгил қилади», деб фахрланмоқдалар.

«Фарҳод» мосламаси суғориш системаси тарихида, шубҳасиз, янги сифат ўзгариши, ноёб янгиликдир. Суғориш тарихига назар ташлайлик: отабоболаримиз ариқ қазиб сув келтирганлар, қўриқ очиб, ноз-неъмат ундирганлар. Аммо кўпинча сувни кўзланган манзилга етказолмай, деҳқоннинг тинкаси қуриган. Бор сувнинг қанча-қанчаси ерга сингиб ёки буғланиб кетган.

Мирзачўл, Жиззах ва Қарши даштларини ўзлаштириш давомида чўлга сув келтиришнинг янги йўллари топилди, суғориш системасида бурилиш ясалди. Темир-бетон новларда сув келтириш усули кенг қўламда жорий қилинди. Сувнинг қарийб ярми ерга беҳуда сингиб кетишига барҳам берилди. Эндиликда пахтани кўплаб етиштиришни кўпайтириш бевосита сув ресурсларига боғлиқ бўлиб қолди. Чунки ўнлаб янги район, бир қанча қўриқ областлар ташкил қилинади. Юз минг гектарлаб қўриқ ва бўз ерлар очилди. Асримизнинг буюк яратувчилик ишларидан бири — Сибирь дарёлари сувларини Ўрта Осиёга келтириш сув масаласини тўла-тўқис ҳал қилган бўлур эди. Аммо бу улўғвор вазифининг амалга оширилиши учун кўп вақт талаб этилади. Сув эса бугун керак.

Хўш, муаммонинг калити қаерда? Ўрта Осиё Сув иншоотлари ва совхозлар қурилиши бош бошқармасининг бир гуруҳ олимлари сувдан унумли фойдаланишнинг янги йўлини — темир-бетон новларда оқётган ва маълум миқдори буғланиб кетаётган сувни ерости қувурлари орқали йўналтириш кераклигини кўрсатиб бердилар. Бу иш оддий ва тезгина амалга оширилиши мумкиндек бўлиб туюлса-да, ҳеч нарса осонликча бунёд бўлмаслигини билган мутахассислар масалага жиддий ёндашдилар. Жаҳон тажрибасида Америка Қўшма Штатларининг аллақайси штатида сув темир қувурлар орқали экин майдонига етказилаётганлиги маълум эди. Аммо бундай қимматли маҳсулотни — темир қувурларни ерга кўмишдан ҳақли суратда воз кечилди. Неча юз йиллар мобайнида хизмат қила оладиган темир-бетон қувурларнинг ерга кўмилиши мақсадга мувофиқ эди. Бу қувурларнинг турли босимга бардош бера олиш қобилияти ҳам ҳисоблаб чиқилди. Кам босимга чидайдиган қувурлар намунаси яратилди. Биз илгари бундай қувурларга эҳтиёж сезмаганимиз, заводларимизда тайёрланаётган қувурлар кўзда тутилган мақсадга мутлақо тўғри келмас эди.

Олимлар, конструкторлар тамомила янги машина яратиш зарурлигини англадилар. Катта мақсадга қараб интилиш ва узоқ изланишлар ўз натижасини берди. Ўрта Осиё Сув иншоотлари ва совхозлар қурилиши бош бошқармасининг конструкторлар бўлими ходимлари олимлар билан ҳамкорликда ана шундай мураккаб масалани




ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАР САРИ

6 миллион тонна! Бу афсонавий рақам заминини бутун Ўзбекистон меҳнаткашларининг бир йиллик ижодий меҳнати, ғайрат-шижоати, қаҳрамонлик иродаси ташкил этади. Республика пахтакорлари эришган мислсиз меҳнат ғалабаси КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига муносиб совға бўлди. Уртоқ Л. И. Брежневнинг: «Биз, эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг мана шу ғоят қимматли экин рекорд ҳосили чўққисини тобора юқори кўтара беришига ўрганиб қолганмиз», деган юксак баҳоси ниҳоятда ҳаққоний экани яна бир марта амалий исботланди. 6 миллион тонналик улғу хирмоннинг бунёдга келишида бошқа жуда кўп етакчи омилар қатори, социалистик мусобақа муҳим роль ўйнади. У, офтоб нурлари каби, бутун республикани қамраб олди, пахтакорларимизнинг ижодкорлиги тўла-тўқис намоён бўлишига имконият берди, меҳнат мўъжизаларини яратди.

С у р а т л а р д а: 1. Сирдарё область Оқ олтин районидаги Ворошилов номи совхозининг [чандан] Турди Умрзоқов, Шаҳриёр Латипов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари аъзолари ҳосилдорликни 43 центнерга етказдилар, олтин қўллар яратган 6 миллион тонналик улкан хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар. 2. Тошкент область Оққўрғон районидаги Куибишев номи колхозининг илғор теримчиси Сабоҳат Алиқулова КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, мавсум давомида 8 минг тоннадан кўпроқ пахта терди. 3. Жиззах область Арнасон районидаги Тимошенко номи совхозининг илғор механизатори Даврон Тўхтаев мавсумда 350 тонна пахта тер-

ди. 4. Наманган область Поп районидаги «Правда» колхози бригада бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти лауреати механизатор Санобар Жўраева 350 тонналик хирмон тиклади. 5. Янгийул районидаги «Ленинизм» колхозининг зарбдор теримчиси Гулнора Шокаримова. 6. Фарғона область Киров районининг 60 центнерчи бригада бошлиғи, Октябрь Революцияси ордени, «Хўрмат белгиси» ордени кавалери Оидинисо Раҳмонова, 7. Ғалаба район УЗССР 5 йиллиги номидаги совхоз механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев КПСС XXVI съезди шарафига бағишланган социалистик мусобақада ҳамisha пешқадам. Унинг ўғли — механизатор Абдул Алиев эса ота изидан бориб, 120 тонна пахта терди. 8. 1980 йил кузида Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг пахтазорларида ҳам терим машиналаридан унулли фойдаланилди. 9. Андижон область Комсомол-обод районининг СССР 50 йиллиги номидаги совхозининг моҳир механизатори Соттибой Шокиров мавсумда 550 тонна пахта териб, партиямиз съездига муносиб совға тайёрлади. 10. Ғалаба район «Москва» колхозининг механизатори Имомали Ғанибоев ҳам йигит-терим илғорлари сафида фидокорона меҳнат қилди. 11. Поп районидаги «Коммунизм» колхозининг илғор механизаторлари, социалистик мусобақа ғолиблари Рўзибой Рустамов, Йўлдошали Турдалиев ва Йўлчимат Тўйчиев. 12. Республиканинг 6 миллион тонналик «оқ олтин» денгизидан бир томчи: Арнасон районидаги Тимошенко номи совхоз пахта пункти.

Ж. ТЎРАЕВ ва А. АБАЛҲАН фотолари.






4



5



6



7




11



12

10



Бу темир-бетон қувурлар неча юз йиллар мобайнида хизмат қилади сувни буғланишдан, ерга сингиб кетишдан сақлайди.

Сув иншоотлари қурилиши ва ғўзани суғоришни механизмлаш давлат конструкторлик бюросининг етакчи конструктори Ирина Крученецкая, конструкторлик бўлими бошлигининг ўринбосари Еушуа Ваксин, инженер Елизавета Пак, конструкторлик бюроси бошлиғи Владимир Динерштейн, конструкторлик бўлимининг сектор мудирини Фуод Урмонов, инженерлардан Лидия Уманец ва Гулчеҳра Бобохонова «Фарҳод-1» мосламасининг транспорт комплекти тузилишини муҳоама қилмоқдалар.

А. ЖДАНОВ,

Т. ЕҚУБОВ

фотолари

«Фарҳод» мосламасининг саноат тажриба нусхаси Янгиер Қурилиш материаллари ва конструкциялар комбинатида ишлаб турибди.


Боши 9-бетда.

ечдилар: янги яратилган — «Фарҳод» мосламасининг саноат тажриба нусхаси Янгиер Қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида ишлаб турибди. Олимлар: «Бу янгилик суғориш тарихида янги давр очади» демоқдалар.

Хуллас, сувдан тўла-тўқис фойдаланиш имкони яратилди. Ваҳоланки, ҳозирги пайтда суғориш шаҳобчаларида қарийб 40 процентга яқин сув ерга сингиб ё буғланиб кетмоқда. Демакки, миллионлаб тонна пахта, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари сувсиз қолиб нобуд бўлмоқда. Бошқача айтганда, Амударё ва Сирдарё сувига тенг обиҳаёт исроф қилинмоқда. «Фарҳод» мосламасидан самарали фойдаланиш эса, ана шу икки буюк дарё ёнига яна бир дарё қўшади. Бу — яна юз минг гектарлаб янги ерларни ўзлаштириш имконини беради, қишлоқ хўжалиғи тараққиётини тезлаштиради. Суғориш ишларининг ер остига кўчирилиши натижасида экин майдонларидан юз фоиз фойдаланиш мумкин бўлади. Новлар системасини кенг жорий этиш тўғрисида сув шаҳобчасининг ости ва ён теваракларидаги эҳтиёт зоналар серунум экинзорларга айланади. Шунинг ҳисобига ерлар ҳосилдорлиғи янада ортади. Техникадан фойдаланиш учун қулайлик туғилади. Бунгача Жиззах даштидаги икки совхоз ер ости суғориш системасига кўчирилди. Тажриба янги суғориш системаси шу кун талабига тўла жавоб беришини тасдиқламоқда.

Янги системанинг келажағи порлоқ. Ун биринчи беш йилликда Жиззах ва Қарши даштида ташкил этилаётган барча хўжаликлар янги системага кўчади. Мирзачўлдан кейин «Фарҳод» Қарши ва Жиззах даштларига дарё бошлаб боради.

Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ



Ҳурматли редакция!

Яқинда комбинатимизнинг ёш тўқувчиси Башорат Йўлчибоева Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди. Мен бунга жуда қувониб кетиб, бир ғазал бағишлаган эдим, шуни босиб чиқарсанглар.

Ҳурмат билан Наманган Шойи газламалар комбинати мастери Абдулла РАҲИМОВ

Қутлагай дўстлар бўлиб жам доврўғу шонинг билан,
Чин ҳалол меҳнат қилиб орттирган унвонинг билан.
Қасбдошимсен, армуғон айлай: бу қалбимдан ғазал,
Гуркира чандон ярашуғ давру давронинг билан.
Бахтим, иқболи кулган бир чаман фарзандисан,
Сатрима солгим келур эзгу ҳаяжонинг билан.

Жўш урар ҳар дам қонингда комсомоллик ғайрати
Халқ ишига сидқидилсан жону виждонинг билан.



КОММУНИСТНИНГ ИНСОНИЙ ВА ИЖТИМОЙ ҚИЁФАСИ

КОММУНИСТЛАР ҳам ҳар хил бўлади. Бу фикр бадий ҳақиқат тарзида атоқли адибларимиз томонидан ҳам, ҳаёт ҳақиқати тарзида марксизм-ленинизм классиклари томонидан ҳам исботланган. Чунончи, адабиётимиз оқсоқолларидан бири Комил Яшин роса элик бир йил муқаддам «Икки коммунист» драмасида бир-бирига мутлақо ўхшамаган икки коммунистнинг ўзига хос мураккаб ва ёрқин образларини яратган эди. Адибнинг бу ижодий жасорати ҳозирги кунда ҳам қалам аҳли учун ўрнақдир.

Энди ҳаёт ҳақиқатига келсак, улў доҳиймиз Карл Маркс ибораси билан айтганда, инсонга хос барча хислатлар коммунист — инсонга ҳам ёт эмас. Зотан, коммунист образи тасвирида инсонга хос фазилат ва нуқсонларни четлаб ўтиш шаблонга, схематизмга, бинобарин, ҳаётни бўяб, юзаки тасвирлашга олиб келади. Бу ўринда атоқли латиш ёзувчиси В. Лациннинг коммунист образини яратиш тўғрисида айтган фикрларини келтиришни лозим кўраман: «Биз,— деб ёзган эди адиб,— партия ходимларини бошқаларни билганимиздан кам билмаймиз, лекин ҳамма бало шундаки, қандайдир тайёр тасаввурларга асосланиб, кўпинча, коммунистларнинг образларини қашшоқлаштириб қўямиз. Бизга нима учундир партия ходими ўзининг лавозими ва вазифасига кўра қандайдир алоҳида нуфузли, бошқаларга хос кўп белгилардан маҳрумдек туюлади... Пьесада, повестда ва романда кўпинча авторлар конфликтнинг ҳал қилинишида унга асосий ҳуқуқни бермайдилар. У кўпроқ кузатувчи, насиҳатгўй бўлиб қолади».

Кўриниб турибдики, бу ерда гап коммунист образининг мукамаллиги, инсоний жозибаси ва ижтимоий қиёфаси хусусида бормоқда. Ҳаммага аёнки, шу кеча-кундузда дунё нотинч. Гоҳ олис-олислардан, гоҳ қўшни мамлакатлардан тўплар садоси, очликдан тинқаси қуриган мазлумлар ноласи эшитилиб турибди. Буржуа оламнинг корчалонлари дўқ-пўписалар ва турли ҳийлаю найранглар билан жаҳон халқларининг тинч-тотув ҳаётини бузмоқчи бўладилар. Лекин биз аминмизки, уруш оловини ёқувчи империалистик кучларнинг шум ниятлари амалга ошмайди.

Бугунги кунда жаҳон ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг фидойи инсонлар — коммунистлар фаол иштирок этмаган бирон-бир соҳаси йўқ. Ҳоҳ жаҳонда тинчлик учун кураш бўлсин, хоҳ фантехника ва маданият соҳасида эришилган оламшумул муваффақиятлар бўлсин — ҳамма ғалаба, ҳамма ютуқларимиз коммунистлар бошчилигида қўлга киритилганлиги аёндыр. Шу сабабли ҳам фаол коммунистлар образларини яратиш доимо совет ёзувчиларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Албатта, жамият тараққиёти жараёнида коммунистларнинг ва-

Кўп миллатли совет адабиётининг ривожланиши мамлакатимиз меҳнаткашларининг коммунизм тантанаси йўлидаги курашдан ажралмасдир. Совет кишиларини шавкатли меҳнат ва жанговар жасоратга ҳамиша илҳомлантириб келган улўғ идеалларга хизмат қилиш бадий маданиятимизнинг жон-тани, унинг ватанпарварлик ва интернационал мазмуни манбаидир.

Ишончим комилки, мамлакат ишлари ва юмушлари барча иттифоқдош республикалар адибларининг бундан буён ҳам диққат марказида қолаверади, сизларнинг асарларингиз эса китобхонларда фаол гражданлик туйғуларини тобора мустаҳкамлайверади.

Л. И. БРЕЖНЕВ

Кейинги йиллар ўзбек совет прозасига бир назар

зифаси, уларнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ҳам ортиб борди. 20-йиллар адабиётида инқилоб ғалабаси йўлида жонини тиккан қаҳрамонлар образлари асосий ўрин эгаллаган бўлса, 30-йилларга келиб, халқ хўжалигини тиклаш ва уни ривожлантириш йўлида фаоллик кўрсатган коммунистлар етакчи қаҳрамонлар сифатида талқин этилди. 40-йиллар адабиётида инсоният тақдири учун кураш олиб борган ватанпарвар коммунистлар образлари тасвирланган бўлса, урушдан сўнгги тинч қурилиш йилларида, айниқса, КПССнинг XX съезидан кейинги йилларда гражданлик бурчини чуқур англаган, олижаноб инсон сифатида халққа етакчилик қилган соф виждонли коммунистлар образлари совет адабиётида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Бугунги кунда эса совет халқи бир жон, бир тан бўлиб, партиянинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун меҳнат қилаётган бир пайтда коммунистларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётимиздаги мавқеи янада кучайди, уларнинг халқ ва партия олдидаги масъуллиги янада ортди.

Доҳиймиз В. И. Ленин 1910 йилда «Партиянинг ҳамма ишларини мустақил суратда олиб борадиган ва ишчилар оммасини илгарига қараганда ўн марта ва ҳатто юз марта кўпроқ жипслаштира оладиган, бирлаштира оладиган, ташкил қила оладиган партия янги социал-демократ ишчи типини ўсиб бормоқда... Бу ишчи партияни мустаҳкамлаш, тиклаш ва қайтадан тузиш билан шуғулланаётган экан, унга партия тўғрисидаги асл ҳақиқат кўрқинчи эмас», деб ёзган эди:

Биз биламизки, ишчи коммунист образини яратишга интилиш XX аср аввалларидаёқ бошланган эди. Улўғ пролетар ёзувчиси М. Горькийнинг машҳур «Она» романи бу фикрнинг ёрқин мисолидир. Ҳамза ҳам «Лошмон фожиаси» пьесасида дастлабкилардан бўлиб ишчи коммунист образини тасвирлашга жазм қилди.

Албатта, ҳаёт ва ижтимоий тараққиёт жараёнида коммунист образи ҳам, бу образга боғлиқ муаммолар ҳам ўзгариб боради. 50-, 60- ва 70-йиллар адабиётида яратилган коммунистлар образларида тамом янги масалалар, ижтимоий тараққиётнинг тамом янги

муаммолари аксини топди. Биз бу образларга назар ташлар эканмиз, фақат кескин драматик курашлар, теран фалсафий фикрлар асосида тасвирланган коммунист образига ижтимоий ва сиёсий ҳаётимизда муҳим тарбиявий аҳамият касб этганини кўраемиз.

Бу ҳақиқат коммунистик қурилишнинг ҳозирги палласида ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Бугунги кунда совет халқлари ўртасидаги иқтисодий ижтимоий, сиёсий ва руҳий яқинлик ҳар қачонгидан ҳам ёрқинроқ кўзга ташланмоқда. Жамият ҳаётида шахсининг мавқеи тобора ортиб бормоқда. Социологларнинг тадқиқотларига қараганда, инсон илмий-техник революция таъсирида теварак-атрофида рўй бераётган воқеаларга тобора фаол муносабат билдиarmoқда.

Давримизнинг қаҳрамонларини излаб юришимизнинг ҳождати йўқ. Улар кўз ўнгимизда — пахта далаларида, завод-фабрикаларда, институт лабораторияларида мислсиз жасорат кўрсатиб ишламоқдалар. Коммунистлар эса ҳаётнинг қайси бир жабҳасида бўлмасинлар, ҳамиша мустаҳкам ғоя ва чуқур эътиқод билан иш олиб борадилар.

Ҳаёт тез суръатлар билан илгариланган бормоқда. Коммунистик қурилишнинг барча жабҳаларида давр олдидаги бурчини ҳалол адо этаётган коммунистлар мардона тер тўкмоқдалар. Хўш, ана шу олов қалбли замондошларимиз образлари сўнгги йиллар романчилигида бадий аксини топмоқдами?

Бу тўғрида ўйлаганда, аввало, атоқли адиб Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» романи ёдимизга келади. Шу кеча-кундузда роман рус ва қардош халқлар тилларигагина эмас, жуда кўп ажнабий тилларга ҳам таржима қилинди, чунончи, асар болгар, немис, поляк, чех, мўғул китобхонлари томонидан зўр қизиқиш билан ўқилмоқда. Бу ҳодиса адибнинг халқ ҳаётини чуқур билганлиги самарасидир. Қолаверса, роман бош қаҳрамонлари Ойқиз ва Олимжон ҳаёти орқали даврнинг муҳим ва долзарб муаммолари кўтариб чиқилган. Романнинг катта ютуғи шундаки, асар бош қаҳрамони Ойқиз инсоний ва ижтимоий қиёфаси, бутун жозибаси,

мураккаб кечинмалари билан кўз олдимизда гавдаланади. Ойқиз онги, тушунчаси, қараш ва интилишлари билан бугуннинггина эмас, балки келажакнинг ҳам етук киши сифатида намоён бўлади. Биринчи қарашда у фақат хўжалик ишлари учун жон куйдиради, фидойилик қилади, аслида унинг фикр-хаёлида доимо одамлар ташвиши, уларнинг орзу-армонлари, дард-ҳасратлари. Шу маънода Шароф Рашидовнинг қаҳрамони шахсий ва ижтимоий манфаат уйғунлигида кўрсатиш тажрибаси ёзувчиларимиз учун ибратлидир.

Роман — мураккаб жанр. Бу жанрга қўл урган адиб хоҳ тарихий мавзуда — солномалар ва архив материаллари асосида асар ёзсин, хоҳ замонавий мавзуда — ҳаётни бевосита кузатган ҳолда роман яратсин, бари бир, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориши, инсон руҳини бутун мураккаблиги билан тасвирлаб бериши лозим. Айниқса, янги қаҳрамон, янги инсонни кашф этиш масаласи — ёзувчи олдида турган энг муҳим вазифадир.

Шу жиҳатдан К. Яшиннинг «Ҳамза» романида бош қаҳрамон образини яратиш тажрибаси ҳам таҳсинга сазовордир. Романи ўқир эканмиз, устоз адиб инқилоб арафаси ва инқилобдан кейинги ўзбек халқи ҳаётининг кенг, эпик манзарасини чизиб бериш вазифасини мақсад қилиб қўйганини кўраемиз. Албатта, роман ҳақида ҳали узил-кесил фикр айтиш қийин. Лекин романининг матбуотда босилган қисмларида биз революцион курашларда тобланган улкан инсон — Ҳамза образини кўраемиз. Адиб Ҳамзанинг ўзига хос қарама-қаршиликларга бой, мураккаб образини яратишга бел боғлаган. Айни пайтда уни XIX асрдан XX асрга бурилиш нуқтасидаги халқ миллий онгини ўзида мужассамлаштирган образ тарзида талқин этиш мумкин.

Сўнгги йилларда умумсовет адабиётида диққатга сазовор бир ҳодисани кузатиш мумкин. Бу — қаҳрамон характерини инсоний ва ижтимоий уйғунликда тасвирлашга интилишнинг кучайганлигидир. Д. Гранин, В. Белов, В. Астафьев, С. Залигин, В. Распутин, Ю. Трифонов, Ч. Айтматовнинг қисса ва романларида айниқса шу хислат ёрқин кўринди. Бу ҳодисанинг ўзбек совет адабиётида ҳам тобора кучаяётганини сезиш мумкин. Мен бу ўринда А. Қаҳҳорнинг «Синчалак», Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим», Х. Ғулломнинг «Мангулик», А. Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат...», Бухоронинг жин-кўчалари», О. Ёқубовнинг «Диёнат», Мирмуҳсиннинг «Умид», Р. Файзийнинг «Ҳазрати Инсон», У. Усмоновнинг «Гирдоб», И. Раҳимнинг «Қўш кечик», П. Қодировнинг «Мерос», Саид Аҳмадининг «Қирқ беш кун», А. Иброҳимовнинг «Зўлдир» каби қисса, роман, пьесалари, Р. Бобожоннинг «Обихаёт», Б. Бойқобилонинг «Шарора» дostonлари, М. Алининг «Боқий дунё» шеърый романини кўзда тутмоқдаман.

Бу асарларда кўтарилган масалалар ва уларнинг бадий тадқиқи савияси бир хил эмас, албатта. Лекин бу асарларга хос баркамол, кўп қиррали ижобий қаҳрамон образини яратиш йўлидаги изланишларни алоҳида уқтириб ўтиш лозим.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Бир вақтлар, ҳатто ҳозир ҳам, китобхонга ҳеч қандай маънавий озиқ бермайдиган, бадий саёз, лекин ўзимиз ўйлаб чиқарган ҳамда кўникиб қолган андазаларга мос тушадиган, сунъий равишда тўқилган қаҳрамонларни ижобий қаҳрамонлар деб келдик. Ва яна ўзимиз ижобий қаҳрамон тушунчасини унутиб, мураккаб қаҳрамон иборасини истемолга киритдик.

Маълумки, инсонни бутун мураккаблиги билан реалистик тасвирлаш дегани — уни кескин олишувлар, зиддиятлар, бинобарин, қаҳрамон йўлидаги ғов-тўсиқларни энгиб ўтиш учун олиб борган курашларида тасвирлаш демакдир. Шу маънода Ҳамид Ғулломнинг «Мангулик» романи диққатга моликдир. Роман бош қаҳрамони Масъуд табиатан янглик учун оташин курашчи сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Ёш муаллим давр ва юрак амри билан Хўжакент қишлоғига боради. Уни мушкул ва хавфли топшириқ кутмоқда эди. Чунки, Масъуд қишлоққа келмасдан аввал бир тўда қорағурўхчи икки муаллимни бирин-кетин ваҳшийларча ўлдирган, қишлоқ аҳли яна муаллимсиз зулмат қўйнида қолган эди. Чекистлар янги ҳаёт йўлида ғўғаноқ бўлиб турган синфий душманларни қидира бошлайдилар. Афсуски, бу излар фавкуллода чалқиб кетган. Оқибатда калаванинг учини топиш Масъуд зиммасига тушади. Коммунист отаси ёлғиз фарзандини хатарли ишга йўллашга мажбур, чунки ўғлидан бошқа биронта чекист бу ишнинг уйдасидан чиқолмаслигини яхши билади. Романнинг ютуқларидан бири шундаки, адиб қаҳрамонни икки ўт орасига ташлашдан қочмайди, аксинча, Масъудни синфий курашлар гирдобига отади, шу гирдобда унинг характери очади, аста-секин тоблаб боради. Шу тариқа ёш коммунист Масъуднинг инсоний ва ижтимоий қиёфаси шаклланади.

Тўғри, ёш коммунист беаёв курашлардан эсон-омон қутулиб чиқолмайди, балки синфий душманлар қўлида ҳалок бўлади. Лекин бу ўлим китобхон қалбида душманга қарши нафрат туйғусини кўзғайди. Агар адиб Масъуд характерида курашчанлик томонларинигина эмас, балки инсоний қиёфаси, руҳий оламини ҳам чуқурроқ очиб берганида «Мангулик» романи янада ютган бўлар эди.

Маълумки, коммунист образини яратишда унинг инсоний жозибасини қўриштириш муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда ҳар қандай эзгу ният, долзарб мавзу қимматини йўқотади. Адабиётимизнинг олтин фондида кирган «Темир оқим», «Чапаев», «Тор-мор», «Пўлат қандай тобланди», «Очилган кўриқ», «Ёш гвардия» каби асарларни эслайлик. Бу асарларнинг марказида турган фидойи коммунистлар образларининг юксак эстетик тарбиявий аҳамияти шундаки, улар янги тузум фидойиларинигина эмас, балки баркамол инсонлар сифатида ҳам жозибалидир.

КПСС XXII съездида А. Твардовский қаҳрамонларнинг инсоний жозибаси ҳақида гапира туриб, бундай деган эди: «Менинча, адабиётдаги замонавий қаҳрамонни тасвирлашдаги катта камчилик шундан иборатки, одатда, бу қаҳрамон бирмунча тўғри иш олиб боради ва муҳокама қилади, лекин ҳамма фазилатларга эга бўлиши лозим бу киши, кўпинча, битта оддий, лекин ноёб хислатдан — инсоний жозибадан, очик кўнглилик, эзгулик, олижаноблик, киши-

ларга меҳр, шафқатли бўлиш хислатидан, бизни китоблардаги семимли қаҳрамонларимизга боғлайдиган ҳамма нарсадан маҳрум қилади».

Шу нуқтаи назардан қараганда, адабиётимизда ҳали жуда кўп ишлар амалга оширилиши керак.

Жуманиёз Шарипов узоқ йиллардан бери Хоразм тарихи билан шуғулланиб, тўрт жилдан иборат «Хоразм» романини ёзиб тугатди. Ёзувчининг бу иши хайрли. У унутилиб кетган кўпгина фактларни тирилтирди. Тарихий шахсларнинг ҳаётини синчиқлаб ўрганди. Умуман олганда, «Хоразм» романида республикаимизнинг чекка ўлкаси ҳаётини кенг кўламда акс эттиришга кучли интилиш сезилади.

Романининг бош қаҳрамони Полвонни турли шароитларда — жанг майдонларида, маданий қурилишларда, ички синфий курашлар тўқилишида учратамиз. Унинг ижтимоий қиёфаси — қўрқмас командир, содиқ жангговар дўст, янги тузум фидойисини эканлиги ҳусусида етарли маълумотлар оламли. Аммо бу керакли ва зарур маълумотларга қарамай, биз қаҳрамоннинг инсоний фазилатлари, камчиликлари тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлмаймиз. Масалан, Полвоннинг ички дунёси, турмуши, севгиси ҳақида фикр юритиб кўрайлик.

Полвон Матчон тўрнинг кичик хотини гўзал Ёқутойни севади, жанг майдонларида юриб, машуқасига хатлар ёзади, Ёқутой ҳам ўз навбатида севган йигитига тез-тез хатлар ёзиб, уни эслаб туради. Полвон севгилиси билан бир неча бор якка қолади ва ҳар гал дил розини айтмоқчи бўлади. Лекин жанг майдонлари, инқилоб душманлари эсига тушадию дарров фикридан қайтади. Шу хилдаги сахналар романда кўплаб учрайди. Оқибатда Полвон ва Ёқутой образлари хира тортади. Афсуски, фидойиликни шу хилда ўта жўн тушуниш ҳоллари адабиётимизда оз эмас. Бундай романларда ҳатто вафо, ватанга, халққа садоқат каби юксак тушунчалар ҳам баъзан юзаки, жўн талқин этилади.

Маълумки, ватангадолар ҳаёти биринчи марта йирик прозаимизда ёзувчи Шухратнинг «Жаннат қидирганлар» романида қаламга олинган эди. Ёзувчи Й. Сулаймон ҳам «Вафо» романида шу мавзуга кўл урди. Ният яхши. Адиб ўзи қаламга олган ҳаёт материални бир қадар ўрганган. Роман марказида турган қаҳрамонлардан бири Қўлдошали. Камбағал фарзанди Қўлдошали бойнинг қизи Саодатхонни севиб, унга уйланади. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, севгилисидан ажралиб қолади ва уни излаб чет элга ўтиб кетади. Чет элда Қўлдошали кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлади. У қай юртга бормасин, ким билан учрашмасин, фақат Саодатни ўйлайди, унинг дардида куйиб-ёнади. Саодат ҳам худди шундай. Утирса ҳам, турса ҳам ёри Қўлдошалини ўйлайди, изтироб чекади. Афсуски, севгига бағишланган бу хилдаги узундан-узоқ манзаралар китобхон эсида қолмайди, аксинча, бу эпизодлар ўзининг чучмаллиги билан кишининг гашини келтиради, ижобий қаҳрамон ҳисобланган Қўлдошали пировардида бўшанг, ғариб бир кимсага айланади. Ёзувчи бу ҳолни ҳис қилган ҳолда бўлса керак, романга Қўлдошалининг рақиби Мирҳошимни олиб қиради. Бу янги «қаҳрамон» ўта қўрқоқ ва учига чиққан хотинбоз сифатида тавсифланган. Мирҳошим ўта гўл, лўттибоз, энгилтак. Мабодо ўз йўлида бирон пул бегона жувонни учратиб қолса, бас, дарров унинг ишқида ёниб куя бошлайди.

Бутун роман давомида Қўлдошалининг фазилатлари оширилиб, Мирҳошимнинг нуқсонлари бўрттириб берилди. Лекин улар орасида деярли кескин тўқнашулар содир бўлмайди.

«Вафо» романининг сабоғи шундан иборатки, агар ёзувчи ижобий қаҳрамон деб атаган қаҳрамон характерини чинакам ҳаётий конфликтлар асосида очиб бермаса ҳеч нарса, ҳатто энг эътиросли севги тасвирлари ҳам «ёрдам» беролмас, унинг ижобийлиги кўринмас экан. Зотан, ҳаёт ҳақиқати хаспўшланиб, энгил-елли баён қилинганда, кескин драматик курашлар ўрнини таъриф-тавсифлар эгаллаган тақдирда маълум андазалар асосида «ишланган» қаҳрамонлар туғилади.

Ж. Абдуллахоновнинг «Борса-келмас» романи шу куннинг муҳим мавзуи — табиатни авайлаб сақлаш, кўкаламзорлаштириш масалаларига бағишланган. Романининг бош қаҳрамони Темиржон «ғиёҳларнинг ҳикматларини таърифлайдиган бўлса доим чехраси ёришиб, кўзлари яшанаб, бир нафасда яшариб кетади. Унинг ташқи кўриниши сокин туюлса ҳам, ички дунёси олам-олам орзуларга бой, қандайдир мақсадлар йўлида бутун куч ва иродасини бахш этишга тайёр эканлигини ҳис қила бошлади», деб ёзади автор ўз қаҳрамони ҳақида. Дарҳақиқат, Темиржоннинг орзулари беқиёс, кескиз. У Оролнинг микроклимини бутунлай ўзгартириб, ям-яшил экинзорлар барпо этиш, чорвачиликнинг ривожланиши, Орол атрофи инсон учун оромгоҳ бўлишини орзу қилади. Умуман, қаҳрамон орзу-ўйлари, Оролнинг ўзига хос гўзал манзараси, ҳар хил ғиёҳлар таърифи анча батафсил ва қизиқарли. Лекин Темиржоннинг юксак орзулари ҳам, бу орзуларини рўёбга чиқариш йўлидаги жонбозликлари ҳам китобхонни кўп ишонтирвермайди. Нега? Бунинг рўбарўсида турган салбий кучлар жуда заиф. Унинг яхши ниятларига қарши чиққан одамлар ожиз, улар Темиржон олдига оппа-осон таслим бўлаверадилар. Аввал дўсти Тождин «Ужар одам билан курашсанг, минг чирангин — беҳуда», деб ёмон одамларга қарши курашишни йиғиштириб қўя қолади. Темиржоннинг бош рақиби Арслонов эса анча жўн тасвирланган. У Темиржоннинг эски лойиҳасини рад этган, янги лойиҳа тузиш ҳақидаги таклифи бошда Арслоновга маъқул бўлмайди. Лекин... «Арслон Темиржоннинг эътирос билан гапиришлари таъсирида ўзгариб бормоқда эди. Қоп-қора кўзларида яхшиликка мойилдай шарпа акс этарди...»

Шу тариқа, бошда ўтакетган расмиятчи ва консерватор сифатида таърифланган райжироком раиси Арслонов Темиржонга оппа-осонгина «таслим» бўлади. Бу эса ёзувчининг оғир ва кескин курашларда тобланган, китобхонни ҳаяжонга соладиган ижобий қаҳрамон яратиш имкониятидан маҳрум қилган.

Биз шу нарсани унутмаслигимиз керакки, халқимиз коммунист деганда юксак идеалларга содиқ, пок, меҳнатсевар, меҳр-оқибатли инсонни тасаввур этади. Аини замонда коммунист — ҳеч қачон янглишмай, ҳаммиша тўғри сўз юритувчи тош ҳайкал ҳам эмас.

Биз 70-йиллар прозасига назар ташлар эканмиз, бу йўлда бир қанча ижодий ютуқлар қўлга киритилганининг гувоҳи бўламиз. Сўнги йилларда яратилган кўпгина романларимизда партия ва давлат арбобларининг жонли образлари яратилган. Ҳ. Ғулломнинг «Бинафша атри», А. Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳоловат...», Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли», Р. Файзийнинг «Ҳазрати Инсон», Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун», Ҳ. Нуъмон ва А. Шорақмедовнинг «Ота» каби асарларида Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбоев ва Усмон Юсупов образлари ҳам тасвирланган. Бу образлар республикаимиз ҳаётида муҳим сиёсий ва ташиқлотчилик фаолияти

билан танилган партия, давлат арбоблари ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтиради, бойитади. Халқимиз ҳурмат қилган бу фидойи раҳбарлар шу асарлар туйғайли онгимизда, айниқса, бугунги ёш авлод онгида қайта «тирилди», улар китобхонларнинг қалбида меҳр уйғотади. Аини замонда тарихий шахслар образлари тасвирида икки хил нуқсон кўзга ташланиб қолаётганини ҳам айтмай ўтолмаймиз. Биринчидан, кўп ҳолларда тарихий шахсларнинг шахсий ҳаёти унутилиб, фақат ижтимоий фаолияти тасвирга зўр берилмоқда. Иккинчидан, бу хилдаги арбобларнинг ишлари ҳаммиша силлиқ, хамирдан қил суғургандек, оппа-осонгина рўёбга чиқади. Шу хилдаги нуқсонларнинг изларини биз Г. Седов ва Б. Ресковнинг «Усмон Юсупов» деб аталган китобида ҳам учратамиз.

Умуман, давлат ва жамоат арбоблари образларини яратишга қўл урилар экан, ҳар бир сўз, ҳар бир деталь ҳам катта аҳамият касб этади. Бу ишда ҳатто майда тафсилотларга ҳам эҳтиёт бўлиб ёндашмоқ лозим.

«Коммунист бўлмоқ — интилиш, ўйлаш, орзу қилиш, унга эришиш демакдир», деб ёзган эди Владимир Маяковский. Асқад Мухтор «Эзгулик палласи» деган шеърида давримизнинг илғор кишиларини кўзда тутиб:

Сиз руҳини тортинг,
Ўйларини тортинг, ҳиссини!
Улар зилу замбил, босиб
тушаётир.
Рухим эзиб қўйди фоний
жисминни.
Тарози палласи изламанг
зинҳор,
Унга абадият ўзин юклаган.
Рухимга эзгулик палласи
даркор. —

деб ёзади. Ўз интилишлари, орзу-умидлари ва бу орзуларга эришиш йўлидаги курашлари ва бой маънавий оламини «эзгулик палласи» билан ўлчашга интилувчи коммунистлар озмуна эмас бугунги ҳаётимизда!

70-йиллар романларида шу хилдаги баркамол коммунистлар образлари бадий ифодасини топдимми? Биз бу ўринда О. Ёқубовнинг «Диёнат» романида тасвирланган ижобий қаҳрамонлар ҳаёти ҳақида сўзламоқчимиз.

Маълумки, «Диёнат» романи яқинда СССР Ёзувчилар союзининг йиллик мукофотига сазовор бўлди. Бу романда айниқса кекса олим Нормурод Шомуродов образи муваффақиятга чиққан. Нормурод Шомуродов ҳаётда жуда катта мусибатларни бошидан кечиради. Унинг ўғли Жаббор фронтда қаҳрамонга ҳалок бўлади. Кекса олим ҳаётининг сўнги кунларида суянган тоғи — ёлғиз кампирдан ҳам айрилиб, қишлоққа келади. Энди у тинчгина яшаши ҳам мумкин эди, лекин қишлоқда, улкан хўжалик раҳбари бўлган жияни Отақўзининг эзгу ишлари билан бирга, кўп адолатсиз, инсоф ва диёнатсиз хатти-ҳаракатларини кўрган кекса олим, пок инсон Нормурод Шомуродов чидаб туролмайди, ҳақ ва адолатни тиклаш йўлига ўтади.

Адибнинг ижодий ютуғини таъминлаган омиллардан бири романининг бош қаҳрамонлари кучли шахслар сифатида тасвирланганида.

Отақўзи миллионер колхознинг бообрў раиси, у — табиатан кучли, ғирдали раҳбар, истеъдодли ташиқлотчи, ҳар қандай катта ишларни амалга оширишга қодир шахс. Ўзининг маъқидан фойдаланган Отақўзи ҳатто кўзбўямачилик қилишдан ҳам тап тортмайди. Аини замонда нотўғри ишларга қўл уришга мажбур ҳам бўладики, бу уни изтиробга солади. Отақўзи инсон сифатида баъзан ўта қўпол, манман бўлса, баъзан ўта танти, мард. Шу сабабли ҳам биз роман давомида гоҳ Нормурод Шомуродовга қўшилиб, ундан ранжисак, ҳатто дилимизда унга қарши исён

уйғонса, гоҳ ҳурмат, меҳр уйғонади. Энг муҳими — бу икки жиддий характер, кўп қиррали икки образ орқали биз ҳаётнинг кенг ва мураккаб тасвирига эга бўламиз.

«Диёнат» романида Аброр Шукурович деган райком секретари образи ҳам бор. У маданиятли, ақлли раҳбар. Одамлар тўғрисида палапартиш хулосалар чиқаравермайди, бирор фикрга келишдан олдин масалани атрофлича ўрганиб чиқишга ҳаракат қилади.

Адиб Аброр Шукурович характерини Отақўзи образи билан боғлаган ҳолда чуқур драматик ҳолатларда тасвирлаб, унинг руҳий оламини ички монолоғларда очиб беришга уринади. Бу уринишлар зое кетмайди. Аброр Шукурович умуман олганда эсда қолади, лекин бу образни Нормурод Шомуродов ёки Отақўзи образи ёнига қўйиш қийин. Негаки, Аброр Шукурович кескин тўқнашувлар гирдобига тушмайди. Ҳатто Отақўзи билан Аброр Шукурович орасида рўй бериши мумкин бўлган олишувлар ҳам бир оз силлиқ кечади.

Баркамол инсон — коммунист образини яратиш борасидаги яхши изланишлар ҳақида сўз кетганда Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» романини ижобий ҳодиса сифатида баҳолаш лозим. «Гирдоб» романида ёш коммунист Азиз тақдир мураккаб инсоний тақдир сифатида эсда қолади. Бу образ орқали биз муҳим ижтимоий муаммолар моҳиятини англаб оламиз. Азизнинг вильтага чидамли пахта навини топши йўлидаги уринишлари, у билан шўхратпараст академик Муҳиддин Жабборович ўртасида рўй берган тўқнашувлар ҳаётини кўрсатишга ёрдам бериши инсон ҳақида, инсоннинг ҳаётда тутган ўрни ҳақида ўйлашга даъват этади.

Азиз образида бугунги илғор замондошларимизга хос кўпгина инсоний фазилатлар аксини топган.

Адиб қаҳрамонининг заиф томонларини ва аксинча, Муҳиддин Жабборович кабиларнинг кучли жиҳатларини ҳаққоний тасвирлашдан қочмаган. Улар характери жиддий, ҳаётини тўқнашувларда очиб берилган. Лекин роман сўнггида воқеалар ривожини тезлашиб кетган, зиддиятлар юмшатиладек.

Санъаткор адиблар ҳамиша етук коммунистлар образлари орқали ҳаёт ҳақиқатини баралла айтганлар, муҳим ижтимоий масалаларни дадил кўтариб чиққанлар. Улкан ижтимоий ва инсоний муаммоларни бус-бутун қаламга олишдан кўрқиб, танқидчи О. Шарафиддиновнинг ибораси билан айтганда, «ҳаёт ҳақиқатини баралла айтиш ўрнига бир чимдим-бир чимдимдан намоён этиш — бадий асарини кўламдан маҳрум этади, занфлаштиради, умрини қисқартиради».

Мен шу ўринда У. Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» қиссаси бош қаҳрамони — район партия комитетининг биринчи секретари образини тилга олиб ўтмоқчиман. Биз Дамир Усмоновни турли ҳолатларда учратамиз: у одамлар эътиборини дўқ-пўписа, буйруқ эмас, балки инсоний муомаласи билан қозонади. Усмонов йўлда пиёда қолган одамни машинасида олиб кетади, заргар чолга меҳрибонлик кўрсатади. Ноҳақ тухмага учраган чўпонни қаттиқ туриб ёқлайди. Адиб Усмоновнинг инсоний қиёфасини ҳаққоний кўрсатишга интилади.

Танқидчи Озод Шарафиддинов «Ҳаётиники жозибаси ва схематизм инерцияси» («Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1979 йил, 14 сентябрь) мақоласида У. Умарбековнинг ижодий ютуқларини тилга олган ҳолда жиддий нуқсонларини ҳам асослаб беради. Биз олимнинг танқидий фикрларига қўшилганимиз ҳолда, қиссанинг ютуқларини инкор этмаган ҳолда, ҳаёт ҳақиқати бироз юмша-

тиб, жўнлаштириб берилган яна бир эпизодни тилга олмоқчимиз.

Иш кунларининг бирида Дамир Усмонов жанжалнинг устидан чиқиб қолади. Маълум бўлишича, можаро теракларни сақлаб қолиш масаласида келиб чиққан экан. Шокир ота эски ҳовлисини ҳам, ҳовлиси олдида ўсган теракларни ҳам сақлаб қолмоқчи. Лекин колхоз раиси на отанинг ялиниб-ёлворишлари ва на кўз ёшларига қўлоқ солади. Раиснинг буйруғи билан тракторчи теракларнинг бирини кўпориб ташлайди. Теракни асрамоқчи бўлган Шокир отани трактор босиб кетай дейди, у ярадор бўлади. Усмонов бу ҳодисани кўриб, «ўпкаси тўйиб, лаблари титраб кетади, кўзлари ёшланади». Шокир отани ранжитгани учун раиснинг масаласини райком бюросига кўяди ва уни ишдан олиб ташлайди. Хуллас, можаро сип-силлиқина ҳал бўлади.

Биз бу келтирилган эпизод орқали масаланинг икки жиҳатига диққатни тортмоқчимиз. Биринчидан, теракларни сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик масаласини Дамир Усмонов бюрога кўтариб юрмасдан колхоз раҳбарларини қақриб, донолик билан ўша заҳоти тинчителиши мумкин эди. Иккинчидан, масала райком бюросига кўйилгани, у ҳолда шу терак можароси орқали ҳаётини зиддиятлар, одамлар орасида бўлиб ўтадиган кескин тўқнашувлар, руҳий изтироблар тасвирланиши керак эди. Демокримизки, Дамир Усмоновнинг руҳий олами бутун мураккаблиги билан очиб берилмаганлиги туфайли у етук, фаол қаҳрамон даражасига кўтарилмай қолган.

Ҳаётимиз шиддатли равишда илгарилаб бормоқда. Кишиларнинг ахлоқий ва маънавий оламида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Илмий-техник революциянинг залварли одимлари туфайли содир бўлган зиддиятлар осонликча кўчаётгани йўқ. Бу — замондошларимизнинг бир қарашда оддий кўринган, аслида мураккаб руҳий оламини — уларнинг қувончлари, изтироблари, эзгу мақсадлари йўлида олиб бораётган курашларини қарама-қаршиликлар билан тўла-тўқис, ҳаққоний тасвирлаб бериш ёзувчиларимиз зиммасида турган муҳим вазифа деган сўзидир.

Қаҳрамон қандай улғу ишларни амалга оширмасин, бари бир, унинг орзу-армонлари, идеали, савияси ва фаолияти уйғунлашиб кетмаса, инсоний ва ижтимоий қиёфаси хира тортиб қолади.

Қаҳрамон савияси, унинг дунёқараши юксак, ҳаётини бўлиши учун аввало, адиб жамиятнинг ўзига хос қонуниятларини илғаб олиши, ҳаётини фалсафаси бўлиши керак.

Биз бу ўринда уч романини тилга олиб ўтмоқчимиз. «Чотқол йўлбарси»нинг қаҳрамони Қоражон Мингбоев «басавлат, барваста йигит. Унинг лаблари шерникидек қалин, сочлари типратикан, муштлари сўйилдек залворли. У қорамғиз, ўткир кўзлари ёниб турарди. Бирон нарсдан тез жаҳли чиқмас, ошналари билан баҳслашганда ўзини тутиб турар, бекорга сўкиниб, тажанг бўлавермасди. Еқалашиб қолса, рақибини тоза дўппослаб, чўзилтириб қўймагунча қўлидан ҳеч ким ажратиб ололмасди. Юзлари гўштдор, семизлигидан уни «бўлис» деб ҳам аташарди».

Қоражон Мингбоев кўп воқеаларни бошидан кечирган: уруш ўрган, биринчи оиласи билан қўйди-чиқди бўлган. Қоражоннинг Гулганга муҳаббати ҳам эҳтиросли. У Чорвоқ ГЭСи қурилишида кечаю кундуз тиним билмай ишлайди.

«Олмос камар»нинг бош қаҳрамони Аброр архитектор. Аброрнинг оилавий ташвишлари, гоҳо ҳаётнинг «юки»ни кўтаролмай изтироб чекишлари, ўз орзу-интилишлари йўлида олиб борган курашлари китобхонлар учун ибратли.

Қоражон Мингбоев ҳам, Аброр

ҳам бизнинг замондошларимиз, уни ҳам, буниси ҳам тиниб-тинчимади, эзгуликни қарор топтириш йўлида курашади. Аммо ҳар иккала қаҳрамон ҳам «машаққатлар чиғиринидан» осонлик билан ўтадилар. Уларни катта курашлар, интилишларга ундаган руҳий омиллар етарли даражада кўрсатилмади.

«Қутлуғ қадам» романининг муаллифи Рустам Раҳмонов асарининг бош қаҳрамони ёш коммунист Озода аввал колхозчи, звено бошлиғи, сўнг бригадир бўлиб ишлайди. У эртаю кеч далада тиним билмай меҳнат қилади. «Кейинги кунларда, — деб ёзади адиб, — Озоданинг ишлари юришиб борапти. Райком секретари келди, ишларини кўриб, ғайратини мақтади».

Биз Озоданинг курашлар билан тўла машаққатли меҳнатини кўргимиз келади. Лекин ёзувчи бош қаҳрамон ҳаёти орқали турмушнинг ички зиддиятларини кўрсатиш ўрнига ўзининг чуқур ҳис қилинмаган тайёр тасаввурларига таяниб иш кўради. Озода билан совхоз директори ўртасида бошланган конфликт ҳам ҳамирдан қил суғургандек оппа-осон ҳал бўлади. Ҳатто Озоданинг чучмак ишқий сарғуаштлари ҳам ипидан-игнасига қадар ҳикоя қилинади.

Доҳиймиз В. И. Ленин: «Номига партия аъзоси бўладиганларнинг бизга ҳеч кераги йўқ, ўз аъзоларининг сонини ошириш пайида бўлмай, балки уларнинг сифатини юқори кўтариш, партияни «илашиб келганлардан» тозалаш ғамини ейдиган партия, ҳукумат тепасида турган шундай партия бутун дунёда битта, у ҳам бўлса бизнинг партияямиз — революцион ишчилар синфи партиясидир», деб ёзган эди.

Партияни «илашиб келганлардан» тозалаш — ҳаётини салбий қаҳрамон образини яратиш масаласидир. Салбий қаҳрамонни нуқул қора бўёқ чаплаб, аҳмоқ қилиб кўрсатиш — чўноқ ёзувчининг ишидир.

Адабиётимизда ҳаётини салбий қаҳрамонлар образлари орқали ҳам коммунистик идеални, партияимиз олиб бораётган эзгу ишларни таранг этувчи асарларимиз оз эмас.

Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўқин» романидаги Тўрахонов, Ҳ. Ғулломнинг «Мангулик» романидаги Шерхўжа, Мирмуҳсиннинг «Умид» романидаги Салимхон Обидий, П. Қодировнинг «Қора кўзлар» романидаги Давлатбеков, И. Раҳимнинг «Тақдир» романидаги Нодиров, Шўхратнинг «Олтин зангламас» романидаги Чуханов, О. Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса...» романидаги Эртоев, У. Усмоновнинг «Гидроб» романидаги Муҳиддин Жабборович, А. Иброҳимовнинг «Зўлдир» пьесасидаги Мерос Ворисов образлари орқали муҳим ахлоқий-руҳий масалалар кўтарилган.

Хўш, ҳаётини салбий қаҳрамонлар образларини яратиш сўнгги йиллар романларида қай даражада ҳал қилинаёттир. Яширишнинг ҳожати йўқ, бу соҳада ютуқларимиздан кўра нуқсонларимиз кўпроқ кўзга ташланаёттир. Биз шу хилдаги нуқсонлардан фақат иккитасини йўл-йўлақай тилга олиб ўтмоқчимиз. Биринчиси, айрим романларда салбий коммунист образига хос белгилар саналади, қайд этилади: «Лаблари қалин, кўзлари қаққайган, кўрган одамнинг таъби тирриқ бўлади»; «Овқат еганда пўрсилдоқ лаблари ва сўйлоқ тишлари фалати бўлиб кўринади»; «У олтишга чиқса ҳам ёшгина, баланд бўйли, юзи сутга чайилгандай оппоққина, юмшоққина, малла сочли, хушмуомала киши. Лекин сочини силлиққина тараб юришни яхши кўради. Айниқса, ёш қизлар ва жувонларни кўриб қолса, беихтиёр равишда қўлини чўнтагига тикиди-да, тароқ излай бошлайди»; «Унинг қадди сал-пал чогроқ, бўталоқ кўз, гоҳо кўзлари чарви еган мушук сингари йилтил-

лайди. Аммо юзи сап-сарик, қошлари заъфарон тусда. Кам кулади, сал-пал берилиб кулса борми, қошлари ёйилиб кетади»; «Қора тўридан келган бу пакана одам ўн йилдан бери колхозга раислик қилиб келади. Ҳар сафар минбарга чиқар экан, иккала қўлини бир-бирига уриб, залга бир қараб олади. Сўз бошлаши билан сочини тарайди, тугмаларини бир-бир текшириб чиқади. Семиз қорнини минбарга тақаб олади. Гоҳо бит кўзларини қақчайтириб кимларгадир дўқ уриб қолади»...

Қаҳрамонлар руҳий дунёсини очишга хизмат қилмайдиган шу хилдаги портрет тасвирларини истанганча келтиривериш мумкин. Демокримизки, салбий коммунист образини яратман, деб унинг нуқсонларини қаллаштириб ташлаш билан иш битмайди. Гап бу хилдаги одамларнинг ўзига хос мураккаб руҳий дунёсини ҳам таҳлил эта билишда.

Коммунист образи тасвирида учраб турадиган яна бир нуқсон шуки, уларни танқид қилиш ёки айблаш зарур бўлса, албатта, уларнинг шўхлиги, хотин-қизларга ўчлиги тилга олинади.

Р. Раҳмоновнинг «Қутлуғ қадам» романидаги совхоз директори Берди Умаров «хотинни кўрса жилпанглайверади», «ҳар ҳафта Тошкентга жазманлари олдига бориб туради», «ҳаргал Озоданинг қўлини оладию қўйвормайди, билагини силаб-сийпаб тураверади...»

Шу хилдаги ишқий эротик тасвирларни яна келтириш мумкин. Лекин гап фақат шу хилдаги енгил-елли баёнлар хусусидагина бораётгани йўқ. Гап коммунист образини ҳаққоний кўрсатиш устида бораёттир. Ижобий қаҳрамонни улғулаб, салбий қаҳрамонни ерга уриш, асоссиз равишда қоралаш — бу, албатта, чинакам ёзувчининг иши эмас.

Демокримизки, коммунист образи қаламга олинар экан, унинг касб-кори, бажарган планларигина эмас, балки инсоний изтироблари ҳам унутилмаслиги керак. Бизда коммунист ишчининг, коммунист пахтакорнинг инсоний дардлари, бой маънавий олами тасвирланган романлар кам. Ҳали ҳаётнинг ўзида ҳал қилинмаган масалалар қанчадан-қанча. Шундай экан, коммунист образи талқинида жамики муаммолар, проблемаларни ҳал этиш қийин эканлигини тушунишимиз керак. Масалани кескин қўя билишнинг ўзи ҳам ёзувчининг граждандлик бурчини чуқур англашидан дарак беради.


КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партиянинг XXV съездида қилган ҳисобот докладыда «мураккаб тақдирли баркамол инсонлар» образларини яратиш зарурлигини айтиб ўтган эди. Бу фикр бугунги ўзбек совет адабиётига ҳам тааллуқлидир.

Қисқаси, КПСС XXV съезидан кейин яратилган романларнинг энг яхши намуналарида ҳам 60-йилларда ва 70-йилларнинг биринчи ярмида ёзувчиларимиз қўлга киритган ютуқларнинг давомини кўрамыз. Бизнингча, бу ютуқлар адабиётимизнинг ҳаёт ҳақиқатларини мумкин қадар тўлароқ айтишга интилиши билан боғлиқ. КПСС ёзувчиларимизни турмуш зиддиятларини четлаб ўтмасликка, ҳаётда рўй бераётган айрим салбий ҳодисаларга қарши қаттиқ курашга чорлайди. Адабиёт конфликтсизлик назарияси даврида пайдо бўлган схематизм, шаблон, юзакчилик каби иллатлардан дадил қутулмоқда. Бу фазилатларни биз юқорида айтиб ўтилган энг яхши асарлар миқосида яққол кўриб турибмиз. Айни замонда конфликтсизлик назарияси даврига хос иллатлардан ҳам ҳануз қутула олмай келаётганимизни кўриш. Бу иллатлардан қутулиш ҳаётининг кенг ва чуқур таҳлилига ўтиш, фикримизча, бугунги прозамизнинг энг муҳим вазифаларидандир.

ЖУШҚИН ИСТЕЪДОД



САМАРАЛАРИ



ки расмларнинг асосий фазилатлари эди. Шу билан бирга улар авторда Ўзбекистон табиатини меҳр билан тасвирлаш иштиёқининг зўрлигини кўрсатар эди. Бу асарлар маҳорат сари қўйилган дадил қадамлар эди.

«Кўёвлар» асарини, агар таъбир жоиз бўлса, Алишер Мирзаев ижодий биографиясининг биринчи саҳифаси деб аташ мумкин. 1973 йили чизилган бу асарда рассом муҳим ғоявий-бадий масалага қўл уради.

Шундан кейинги беш йил давомида Алишер Мирзаев бир қанча маиший жанрдаги расмлар, портретлар, натюрмортлар чизди. «Мева бозори», «БАМда концерт», «Кўприклар» ва яна бир туркум график асарларини авторнинг шу беш йилликдаги яхши ишлари сирасига киритиш мумкин. Рассом мазкур асарларида, воқеабанд маиший жанр аънаналаридан четга чиқмаган ҳолда, ўзининг ижодий йўсинини бойитади.

70-йилларда кўп ўзбек рассомларининг фикри-ёдини банд қилган муаммолар Алишер Мирзаевни ўзига жалб этди. Бу, аввало, рассомнинг эпик умумлашмаларга интилишида, улғувор руҳдаги асарларга қўл уришида, шунингдек замонавий мавзуни шоирона изоҳлашга уринишида яққол кўзга ташланади. Алишерни дастлаб экзотика тарзида ҳайратга солган халқ санъати кўп ўтмай уни ўзига бутунлай мафтун этди. Ижодий мақсад йўлидаги бу ўзгариш аста-секин юз берди ва асосан икки йўналишда борди. Рассом баъзан воқеабандрамзий принципти, баъзан эпиклик учун характерли бўлган шартлиманзарали шаклни афзал кўради.

Алишер Мирзаевнинг «БАМда концерт» тематик асари биринчи йўналишга яққол мисол бўла олади. Бу асар серқочирим фикрларга бойлиги, нафислиги билан кўзга ташланади. «Солдат қўшиғи» асари иккинчи йўналиш учун характерлидир. Автор бу расмда, ёрқин миллий этнографик усуллардан кенг фойдаланган ҳолда, ҳарбий-ватанпарварлик мавзу-

ини халқ бахшилари нуқтаи назари билан очиб беради. Мавзуга бундай ёндашиш туфайли автор шакл билан услуб бирлигига, тасвирда равонликка, маконга хос ранглари беришга эришди.

Халқ амалий санъати аънаналарининг янги вазифалар учун қўлланиши, санъаткорнинг маҳорати ва мавзунинг замонавийлигидан қатъий назар, рассом ижодига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Баъзи рассомлар мазмунни теран очиб бериш йўли билан бундай қийинчиликни енгиб ўтадилар. Алишер Мирзаев эса, асарларини бевосита ўзининг кўтаринки лирик ҳис-туйғулари билан бойитиб, ўзига хос йўлни топиб олди.

Рассом ўзи танлаган йўналишда тинимсиз ишлади, шу билан бир вақтда асарларининг мавзу миқёсини маълум даражада торайтириб, муттасил янги тасвирий оҳанглар ва бадий ифода воситалари излади. У жуда қисқа вақт ичида бир қанча ўзига хос портретлар, манзаралар ва натюрмортлар яратди. Рассомнинг маиший жанрга хос «Тўй» полотноси тиниқ этнографик аломатларнинг кўплиги, хилма-хил бўёқлар орқали берилган ёрқин манзаравийлик касб этганлиги билан мафтун қилади. Мирзаев бу асарида ўзбек миллий тўйларининг бетакрор ҳашаматини кўрсатишга интилади. «Буви билан набира» асарида эса рассом янги услубга солинган ва қайта ишланган халқ санъати йўлларида кенг фойдаланди.

Алишер Мирзаевнинг «Жиззах заминининг одамлари» композицияси портрети унинг энг яхши асарларидандир. Юзида латиф назокат акс этиб турган аёл образи баҳор манзараси билан уйғунлашиб кетган.

Рассом ана шу асарларидан кейин кўриқ ерларни ўзлаштириш мавзуга қўл уриб, «Жиззах чўлини ўзлаштирувчилар» туркумида талай расмлар чизди. Бу асарлар гарчи аниқ материал асосида яратилган бўлса ҳам, рассом уларда муболағали характер-

ларни, қутилмаган истиорали манзараларни ифодалайди ва рамзий маъно касб этган умумий образлар яратди.

Рассомнинг «Кўприклар» полотноси халқ санъати йўлларида холи. Бунда автор шаҳар архитектурасини манзарали воситалар билан шоирона тасвирлайди.

Алишер Мирзаев ўзи эришган ютуқларни кўздан кечириб, замонавий санъатнинг мавқеи ҳақида мушоҳада юритади. Рассом ўз ижодий методини янги сифатлар билан бойитишга интилади. У фалсафий ва лирик мазмун воситасида бериладиган жозиба кучининг қимматини қайта тадқиқ этгандек бўлади.

Рассомнинг «Бахмал ва Фориш лавҳалари» туркумидаги асарларида инсон образи табиатнинг ҳоқими тимсолида ифодаланади. Рассом танланган мавзуни англаштириш учун умумлашган характерлар ва типик белгилар танлай олади. Бу жиҳатдан зарбдор қурилишларга бағишланган индустриал манзарали расмлар туркуми диққатга сазовордир.

Портрет жанри ҳам рассом ижодида муҳим ўрин тутди. У ҳар гал муайян образ яратишга киришар экан, ўз олдида бир неча бадий мақсад кўяди. Масалан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист И. Бўронов портретида рассом хонанданинг мураккаб ички дунёсини очиб беришга ва шу билан бирга жангчи образини ифодалашга интилган. Санъатшунос О. Олимжонов образини Алишер Мирзаев бутунлай бошқача тарзда ҳал этди. Бу асарда рассом деталарни ниҳоятда кам ишлатади. Бироқ танланган деталлар қаҳрамоннинг психологик ҳолатини очиб беришга кўмаклашади.

Алишер Мирзаевнинг ижодий маҳорати, қўлга киритган тажрибаси, тинимсиз меҳнати унинг бундан кейин ҳам томошабинларни қувонтирадиган кўпдан кўп асарлар яратишидан дарак беради.

Райхат СОДИҚОВ



А. Мирзаев. Қизил майдон.

БАМда концерт.

РАССОМ АЛИШЕР МИРЗАЕВ ИШЛАРИДАН



КУПРИКЛАР.



УЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ И. БЎРОНОВ ПОРТРЕТИ.




ТУИ.

САЊАТШУНОС О. ОЛИМЖОНОВ ПОРТРЕТИ



МЕХАНИЗАТОР.



ПАХТАКОР.

ЧУПОН.





ДАШТДА

ЖИЗЗАХ ҒАЛЛАСИ.



АБРОР Ҳидоятовнинг ижодий ҳаёти Ўзбек давлат академик драма театрининг умрига тенг. У отахон театримизнинг асосчиларидан бири эди. Буюк саҳна устаси Аб-рор Ҳидоятов яратган Гамлет, Гофир, Отелло, Алишер Навоий каби талай образлар халқимиз хотирасида сақланиб келмоқда. Санъаткор ана шу қаҳрамонлар сиймоси билан ўзига ҳайкал ўрнатиб, миллий маданиятимиз тарихидан абадий ўрин олди.

Аброр Ҳидоятовнинг ноёб истеъдоди ижодий фаолияти бошланган дастлабки йиллардаёқ эътироф этилган эди. Чунончи, «Қизил Байроқ» газетаси 1921 йил 18 декабрь сонида Аброр Ҳидоятовнинг ижоди ҳақида алоҳида сўз очиб, ижро этган ролларини фахр билан санаб ўтади. Газета М. Уйғурнинг «Туркистон табиби» комедиясидаги бой (1919), Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» трагедиясидаги Вурм (1920), У. Ҳожибековнинг «Аршин мол олон» музыкали комедиясидаги Аскар (1920), шунингдек, Ҳамзанинг ўша даврда саҳналаштирилган «Бой ила хизматчи», «Заҳарли ҳаёт», «Фаргона фожиаси» каби драмаларидаги бир қанча муҳим ва турли характердаги роллардан хулоса чиқариб, «...эндиликда ўзбек саҳнаси буюк таланга эга бўлган шундай артисти билан фахрланиши мумкин», деб таъкидлаган эди.

Табиий улкан истеъдод, актёрлик кўламининг кенглиги, бадий тафаккури теранлиги, ҳис-туйғуга бойлиги, битмас-туганмас эҳтирос, саҳнавий жозиба, мавзун қадди-қомат, ширали, ёқимли овоз, савтининг тиниқ ва мусиқийлиги, ҳаракатлардаги вазминлик ва сиполик, ўта камтарлик ва самимийлик, санъатга бўлган чексиз ихлос, фидойилик ва сабот, тинимсиз ижодий изланишлар — буларнинг ҳаммаси Аброр Ҳидоятовга мансуб ижодий ва инсоний хусусиятлардир. Айни вақтда, ана шулар ёш актёрни театрға жалб этган атоқли ўзбек режиссёри Маннон Уйғурнинг, шунингдек, бутун жамоатчиликнинг эътиборини тортишга сабаб бўлган омиллардандир.

1924 йили Аброр Ҳидоятов бир гуруҳ ўзбек артистлари билан Москвага — драма студиясига ўқишга жўнайди. Студияда у К. Станиславский ва Е. Вахтанговнинг шоғирдларидан таълим олиб, реалистик ижод асосларини ўзлаштиради. Уқиш жараёнида Аброр Ҳидоятов, хусусан, танланган ролга қараб актёр психологик кайфият яратиши, образни саҳнада гавдалантириш ва унинг ички ҳолатини тўғри ифодалаш учун ўзини ҳар томонлама тайёрлаши, образ устидаги иш жараёнида саҳналаштирилаётган асарнинг маънавий моҳиятини оча билиши, шу асарни вужудга келтирган, унинг ва ундаги образларнинг маъносини белгилаб берган мағзини чақиб, ўзлаштириб олиши, ижодий фантазиянинг табиийлигига эришиши, асарнинг ғоявий-фалсафий йўналишини тўғри белгилаши, хуллас — актёр саҳнада ўз қаҳрамони ҳаёти билан яшаши лозимлигига доир бадий воситаларни обдон ўрганишга алоҳида эътибор берди. Бу нарса Аброр Ҳидоятовнинг саҳнада яратган образларидан яққол сезилиб турарди.

Аброр Ҳидоятовда ғоявий ва эстетик принципларнинг шаклланишида Москва театрларининг спектакллари, уларда қатнашган И. Москвин, В. Качалов, А. Остужев, Л. Леонидов, Б. Шчукин, Н. Хмелев каби буюк артистларнинг ижрочилик санъати



БАРҲАЁТ САНЪАТ

Аброр Ҳидоятовнинг 80 йиллиги муносабати билан

ғоят аҳамиятли бўлган. Уқиш даврида Аброр Ҳидоятов италян драма турги К. Гоццининг «Маликаи Трундот» асарида Қалаф ва Н. Гоголнинг «Ревизор» комедиясида шаҳар ҳокими образини яратди.

Актёр 1927 йили ўқишни тугатиб, Ўзбекистонга қайтади ва турли характердаги образлар устида иш олиб боради. Улар орасида айниқса Арслон («Икки коммунист»), Гай («Менинг дўстим»), Саримсоқ («Ёндирмиз!») каби образлар ўзининг ҳаққонийлиги, бадий мукамаллиги билан ажралиб турарди.

Аброр Ҳидоятов 30-йилларнинг биринчи ярмидаёқ реалистик санъаткор сифатида тамомла шаклланади. Шу даврда унинг актёрлик қиёфаси ҳам аниқ белгиланди. Ундаги табиий улкан истеъдод асосан кучли драматик-трагик образларда яққол очилади ва у қаҳрамонна-романтик йўсиндаги актёр сифатида танилади. Бунга 1934 йили Аброр Ҳидоятов яратган Гамлет образи ёрқин мисол бўла олади. М. Уйғур саҳналаштирган бу ажойиб трагедияда актёрнинг ижодий қиёфаси ҳам, юксак ижрочилик санъати ҳам бутун борлиги билан кўзга ташланади. Бу образ фақат актёрнинг эмас, балки театрининг ҳам муваффақиятларидан бири эди.

Гамлет образи уч асрдан ортиқ давр мобайнида турлича талқин қилиб келинди. Буларнинг кўпчилигида Гамлет отаси учун қонхўр Клавдийдан ўч олишни ўзига мақсад қилиб қўйган кучсиз, иродасиз, ғамгин шаҳзода қиёфасида кўрсатилди. Бу асарни саҳналаштиришда йўл қўйилган жиддий хато эди ва натижада Гамлет образининг ғоявий йўналиши бузилди. Ўтган асрнинг биринчи ярмида яшаган улуг рус трагик актёри Мочалов Гамлет ролин ижро этиб, уни реалистик образ даражасига кўтарган бўлса ҳам, умуман олганда бу образ ўзининг асил теранлигига, бадий камолотига эришмаган эди. Шекспир замонасини чуқур ўр-

ганмай туриб, асарнинг ижтимоий моҳияти ва ғоясини аниқ белгилаб олмай туриб, Гамлет образини тўғри талқин қилиш мумкин эмас. «Гамлет» асарини саҳналаштирган атоқли ўзбек режиссёри Маннон Уйғур совет шекспиршуносларининг назарий фикрларини чуқур ўрганиб, трагедия ғоясини тўғри англаб олиб, қуйидагиларни ёзган эди: «Бу асарни саҳналаштиришда бизнинг вазифамиз шуки, спектаклни кўрган томошабин бадий образлар орқали Шекспир даврини, бу даврнинг зиддиятларини идрок этиб, кўз олдига келтирсин. Бизнингча, Гамлет пассив эмас, актив элементдир. Унинг активлиги отаси ўлдирилганлиги учун шахсий қасос олишга қаратилган эмас. Бундай қасос олишнинг кераксизлигини у тушунади. Гамлет бир ёвузга қарши эмас, балки атрофдаги, бутун дунёдаги бузуқчилик ва сохтачиликка қарши курашиш кераклигини кўради. Унинг кўзига бутун Дания зиндон бўлиб кўринади».

Маннон Уйғурнинг ғоят қисқа, бироқ кўламини кенг, маънодор сўзлари Гамлет характерини, унинг бутун борлигини очишда, образини тўғри англаб талқин қилишда Аброр Ҳидоятовга қўлланма бўлди.

Аброр Ҳидоятов Шекспир трагедияси билан Москвада ўқиб юрган чоғларида танишган эди. Гамлет образи устида ишлаш жараёнида тарихий даврга тааллуқли манбаларни атрофлича ўрганиб, образни мавҳумликдан халос қилади. Моҳир санъаткор Гамлет қиёфасида ўрта аср ва янги гуманистик ахлоқ ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш йўллари тополмаган, лекин кучли, иродали, ғайратли, ақлли, зийрак, гуманист киши сиймосини гавдалантирди.

Илгари Гамлет ролин ижро этган артистлар, ҳақиқат билан хаёлпарастлик ўртасидаги нифоқнинг сабабини тушунмасдан асардаги фожиа фақат Гамлетнинг фожиаси деб, Шекспир қаҳрамонини умидсиз қилиб кўрсатдилар. Аброр Ҳидоятов талқинида

Гамлет образи умидсиз, паришон одам эмас, балки сусткашликдан холи, ҳаётни севувчи, қалби пок, олижаноб инсондир.

Сўхбатларимизнинг бирида Аброр Ҳидоятов Гамлет образи ҳақида фикрлаб, шундай деган эди:

— Қайс ўзи яшаган даврдаги хурофий ақидаларга, диний тартиботларга, бидъатларга, инсон қадрини таҳқирлаган урф-одатларга қарши чиқиб, аёлни улуглаганда амирлар, шайхлар уни мажнунга чиқарганлар. Шу каби Гамлетни ҳам, унинг юксак инсоний фазилатлари учун, гуманистик қарашлари учун, ўша разил, қабохатли дунёга қарши исён кўтармоқчи бўлганлиги учун клавдийлар, полонийлар «ақлдан озган» деб эълон қиладилар. Йўқ, у ақлдан озмайди. Гамлет сарой аҳлининг асл табиатини, кайфиятини, ниятини, ички сир-асорини, рўй берган фожианинг асл сабабини билиш, аниқлаш учун интилади... Менинг тасаввуримда Гамлет, аввало инсон. У ўзи яшаган дунёнинг фозил кишиси, зиёси. Гамлет табиатан ақлли, кучли, эҳтиросли, шижоатли, ғайратга тўла олижаноб йигит, улкан қалб эгаси. У олифта оқсуяк шаҳзодаларга хос хислатлардан холи. Тўғри, унда қарам-қаршилиқлар мавжуд. Бу табиий. Чунки у тирик одам. Ҳатто баъзан Гамлет сусткашлик, тушкунлик ҳолатига тушиб, фиғон чекади. Аслида эса, Оға (Маннон Уйғур) айтганидек, Гамлет пассив эмас, актив кучга эга. Ундаги қатъиятсизлик, сусткашлик, иккиланишлар унинг табиатига хос нарса эмас, балки бошига тушган фожиали мусибатлар оқибатидир».

Совет шекспиршуносларининг эътирофига, М. Уйғур ва А. Ҳидоятов туфайли бу машҳур, чуқур фалсафий трагедия, ундаги Гамлет образи Иттифоқимизда биринчи марта Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида ўзининг энг тўғри талқинини топди.

Аброр Ҳидоятов 30-йилларда Гамлет образи билан бирга, революцион кураш йўлига ўтган, адолатсизликка, зулмга қарши мардонвор курашган кишилар образининг бир бутун галереясини яратди. Томошабинларнинг муҳаббатини қозонган «Бой ила хизматчи» драмасидаги Гофир образи шулар жумласидандир.

Гофир образи актёр ижодий ҳаётида муҳим босқичлардан бири бўлди. Бу образ устида ишлаган даврда унинг драматик маҳорати, эҳтиросга тўла жўшқин туйғулари янада барқ уриб юзага чиқди. Ҳидоятов ўз қаҳрамонини шу қадар катта бадий умумлашган образ даражасига кўтардики, томошабин Гофир тимсолида Октябрь инқилобига эзилган ўзбек меҳнаткаш оммасининг оғир ижтимоий ҳаётини, чоризм амалдорлари ва маҳаллий эзувчиларнинг шафқатсиз зулми оқибатида сингий онгнинг шаклланишини кўрди. Актёр қаҳрамон характерини аста-секин очиб бориб, оддий, итоаткор, соддадил, тортинчоқ хизматкор ўзининг инсоний қадр-қимматини, ҳуқуқини англаган ва адолатсизликка, ҳақсизликка қарши дадил бош кўтарган жасур курашчига айланганлигини моҳирона кўрсатган.

Аброр Ҳидоятовнинг 40-йилларда ижро этган роллари орасида айниқса Отелло ва Алишер Навоий образлари актёр ижодида ҳам, театр ҳаётида ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

«Мен,— деб ҳикоя қилган эди Аброр ақа,— Отелло образини яратишда Москва Малий театри саҳнасида Александр Остужев ижросидаги Отеллонинг кўрганимдан кейин қизиқиб қолган эдим. 1941 йили театримиз Шекспирнинг бу ўлмас асарини репертуарга киритганида чексиз қувондим. Отелло образидаги ишим илгаригидек, асосан муаллиф текстини яхшилаб ўзлаштириш, сингдириб олиш, образнинг моҳиятини чуқур

Унутилмас
сиймолар

ТЎЙ УСТИГА ТЎЙ

УЛУФ Октябрь инқилоби-гача республикамиз территориясида расман бирорта ҳам профессионал сахна труппаси йўқ эди. Ҳозир Ўзбекистонда ўттизга яқин театр коллективи ишлаб турибди.

Буюк Ленин даҳосидан нур олган маданиятимиз инқилобдан кейинги сермазун йилларда равнақ топди. Бирин-кетин ака-укалардек туғилган театрларимиз бунинг ёрқин тимсолидир.

Шу кунларда С. Айний номидаги Бухоро область Музикали драма ва комедия театрининг, Й. Охунбобоев номидаги Андижон область Музикали драма ва комедия театрининг, Фарғона область ўзбек Музикали драма ва комедия театрининг ва Максим Горький номидаги Рус драма театрининг ҳамда Й. Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг 50 йиллик тўйларини зўр тантана билан нишонламоқдамиз. Бу театрларнинг ижодий коллективлари, республикамиз маданиятининг ривожланишига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бухоро область драма театри 1921 йили ҳаваскорлик тўғрақларидан тўпланган труппадан ташкил топган эди. Бу коллективни биринчи бор ўзбек халқининг атоқли сахна устаси

Маннон Уйғур уюштирган. Театр барпо этилган дастлабки йилларда асосан бир пардали пьесалар қўйиларди. Жумладан, Маннон Уйғурнинг «Туркистон табиби», Ҳамзанин «Ифвогарларнинг жазоланиши» сингари асарлар бир неча йил давомида қўйилиб келди.

1927 йили труппа актёрларидан бир неча киши Москва шаҳридаги Маорифчилар уйи қошида очилган студияга ўқишга юборилди. Ана шу студияни битириб келганлар, бемалол айтиш мумкинки, театرنинг асосини ташкил қилдилар. 1930 йили театрда Д. Фурмановнинг «Исёён» романи асосида тайёрланган «Боғовот» драмаси қўйилди. Бу спектакль театр коллективининг келажиги порлоқ эканлигидан далolat берар эди. Театрда Ўзбекистон халқ артисти Етим Бобононов режиссёр бўлиб ишлаган йилларда ижодий коллектив З. Фатхуллиннинг «Ниқоб йиртилди», У. Исмоиловнинг «Пахта шумғиялари», К. Яшиннинг «Икки коммунист» каби ғоявий бақувват, даврга ҳамоҳанг асарларини сахналаштирди.

1932 йили театр коллективи узоқ муддатли гастролга чиқди. Москва, Ленинград, Тошкент, Олмаота, Фрунзе, Оренбург, Челябинск, Свердловск, Чита, Севастополь, Боку шаҳарларида ўзининг концерт ва спектаклларини намойиш этди. Бу гастроль ижодий коллектив имкониятлари жуда кенг эканлигини кўрсатди. Театр Улуғ Ватан уруши даврида ва урушдан кейинги йилларда ҳам ватанпарварликка чорловчи, меҳнатни улугловчи бир қанча асарларни сахналаштириб, халқимизга кучли маънавий ва руҳий мадад берди.

Андижон область театри ўз ишини 1919 йилнинг 7 ноябрида Ҳамзанин

«Капитал» асарини сахналаштиришдан бошлади. Театрнинг ташкил топишида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бевосита иштирок этган эди. Уша ташкилий даврда ижодий коллектив агитпоездда юриб, салкам уч йил халққа хизмат қилди. Театр ўзининг ташвиқий-тарғибий спектакллари, концертлари билан Фарғона водийсида босмачиларга қарши жанг қилган қизил аскарларнинг курашига мадад берди. Бу театр ҳам бошқа ижодий коллективлар сингари, ер ислоҳоти, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларида, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги даврларда томошабинга замоннинг энг долзарб масалалари акс этган спектакллари тақдим этди.

Фарғона область ўзбек ва рус театрлари 1931 йили водийдаги ҳаваскор коллективдан ташкил топган эди. Ҳар иккала ижодий коллектив ўзининг маданий хизмати билан тез орада томошабинларнинг ҳурматига сазовор бўлди. Ўз репертуарини даврга ҳамоҳанг асарлар билан муттасил бойитиб бориш бу эгизак санъат даргоҳларининг энг яхши анъаналаридандур.

Қўлуғ саналари нишонланаётган Бухоро, Андижон, Фарғона область театрларининг ҳар қайсиси ҳақида, уларнинг тарихи, репертуар бойлиги, режиссураси, драматурглар билан ишлаш услуби, атоқли актёрлари ва бошқа фазилатлари хусусида алоҳида-алоҳида китоблар ёзиш мумкин. Мен бу ерда юбиляр театрларнинг муштарак жиҳатлари тўғрисида бир оз тўхталмоқчиман.

Маълумки, ҳар бир маҳаллий театр труппаси ўз вазифасига кўра томошабинни даврининг муҳим воқеаларидан воқиф этга бориши, партия ва ҳукуматимиз олға сурган ғояларни

амалга оширишда санъат воситалари орқали оммани руҳлантириши лозим. Бу жиҳатдан 30-йилларда биз тилга олган театрларда Ҳамзанин «Бой ила хизматчи», К. Яшиннинг «Ёндирамиз!», К. Яшин ва М. Муҳамедовнинг «Гулсара» драмаси, шунингдек, бошқа асарларнинг сахналаштирилиши эътиборга лойиқдир. Улуғ Ватан уруши даврида ва урушдан кейинги йилларда бу театрларнинг репертуари «Улим босқинчиларга», «Қурбон Умаров», «Даврон ота», «Азим пушка», «Олтинкўл», «Офтобхон», «Шоҳи сўзана», «Алишер Навоий», «Абдулла Навиев», «Ватан ишқи» сингари асарлар билан бойиди.

Ўзбек томошабинини рус ва жаҳон драматургиясининг нодир намуналари билан таништира бориш республикамиздаги барча театр коллективларининг интернационал бурчидир. Юбиляр театрларимиз ҳам ўз фаолиятларида бу эзгу бурчни муваффақиятли ўтадилар. А. Островскийнинг «Момақалдироқ», «Айбисиз айбдорлар», Н. Гоголнинг «Ревизор», Н. Погодиннинг «Милтиқли киши», К. Симоновнинг «Рус масаласи», В. Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта», Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» пьесалари, шунингдек, бошқа асарларнинг юбиляр театрларимиз сахнасида қўйилганлиги бу маданий даргоҳларнинг ижодий парвозидан далolat беради.

Й. Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри ўз ижодий фаолиятини 1929 йили бошлаган эди. Бу театр ҳақида сўз кетганда унинг ёшлар тарбиясида алоҳида ўрин эгаллашини таъкидлаб ўтиш лозим. Шу билан бирга, бу санъат даргоҳининг болалар учун ёзилган асарларни сахнага қўйишда



англашдан бошланди. Мен Отеллонинг ўйлари, худқи ва туйғуларини текстинг ўзидан кейин, бошқа адабий ва тасвирий манбалардан қидирдим...

Актёрнинг фикрича, Отеллонинг психологиясини унинг саркардалиги эмас, балки оддий кишига хос инсоний фазилатлари, олижаноб ҳис-туйғулари белгилайди. Бинобарин, Отеллонинг фожиаси, рашқда эмас, балки унинг соддадиллиги, қалбининг поклиги, кишиларга самимий муносабати ва ишонувчанлиги туфайли алданганлигидандир. Атоқли санъаткор сахнада ҳам ана шу фикрларига амал қилиб, биринчи галда Отелло характеридаги ажойиб инсоний хусусиятларни, унинг гўзал, маънавий қиёфасини, шунингдек, улкан фожиасини юксак маҳорат билан очиб берди.

Отеллонинг ажойиб инсоний фазилатлари, ички ҳис-туйғулари, муҳаббатининг мусаффолиги ва жўшқинлиги сенат сахнасидаёқ кўзга ташланади. Томошабин бу сахнада — Венеция сенаторлари олдига салобат билан турган Отелло — Ҳидоятовни кўради. Отелло, гарчи қора танли бўлса ҳам, ўзининг улугворлиги, мардлиги, қалбининг поклиги ва жозибадорлиги билан венециялик сенаторлардан ажралиб туради. У, бошидан кечирганларини сенат аҳлига ҳикоя қиларкан, ўзи ҳам шу хотираларга берилиб кетади... Аброр Ҳидояттов Отелло сўзларининг маъносини шу қадар чуқур ифодалайдики, монологини эшитаётганимизда, қаҳрамоннинг саргузаштлари кўз олдидан бирма-бир ўтаётгандек туюлади.

Спектаклда воқеалар ривожлан-

ган сари, Аброр Ҳидояттов ҳам Отеллонинг руҳан ўзгариб боришини кўрсатади. Агар томошабин дастлабки кўринишлардан Отеллонинг бахтиёр, сойишта, бақувват, ҳар қандай ташвишдан холи эканлигини кўрган бўлса, кейинги сахналарда уни Ягонинг макр-ҳийлалари туфайли тамомила ўзгарган бошқа бир ҳолатда кўради.

Маккор Ягонинг Дездемона шайнига ёғдирган бўҳтонларидан кейин Отеллонинг юрагига сеvimли ёрига нисбатан шубҳа туғилади. Отелло Дездемонага бўлган ишончини секин-аста йўқота боради, Ягога эса ишонч билан қарай бошлайди. Ана шу сахналарда томошабин Отеллонинг хаёлини, қалбини дардли ғам-алам, ташвиш қуршаб олганини кўради. Отеллодаги куч, ирода, хотиржамлик йўқола боради, унда безовталиқ пайдо бўлади. У Ягонинг майлига тамомила бўйсунди. Отеллонинг чуқур изтиробларини, қалбида аланга олган рашқ ўтини Аброр Ҳидояттов айниқса тўртинчи пардада катта драматик куч билан акс эттиради. Бу ерда Отелло — Ҳидояттовнинг хатти-ҳаракати оғир яраланган арслонни эслатади.

Аброр Ҳидояттов Отеллонинг сўнги сахналардаги ҳолатини, унинг қалбидаги икки кучли туйғу — муҳаббат ва нафрат ўртасидаги ички муросасиз курашни юксак бадий маҳорат билан ифодалайди.

Отелло Дездемонани ётган тўшагида бўйи ўлдиради. Лекин унинг чинакам фожиаси, Дездемонанинг поклигини, садоқатлигини, гуноҳсиз ўлганлигини билгандан кейин бошланади. Отелло Ягонинг тузоғига

тушиб қаттиқ алданганлигини ўйлаб, ғам-ғуссага ботади, уни даҳшат чулғайди. Актёр Отеллонинг изтиробларини, чеккан азоб-уқубатларини ифодаловчи сахналарни чуқур драматизм билан ижро этадики, унинг сўлгин чехраси, ҳорфин ҳолати, фарёди, шашқатор бўлиб оққан кўз ёшлари томошабинларимиз хотирасида ҳали-ҳамон сақланиб келмоқда.

Машҳур санъаткор спектаклнинг энг сўнги сахнасида Отеллонинг ўз муҳаббатига содиқлигини, унинг сеvimли Дездемона билангина бахтиёр эканлигини ғоят таъсирли тасвирлаган. Бу сахнада Отелло, Дездемонаниннг қалби тозаллигини, муҳаббатининг ифбатлилигини билиб, ич-ичидан қувонади, сеvimлиси жасади атрофида парвона бўлади, мажнундек гоҳ кулади, гоҳ йиғлайди, маҳбубининг олтиндек сочларини авайлаб силайди, пешанасидан, уйғотиб қўйишдан чўчигандек, секин ўпади. Отелло ёвуз яғлар тузумида яшайдан кўра сеvimли рафиқаси Дездемона билан абадий бирга бўлишни ва дунёдан сепок ўтиб кетишни афзал кўради. Отелло — Ҳидояттовнинг бу сахнадаги сўзлари маккорлик ва доғуллиқка қарши нафрат руҳи билан суғорилган. Спектакль охирида Отелло образининг бу тарзда ҳал этилиши бутун трагедияга ҳаётбахш руҳ бағишлаган.

Буюк санъаткор Аброр Ҳидояттов Шекспирнинг ўлмас образи Отеллонинг яратиб, бу ролнинг энг моҳир ижрочиларидан — Остужев, Мордвинов, Папазян, Хоравва сингари машҳур совет актёрлари сафидан муносиб ўрин олди, номи эса жаҳонга танилди.

40—50-йилларда Аброр Ҳидояттов яратган йирик образлардан бири

Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасидаги бош қаҳрамон бўлди. Сеvimли актёримиз билан қилган суҳбатларимиздан бирида у киши Навоий образининг сахнавий талқини хусусида шуларни айтган эди: «Алишер Навоий аввало шайрият оламининг порлоқ юлдузи. У — ўз даврининг серқирра олими ва мутафаккири. Навоий ўз замонасининг адолатпарвар арбоби, моҳир сиёсатдони ҳам эди. Унинг идроки, меҳнати, ижоди, хуллас, бутун борлиги халқ тақдири билан чамбарчас боғланган. Навоий ҳақида мен билган афсоналар, ривоятлар ва нақлларга қараганда, у ўзининг фуқаропарварлиги, инсонпарварлиги, юксак одамийлиги билан халқ оғзида дoston бўлган, халқнинг сеvimли қаҳрамонига айланган... Шубҳасиз, бу сахна асарида Навоийнинг бутун дунёсини, характери ва фаолиятининг ҳамма томонларини қамраб олиш қийин. Мениннг тушунишимча, драмада Навоий кўпроқ халқпарвар, тадбиркор, доно давлат арбоби ва қисман шоир сифатида кўрсатилган. Табиийки, бу ҳолда образни халқ тасаввуридагидек тўла-тўқис яратиб ғоят мушкул. Образининг нақадар маъсулятли, мураккаб эканлигини, уни яратиш учун қанчалар изланиш зарурлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Яширмайман, мени ваҳима босди, жуда чўчидим, кейинчалик иш бирмунча юришиб кетди. Адабий манбаниннг чекланганлигига қарамай, халқ тасавуридаги шоир Навоийни, ақалли унга яқинроқ образни яратиш учун бор ижодий имкониятимни, бутун куч-эътиборимни қаратдим...»

Сабот ва чидам, узоқ ва тинимсиз

лаборатория хизматини ўтаётганлигини ҳам қайд этиш зарур. Одатда, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрини оригинал спектакллар тайёрлашда лаборатория деб биламиз. Ёшлар учун ёзилган асарларни саҳнага қўйишда Республика ёш томошабинлар театри ҳам худди шундай вазифани ўтайди. Чунончи, Ҳ. Олимжон достони асосида тайёрланган «Ойгул билан Бахтиёр» драмаси, Ш. Саъдуллиннинг «Ерилтош», А. Раҳматнинг «Абдулла Набиев», Ҳ. Назирнинг «Чиранма ғоз», П. Мўминнинг «Қовоқбой билан Чаноқвой», М. Каримовнинг «Ун саккиз ёшлигим», Л. Маҳмудовнинг «Али билан Вали» асарлари дастлаб шу театрда саҳна юзини кўрди.

Ёшлар онгига ленинча ғояларни сингдириш ва уларни доҳий таълимотига садоқатли қилиб тарбиялашда саҳна санъати ниҳоятда катта таъсир кучига эга. Шунинг учун ҳам театр коллективи Владимир Ильич Ленин ҳаётига оид асарларга бир неча бор мурожаат этди. И. Поповнинг «Ойла», М. Шатровнинг «Революция номи билан», Ю. Яковлевнинг «Нуридийдам Володя» асарларининг театр саҳнасида юз мартабала кўрсатилиши ижодий коллектив меҳнатига ўзига хос салмоқ бағишлади. Айни пайтда бу нарсаси актёрларнинг ижрочилик маҳорати ва маданияти юксалганидан далолатдир.

Қуёшли республикамизнинг барча меҳнаткашлари сингари юбилей театрларимизнинг ижодий коллективлари ҳам жонажон партиямизнинг XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб совғалар билан кўтиб олиш мақсадида бутун ижодий куч-қувватлари ва имкониятларини ишга солмоқдалар. Биз бу театрларнинг ижодий коллективларини Ўзбекистон театр жамоатчилиги ва кўп сонли томошабинлар номидан қизгин табриклаймиз. Саҳна санъатида камолотга эришиш, халқимиз маънавий олами-ни ҳар томонлама етук асарлар, порлоқ ғоялар билан бойитиш йўлида муваффақиятлар тилаймиз.

меҳнат, ижодий изланишлар ўз самарасини берди — ўзбек саҳнасида Аброр Ҳидояттов талқинида биринчи марта Навоийнинг реалистик образи пайдо бўлди. Актёр ўз қаҳрамонини романтик кўтаринкилик ва психологик теранлик йўсинида талқин этиб, Навоий маънавий ҳамда ҳиссиёт дунёсининг бойлиги ва гўзаллигини, унинг юксак гуманистик идеалларини, мутафаккирлик иқтидорини, қалбининг жўшқинлигини, шунингдек, муҳаббат изтиробини маҳорат билан очиб берди. Яратган бу образи учун Аброр Ҳидояттов СССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Аброр Ҳидояттов яратган образлар кишида оғир руҳий ҳазинлик туғдирмайди, аксинча, улар ўзларининг эмоционал таъсир кучи билан кишини қаттиқ ҳаяжонлантириб, уни ёруғликка, адолатли ҳаётга ундайди, кишида инсонга нисбатан чуқур ишонч туйғусини туғдиради. Бунинг сабаби шуки, буюк актёр ўз ролларини ижро этганда сохта, дабдабали ишоралардан, сунъий ҳолатлардан воз кечиб, бутун борлиги билан ўйнади. Аброр Ҳидояттов образ устида ишлашда бадий саҳна тили ва ҳаракатларининг сайқалига алоҳида эътибор берарди. Натижада ҳар бир сўз, ҳар бир ҳаракат ва ишора характернинг очилишига, унинг мантиқий ривожига хизмат қилар эди.

СССР халқ артисти Аброр Ҳидояттов умр бўйи ўз ижоди, ғайрати, талантини халқ хизматида сафарбар этди, яратган образлари билан ўзбек театр маданиятининг шуҳратини оширди.

Фрунзе ЖҲРАЕВ

Муҳтарама УЛУҒОВА

Ватан

Яланғоч қўлларин узатганича
Дарахтлар осмонга интилиб қолди:
Юлдузлар жунжикиб турган бу кеча
Турналар ошиғич қайга йўл олди?
Яланғоч қўлларин узатганича
Дарахтлар олисга термулиб қолди:
Ойни тунд булутлар қийнаган кеча
Оқтўш қалдирғочлар қайга йўл солди:
Яланғоч қўлларин узатганича
Дарахтлар йўлларга термулиб қолди:
Тупроқни шамоллар совутган кеча
Анвойи чечаклар қайга йўқолди?
Яланғоч қўлларин узатган қўйи
Дарахтлар ҳайратга айланиб қолди:
Ватаннинг қуёшли кунлари суюқ,
Изғирин тунлари, наҳот, малолдир?
Яланғоч қўлларин осмонга чўзиб,
Дунёга илтижо қилди дарахтлар:
Муқаддас онадан жисмимни узиб
Бемақсад, бесамар кезмоқдан сақла!
Яланғоч қўлларин кенг ёзиб охир
Дарахтлар айланиб қолди бардошга:
Қуёш-ку Ватанга қайтар, бари бир,
Эргашиб кетмайди Ватан қуёшга.

Қувонч

Изғирин фаслнинг қоқ ўртасида
Чарақлаб кетди-ку бир кундуз.
Қишнинг беҳарорат оқ кўрпасида
Қуёшнинг кулгиси — зарҳал из.
Дарахтни музлатган вазмин ўй эриб,
Шодлиги инжуга айланиб қолди.
Шоҳлар қувончларни маржондек териб
Оламга улашиб юборди.

Ниҳол қўшиғи

Муҳаббатга айланаман:
Тупроқни кучиб,
Фақат офтоб қўшиғини
Тингламоқ учун.
Шунда бутун жисмим билан
Бир бахт бўламан,
Ушанда мен — гуркираган
Дарахт бўламан.

Эҳ, дарахтлар шалаббо бўлди.
Ярақлайди осмон титроқда,
Барғни жала узиб кетмоқда.
Беркинамит томлар тагига.
Тўкилади инжулар ювган
Дувараклар куз этагига.
Койишларга солмасдан қулоқ
Отилади ёмғир бағрига

Қушдек қанот ёзиб қизалоқ.
Эҳ, шалаббо бўлди кўйлаги.
Ёмғирларга очади кучоқ
Шўх қизалоқ дарахтлар каби.
У сочларин ёйиб ўйнайди.
Дарахтлар-чи, ўша бегубор
Қизалоққа жуда ўхшайди.

Ёмғир

Хиросима гуллари

1
Заъфарон рангида гуллар очилди
Увол гўдакларнинг қабри устида.
Гулбарглр беозор, беҳол сочилди
Гулларни соғинган тупроқ юзига.
Дардлари денгизга туташ бу ватан
Юракка босганча йиллар доғини,
Бир қўшиқ куйлади денгизга, зотан —
Оловлар узра ҳам гул унмоғини.

2
Бемаврид бузилар тунда уйқулар,
Тушларда оролнинг битмас дардимини?
Титрашиб тонгларда йиғлайди гуллар
Унутмай бешафқат нурлар зарбини.
Заминнинг юраги урар асабий,
Булбуллар учади саросимада...
Дунёда яна бир инқилоб каби
Атиргул очилар Хиросимада.

Қамбар УТАЕВ

Гилдирак

Йўллар оша
Гилдирак,
Қувноқ яшар
Гилдирак.
Шарафлаб
Ўз ўқини,
Олға элтар
Юқини.

Фаррош

Супураман,
Сидираман,
Кўча ярақлар.
Тозалиқдан
Атроф кулар,
Кўнглим чарақлар.
Йўлак гўё соч олдирар,
Мен сартарошман.
Супургимдан
Ерга чирой
Берган фаррошман.

Олиб берсангиз

Дада, агар от олиб —
Берсангиз, тез еламан.
Ғолиб чиқиб улоқда
Мен совриндор бўламан.
Туя олиб берсангиз,
Узоқларни кўзлайман.
Гўзал жойлар ҳақида
Ҳикоялар сўзлайман.

Дурбин олиб берсангиз,
Йироқларни кўраман.
Кўрганганимни дўстларга
Мақтаб айтиб юраман.
Китоб олиб берсангиз,
Сипқораман зиёни.
Илми зўрлар ёрқинроқ
Ёритади дунёни.

Айиқнинг қилмиши


Мўм асални сўроқсиз
Турганида тушириб,
Боларилар тўсатдан
Қолишди тез ниш уриб.
Худди девдай лапанглаб
Қочиб қолди айиқвой.

Гуноҳ ахир ўзида,
Бўлармиди ҳайиқмай?
Айиқвойнинг қилмиши
Дув-дув гап-сўз ўрмонда:
«Кичикинтойлар ҳақини
Еб қўйибди шарманда...»

Булут йиғлаб юборди

Булут, булут, ҳой булут,
Аҳволингга вой, булут.
Нега кўчиб юрибсан,
Кимдан қочиб юрибсан?
Кўнглинг хуфтон, хирасан,
Жим турмайсан сира сан.

— Тўсиб қуёш йўлини
Оғритибман дилини.
Ой, юлдузлар олдида,
Хижолатдирман жуда.
Оғирлик қилиб дарди
Булут йиғлаб юборди.



РОСТ ЙЎЛГА ЕТАКЛАДИ ИНҚИЛОБ

Фафур Ғулом номидаги Фарғона область Адабиёт музейининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати
Аҳмадҷон Мадамино билан «Гулистон» журнали
махсус мухбири **Муҳаммадали Қўшмоқов** суҳбати

Мухбир: Хурматли Аҳмадҷон ака, тарихга Хўқанди латиф, иккинчи Шероз номлари билан кирган Қўқон ўлкамизнинг қадимий шаҳарларидан, кўҳна маданий марказларидан биридир. У демократик шеъриятнинг она кучоғи, ҳақгўй, исёнкор, граждон шoirларни камолга етказган маданий-маънавий муҳитнинг тимсоли сифатида суҳбатимиз учун кўр бўлиб хизмат қилиши табиийдир.

Адабиётшунос: Машҳур географ, адиб, сайёҳ Ёқут Ҳамавий (1179—1229) 10 жилдди «Муъжам ул-булдон» («Мамлакатлар луғати») асарида Фарғона водийсидаги шаҳарларни ҳам тилга олиб ўтади. Жумладан, «Хўқанд—Фарғонадаги бир шаҳар номи», деб уқтиради. 7 жилдди «Муъжам ул-удабо» («Адиблар луғати») асарида Хоразм, Бухоро, Марв, Ахсикат, Самарқанд ва Фарғонада яшаб ижод этган 25 адибу олимнинг таржимаи ҳолини берган, Урта Осиё фозиллари ҳаёти ва ижодидан яхши хабардор бўлган Ҳамавий «Муъжам ул-булдон»да Хўқанд тўғрисидаги фикрини давом эттириб: «1107 йили вафот этган адиб, устоз Абу Таййиб Тохир ибн Муҳаммад ал-Махзумий ал-Хўқандий шу ерлик бўлган», дейди.

Мухбир: Демак, Абу Таййиб ал-Хўқандий мўғул истилоҳидан аввал яшаб ижод этган. Бинобарин, Ёқут Ҳамавий устоз адиб деб ҳурматлаган Абу Таййиб ал-Хўқандийдек ижодкор Қўқондаги бой адабий муҳитдан куч олиб камолга етган. Ҳамавийдан илгари ҳам Қўқон тарихий асарларда зикр этилган, албатта. Машҳур рус шарқшуноси Никита Яковлевич Бичурин (Иакинф) «Қадимги вақтларда Урта Осиёда яшаган халқлар тўғрисида маълумотлар мажмуаси» асарининг II жилдида Қўқонга махсус бўлим бағишлайди. Тарихчи: «Давань Қўқондир, ҳам шаҳар, ҳам мулкдир... Қўқоннинг ўша вақтдаги пойтахти Гуйшань ҳозирги Қўқонда ёки унга яқин бошқа шаҳарда бўлганми, маълум эмас», деб таъкидлайди. Махсус топшириқ билан Қўқонга келган Чжан Кянъ ўз давлатпаноҳига: «Даванликлар ўтроқ ҳаёт кечирадилар, деҳқончилик қиладилар, шони ва буғдой экадилар. Улар узумдан шароб тайёрлайдилар. Арғумоқлари кўп. Бу отлар самовий отлардан таркаган. Даванда 70 тача катта ва кичик шаҳар бор», деб хабар берган. Бичурин: «Хитойга самовий отлар, ток, беда Қўқондан олиб кетилган», дейди. Эраминдан аввалги тарихий манбаларда учрайдиган бундай маълумотлар Қўқон Урта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири эканлигини, бу қадимий маданий марказнинг асл ёшини аниқлаш археологларимиз, тарихчи олимларимиз зиммасидаги қарз бўлиб турганлигини билдиради. Зеро, хитой манбаларида Қўқон тўғрисидаги дастлабки маълумотларнинг пайдо бўлганига ҳам 2100 йилдан ошди!

Адабиётшунос: Дарҳақиқат, Ҳиндистон ва Хитой карвон йўлида жойлашган қадимги Қўқонни XIII асрда мўғуллар тамомила вайрон қилиб юборганлар. Қўқон бир неча аср кул остида ётган. Шунинг учун ҳам «Бобирнома»да бу қадимий шаҳар ҳақида маълумот учрамайди. Ҳозирги Қўқон эса XVIII асрнинг биринчи ярмида Эскиқўрғон деган қалъа ўрнида бунёд этилган. Шоир Акмалнинг филология фанлари доктори Азиз Қаюмовнинг «Қўқон адабий муҳити» монографиясида келтирилган шеърий таърихи кул ичида самандардек қайта туғилган ана шу Қўқонга бағишлаб айтилган.

Мухбир: «Қўқон» сўзи этимологияси борасида қарама-қарши фикрлар мавжуд. Шу ҳақдаги ўз мулоҳазаларингизни айтсангиз.

Адабиётшунос: Қўқон адабий ва тарихий манбаларда Хўқанди латиф деб тилга олинади. Маълумки,

қадимий ва машҳур шаҳарлар номигагина сифат кўшилади: Самарқанди фирдавмонанд, Бухороий шариф... «Латиф» сўзининг бир неча луғавий маъноси бор: чиройли, гўзал, марғуб... Сирдарё бўйида жойлашган, шоир Акмал таъбири билан айтганда, сув рангидаги шаҳар чиндан ҳам латиф! Афсуски, «Қўқон» сўзининг этимологиясини: «Хуккон—тўнғизлар макони» тарзида тушунтирувчилар ҳам йўқ эмас. «Қанд»—шаҳар дегани. Бу сўз «канд», «жанд», «ганд», «кент» шаклларида ҳам қўлланилади: Самарқанд, Мароканд, Хўжанд, Узганд, Тошкент каби. «Хук»—форсий сўз, «кон»—арабий. «Кон» сўзининг охирига-д қўшимчаси қўшилмайди. Ҳолбуки,—«қанд»нинг-д қўшимчаси тушиб қолиши мумкин. (Масалан, Хўқанд кейинчалик Хўқон, Қўқон деб аталади). Модомики, шундай экан, «Хуккон» қай тариқа «Хўқанд» бўлиб қолди? Мен дастлаб: «Хўқанд» сўзи асосини «хуккон» ташкил этмайди. Хўқандга қўшилган латиф сифати ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди: тўнғизлар макони латиф бўлмайди, ахир!.. Демак, «Хўқанд» сўзи этимологиясининг манбаи бошқа. «Хў-хао» хитой тилида «гўзал», «яхши» дегани экан. «Хўтан» сўзи эти-

мологияси «хў-хао (гўзал)»-«тянь» (тоғ) сўзларидан иборат. «Хўтан» (Гўзал тоғ) номи Шарқий Туркистондаги қадимий шаҳарга географик жиҳатдан ҳам, маданий жиҳатдан ҳам мос. Бинобарин, «Хўқанд»—«хў» (гўзал)—«қанд» (шаҳар). Мана энди бу шаҳарга латиф сифати ярашади!» деб ўйлар эдим. Кейинча, машҳур тарихчилар—Истахрий ва Ибн Ҳавқал ўз асарларида Қўқонни «Ҳавоканд» деб атаганларини билдим. «Ҳавоканд»—«гўзал, ёқимли шаҳар» ёки «Шамол шаҳри» дегани. Назаримда, «Қўқон» сўзи этимологиясининг асл маъносини аниқлашга бел боғлаган олимларимиз Истахрий ва Ибн Ҳавқал асарларидаги бу маълумотга ҳам суяномқлари керак.

Мухбир: Албатта, бу фикрларингиз Қўқон тарихини ва «Хўқанд» сўзи этимологиясини муайянлаштириш нуқтаи назардан қимматлидир. Улар Қўқон, бу ерда шакланган адабий муҳит, демократик шеъриятнинг ривожланиш йўли тўғрисида яна бир карра ўйлаб кўришга даъват этади. Масалан, бошқа жуда кўп адабий муаммолар қатори, Алишер Навоий ижоди ва Қўқон адабий муҳити масаласини олиб кўрайлик...

Адабиётшунос: Қўқон шоир-

Қадимий қўлёзмаларнинг варақларида халқимизнинг қанчадан-қанча номаълум хазиналари яширин... Суратда: Фафур Ғулом номидаги Фарғона область Адабиёт музейининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Аҳмадҷон Мадамино (чапдан учинчи) шогирдлари—музей илмий ходими, ёш шоира Мақсуда Эгамбердиева, бўлим мудири Султоб Сотиволдиев билан биргаликда янги топилган қўлёзма билан танишмоқда.



лари ижодига Алишер Навоийнинг самарали таъсири хусусида олимларимиз салмоқли фикрларни айтганлар. Биз ҳам илмий жиҳатдан эътиборга молик айрим фактларга дуч келдик. Чунончи, изланишларимиз натижасида улўғ шоиримизнинг девони ва бошқа асарларидан таркиб топган бир қўлёзма орасидан унинг жамоатчиликка маълум бўлмаган туюғини топдик. Тахминан, XIX асрнинг бошларида номаълум котиб томонидан китобат қилинган бу тўплам 219 варақдан иборат. Ундан Навоийнинг ғазал, мусаддас, мухаммас, мусамман, соқийнома, рубоий, қитъа ва туюқлари—жами 645 шеъри, «Бадоеъ ул-бидоя» девонининг дебосчаси, «Вақфия» асаридан парчалар ўрин олган. Қўлёзманинг 218—219-саҳифаларида шоирнинг 10 латоифоти, жумладан, қуйидаги туюғи берилган:

Ёр, ишқинг оташи сўзандадур,
Қайдаким ишқинг дурур, сўз андадур.
Бахяйи ишқинг чекарман донмо,
Риштадек жоним менинг сўзандадур.

Туюқда «сўзанда» сўзи биринчи мисрада «қуйдирувчи», иккинчи мисрада «сўзанда»—сўз унда, охириги мисрада эса «игнада» маъноларида, зўр бадий маҳорат билан қўлланган. Шеъриятимиз осмонининг сўнмас кўеши—Алишер Навоий халқ ва мамлакат учун жуда кўп хайрли ишлар қилган. Буюк адибимизнинг юксак қимматидан далолат берувчи асарларидан бири «Вақфия»дир. 886 (1481—1482) йилда яратилган бу ҳужжат-рисолада шоир ўзининг ижодий биографияси, давлат ва жамоат арбоби сифатида амалга оширган бир қанча фойдали ишлари, жумладан, Ҳирот яқинидаги Инжил наҳри лабига қурилган маърифат иншоотлари фойдасига ўзи томонидан ажратилган ерлар, боғлар, дўконлар ва бошқа вақф мулклари ҳақида жуда қимматли маълумотлар берган. Бизгача бу асарнинг бир неча қўлёзма ва босма нусхалари етиб келган... Адабий-маданий ёдгорликларни қидириш натижасида шахримиздан «Вақфия»нинг яна бир нусхасини—Қўқон нусхасини топишга муваффақ бўлдик. Асли 15 варақдан иборат бу қўлёзманинг бошидан 5 варағи йўқолган. Матн рус фабрика қоғозига чиройли настальиқ хатида битилган. Асар охирида унинг кўчирилиш вақти ва котиби ҳақида: «1914 йил, 21 ўктябрьда ёзилди. А. Зоҳирий», деган ёзув бор. Қўқонлик машҳур журналист, маърифатпарвар олим Ашурали Зоҳирий Алишер Навоийнинг «Муҳокима ул-луғатайн» асарини 1918 йили кўчириб, Қўқонда миҳбосмада чоп эттирган ва шу рисола охирида «Вақфия»ни ҳам нашр қилиш мақсадида эканини айтган эди. Назаримда, Зоҳирий «Вақфия»ни 1914 йилдаёқ кўчириб тайёрлагани бизга номаълум сабабларга кўра орзуси ушалмаган. Ашурали Зоҳирий матни 1963—1968 йилларда чиққан Навоий асарлари 15 жилддигида босилган «Вақфия» матнидан маълум жиҳатлари билан фарқланади. Бу нусхада айрим сўзлар, баъзи жумла ва байтлар бошқача таҳрирда берилган. Масалан, қўлёзманинг I «а» саҳифасида қуйидаги рубоий бор:

Шоҳ аҳли уйини айлайин деб
маъмур,
Саъй айладим ул қадарни, эрди
мақдур.
Золим терисин сўюб, кўзни қилдим
кўр,
Маълумга амниятдин ўлди масрур.

Рубоийнинг кейинги байти «Вақфия»нинг 15-жилдидаги нусхасида қуйидагичадир:

Ҳар нечани тенгридин етар шаъмга
нур,
Парвона эрур жони куярдин маъзур.

Сайлов ҳикояси

Эй, ўшал саллани силлиқ ўрагон,
Қараб ойнак, соқолини тарагон,
Ҳар нечук сўз моқисига қарагон,
Яъни, сайлов ҳикоясин сўрагон,
Хафа ким бўлди, кими кулди, денг.
Юрт элликлари йиғилди бутун,
Пора қирғизча — белларида тугун,
Кўп амалдорлар залилу забун,
Қозиу қуззот масжидда букун,
Кимни(нг) паймонаси тўлди, денг.
Чақиришти паст(т)ини сайловида,
Бердилар паттасини сайловида,
Паст қолиб, ўртасини сайловида,
Қатагонни¹ часини² сайловида
Ким тирилдию ким кўмилди денг.
Бўлиб иқбол ёр даҳр ичра,
Майи нўш охир эрди захр ичра,
Хожадин кирди кўйи баҳр ичра,

Қозичилик ҳалакида шаҳр ичра,
Хожа Аҳмад эшон не бўлди, денг.
Зиндалик гулханида ҳар кимса,
Куйдилар ўтганида ҳар кимса,
Минг жароҳат танида ҳар кимса,
Бу қазо гулшанида ҳар кимса,
Гул каби очилдию сўлди, денг.

Эътибороти чархи нилуфар,
Истаманг рангидин саботу асар,
Баски, қавли ҳурмати пайғамбар,
Мавт ҳукмида бўлса азл агар,
Давлатидин таърих бўлди, денг.

Халқ тавриға қил, Муқимий, назар,
Амали ориятға карру фар,
Кўрмади суд, жуз зиёну зарар,
Жон чиқиб, ахчаси бўлиб бесар,
Қози Исфандиёр ўлди, денг!..

Таърихи вафоти Мирзо Абдурахмони Марғилоний

Бу ики ваъзи фалак сахт ул дурур:
Иzzати нодону доно зиллати.
Водариго, тундбодидин ажал,
Учди аҳбобини шамъи суҳбати.
Тишлашиб ангушти ҳайрат, бўлдилар
Раста аҳли фурқатидин ҳасратий.
Ошно, бегона, хоҳ ёшу қари —

Хулқи хуш эрди, тавозеъ хислати.
Мен ҳам айёми вафоти бор эдим,
Бошларимға тушди гўё кулфати.
Солини сўрдим, Муқимий, ғайбдин
Гуфтигў бўлгонда ногаҳ рихлати.
Гап чиқиб таърихидин азрўйи ном,
Деди: «Мирзо Абдурахмон раҳмати».

Ҳикоят

Ажойиб боғчаю жаннат намоён,
Дарахти ҳар бири денг ҳуру филмон.

Келибон бир куни, айлаб тамошо
Мену Қори Ғиёс ила Каримжон.

Кўнгуллардин ҳавоси пок қилди
Ғаму андуҳу қайғу бирла ғайшон.

¹ Даҳа номи.

² Часть, яъни даҳанинг бир қисми маъносида.

Ебон шаҳтут — совуқлиғ, жойимиздин
Қаниким қўзғолурга зарра дармон.

Баҳар ҳолат ўқуб танбур бирлан
«Баёт», «Ушшоқ» ул Ҳожийи хушхон.

Киши борса, демишлар домло Олим:
«Мени ҳам ушбу соат босди меҳмон»

Баногоҳ қўзғолиб андак шамоле
Муқимий, бўлди хотирлар паришон.

Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин: «Вақфия»нинг Қўқон нусхаси шу асарнинг танқидий матнини тузишда, улуғ шоиримиз ижодий лабораториясини ўрганишда фойдали манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мухбир: Сиз кашф этган шоир Кулфат ижоди² Алишер Навоий ва Қўқон адабий муҳити масаласини ўрганиш жиҳатидан янада аҳамиятлидир.

Адабиётшунос: Ахтаришлар пировардида ноёб адабий ҳодисага — татаббуъ девонга дуч келдик: Кулфат деган шоир — Алишер Навоий девони ҳошияларига — улуғ устоз ғазалларига ўз назираларини ёзган. Кулфат ғазаллари Навоий ижодининг энг эзгу ғояларига ҳамнафас, энг гўзал орзуларига жўровоз. Кулфат ижодида антиклерикал руҳнинг кучлилиги гоятда диққатга сазовор. Алишер Навоий ва Кулфатнинг ялакатмағиз девонини Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлғезмалар институтига юбордик. Кулфат ижодини ўрганаётган ҳамкасаба синглизимиз, филология фанлари кандидати Мавжуда Ҳакимова қизиқарли тадқиқот олиб бор-

моқда. Шоир Кулфат ўзбек адабиёти тарихидан муносиб ўрнини эгаллашга ҳақли сиймодир.

Мухбир: Кулфатнинг «Адабий мерос» тўпламининг шу йилги 2-сониде эълон қилинган ғазалларига асосланиб айтиш мумкинки, адабиётшуносликка энди маълум бўлган бу шоирнинг татаббуъ ғазаллари Навоий ижодидан руҳланиб ёзилган. Уларнинг мазмунини реал ҳаёт манзаралари, инсоннинг дунёвий гўзал ҳис-туйғулари ташкил этади. Бу эса Қўқон адабий муҳити майдонга чиқарган демократик шеърятнинг янада олиброқ самаралари, Муқимий даври адабиётга хос муҳим фазилатлари ҳақида яна бир марта ўйлашга даъват этади.

Адабиётшунос: Муқимий замонасидаги демократик шеърят ўзбек классик адабиётининг энг бой даврларидан биридир.

Мухбир: Муқимий лирикаси ва ҳажвиётини рус тилига таржима қилишда ўттиз йил самарали ижодий иш олиб борган ажойиб рус совет шоири Николай Ушаковнинг қуйидаги фикри Муқимий ижодигагина эмас, бутун Муқимий даври демок-

Ман каби ҳар кимни(нг) сандек одамедин ёри бор,
Арзи рухсор этса, ҳар қандоқ парини(нг) ори бор.
Хурваш, ногаҳ хиромингни чаманларда кўруб,
Рашкдин товус оқ ургай, магар озори бор.
Мубталойи доми зулфинг бўлмас эрса, дилрабо,
Бўйла тарсонини(нг) белида на учун зуннори бор?
Васли боғингдин узарга олма қилдим илтимос,
Оҳ, «Ноз элин,— дедингим,— олма йўқтур, нори бор!..»
Хор донолар азиз нодонлар, оташнигор,
Чарх даврини(нг) таажжуб гардиши паргори бор.
Айлама зинҳор ошиқдин бу гулшанда ҳазар,
Иштиёз этсанг нетар, ҳар қайси гулли(нг) хори бор.
Неча хижрондин, Муқимий, инжима чексанг алам,
Кетмагай бекор охир, роҳати бисёри бор.

НОМАЪЛУМ МУАЛЛИФ

* * *

Дўстлар, (гар) сўрсангиз (ҳоли) паришон кўсаман,
Шул бугун келган Хўқанддин, мунда пинҳон кўсаман.
Соли нав бориб Хўжанду то Самарқанду Бухор,
Бир шаҳарда турмаган монанди вогон кўсаман.
Сарвару асҳоби пайғамбар Мафо ибни Халил,
Остонбўси эди кўнглимда, армон кўсаман.
Тўшае ғамлаб чиқиб азми Шаҳимардон қилиб,
Бородургон то ўшал Тахти Сулаймон¹ кўсаман.
Кўрубон хушреш одамларни еб афсуслар
Олами равшан кўзумға мисли зиндон кўсаман.
Кўсалиқдан кўп хижилман, ҳоли ҳам чиқмасмукин
Энгагимга айласам доруу дармон, кўсаман.
Най чолуб, ўқуб ғазал мундоғ ғазалларга қаранг,
Бир фақирдин, яхшилар, билганга арзон, кўсаман.
Пашшадин ожизман, аммоким қилур кўрган гўмон
Сувратимдин қирқ, юз сардори дуздон, кўсаман.
Бошласа ҳар ён насиби, бандаси маъзур экан,
Чарх давронида чун санги фалаҳмон кўсаман.

¹ Жой номи.

ЗАВҚИЙ

* * *

Эй гулим, қай кун борурман гулшани гулзоринга,
Гул узуб, бўлсам мушарраф давлати дийдоринга.
Термулуб, булбул бўлуб, ҳуснинг тамошо айласам,
Зард баргдек титрасам сурх олмадек рухсоринга.
Ҳар киши кўрса кўзу қошингни, ҳайрон бўлғуси,
Жон фидо айлар яна ноз уйқуда хумморинга.
Нола айлаб икки жонвар кеча-кундуз сайрашур:
Гул юзунга булбулу тўти шакар гуфторинга.
Зулмат ичра Хизр топти чашмаи оби ҳаёт,
Қил карам оби даҳонинг хастаю беморинга.
Раҳм қил, эй нозанин, ҳажрингда кўп ўртанмайин,
Ваъдай васлингни қил шому саҳар бедоринга.
Остонинг ёстанурман, қуллиғимни қил қабул,
Йўқса, кетмай ётаман йиғлаб таҳи деворинга.
Назри даргоҳингда бошин қўйди бу Завқий қулинг,
Бу мувашшаҳни кўруб, балли дегайму коринга.

рат шоирлари ижодига муносиб баҳо бўла олади. «Ўзбек поэзиясининг классиги, халқ кўшиқларига айланиб кетган машҳур ҳажвий ва лирик шеърлар муаллифи — шоир Муқимий икки давр чегарасида яшадикки, унинг асарларида феодализмдан капитализм тузумига ўтишдек турфа даврон ўз аксини топди,— деб ёзган эди Николай Ушаков.— Менинг тасаввуримни мадраса ҳужралари ва банкларнинг операция заллари, улоқ ва пахта тозалаш заводи, қишлоқ бозори ва жаҳон бозори, ўзини авлиё қилиб кўрсатадиган наshawандлар ва янги савдо фирмаларининг ким билсин не ўйда юрган шубҳали агентлари, қашшоқ найчилар ва янги бойлар — чайқовчилар, беданабозлар ва илк газетхона — редакцияларнинг ўзбек ходимлари — турли формациядаги кишилар, эски турмуш ва янги муносабатларнинг — тарихий контрастларнинг ёрқинлиги тонг қолдирди. Муқимийнинг муболағавор образлари ҳам мени ҳайратга солди: у бўқоқни зиндонга таққослайди, ориқ отнинг қирини эса «гўйиё қайрарга тиғи бениём» деб яланғоч қилчига ўхшатади. Хонавайрон бўлган «қас-

соб етди ўзни гўшт ўрнига тилурға», дейди. Муқимий Чехов билан қарийб бир вақтда умр кечирди, бири рус, бири ўзбек — икки заковатли адибнинг айна вақтда айна мамлакатни қандай тасвирлаб бергани мароқлидир...»

Адабиётшунос: Фафур Гулом каби, Николай Ушаков ҳам Муқимий билан Чехов умри, ижодидаги ўхшашликка эътибор бергани бежиз эмасга ўхшайди... Фафур Гуломнинг тугалланмай қолган «Муқимийнинг янги уч шеъри» мақоласини шарҳлаб, нашрга тайёрловчи адиб Ваҳоб Рўзиматов: «Автор Чеховнинг суддан репортажлар ёзиб, Риков каби молия соҳасидаги қаллобларнинг кирдикорларини фош этганини ўқитиб ўтиш билан, Муқимий ҳам ўз замонасидаги қаллобларни Чеховга ўхшаб фош қилмоқчи бўлганини ёки Виктор ҳамда Лахтин каби муттаҳамлар Риков сингари ҳаромхўрлар билан бирга-ликда иш кўрганини фош қилмоқчи бўлганини кўзда тутган бўлса керак», деб ёзади. Дарҳақиқат, Чехов ва Муқимий ижодини қиёсий ўрганиш яхши натижалар бериши шубҳасиздир.

Мухбир: Чиндан ҳам, Муқимий

Менинг бир лайиваш ишқида мажнунлиғ шиоримдур,
Жунун аҳли эрур ёрим, бало дашти диёримдур.

Баҳор айёми саҳрода очилгон лолалар эрмас,
Юзи ҳажрида ҳар бир қатра қонлиғ ашкборимдур.

Чаманда гунча демонг — қонга тўлган таҳ-батаҳ бағрим,
Эмас нарғиз — анинг йўлида чашми интизоримдур.

Қаронғу кеча эрмас, тийра баҳтим то табаҳ ҳолим,
Сочи савдосидин токим қарорғон рўзгоримдур.

Қаю ерда хазонлиғ барг ё парри самон ўлса,
Менинг гурбат аро ғам бирла сарғарғон узоримдур.

Ер узра поймол ўлгон эмастур сояи девор,
Йиқилгон чарх зулми бирла жисми бемадоримдур.

Агар ёр остони узра бир афтода кўрсанглар,
Қуюнларким, кўнгул отлиғ хароби хоксоримдур.

Фалакда раъд, барқ этманг гумон, ул ой фироқинда
Менинг савти фиғоним бирла оҳи пуршароримдур.

Шаҳид ўлсам, бошоқлиғ ўқини бошимға қўйгайсиз,
Ўзи милу ёнар пайкони бир шамъи мазоримдур.

Мухаббат йўлида бир неча расвои жаҳон бўлдим,
Биҳамдиллаҳки, бу дунёда топгон эйтиборимдур.

Фиғоним эшитиб, аҳбоблар қошинда сўргонда,
На бўлғай десалар, Фурқат деган бир беқароримдур.

* * *

Боқғали ҳеч кимда йўқ хуршиди рухсоринға тоб
Ким, ёнар ўтсен, қилиб бўлмас шарарборинға тоб.

Боғлади оина зангу қолди ҳам ҳасрат аро,
Айламай миръоти ҳусни хатти зангоринға тоб.

Печ уруб дил риштаси, жонимға тушти тоблар,
Токи тушмишдур сани(нг) зулфи гиреҳдоринға тоб.

Коқулингким, тоб келтурмай юзунгни(нг) тобиға,
Ўтга тушган тордек урди аёғ соринға тоб.

Боғ аро шармандалиғдин боша чеккай чодир,
Келтура олмай кўруб товус рафторинға тоб.

Гуссадин озурда жон, ғамдин кўнгул бетобдур,
Лутф қил, бир-бирга етсун, икки беморинға тоб.

Фурқат, ул ой ҳажрида савтинг фалакка етмасун
Ким Масиҳо айлай олмас нолаи зоринға тоб.

Кулунг ўргулсун, эй султони хубон,
Фидо ўлсун йўлингда бўлса минг жон.
Лабинг — гунча, юзинг мисли қизил гул,
Чекарман бул сабаб булбулдек афғон.
Нигоро, йўқлагил дилхасталарни,
Кўйингда бўлдилар кўп зору хайрон.
Давоми умр йиғлаб ҳасратингда,
Кўзимда қолмади очмоқға имкон.
Рухингни кўрсатиб девона қилдинг,

Бу боисдин чиқиб кездим биёбон.
Хумори бодаи лаъли лабингдин
Кўнгул маҳзун эрур, ҳолим паришон.
Ўзим мунда, санинг олдингда — жоним,
Халойиқ кўзиға ман навъи инсон.
На ҳожат ўртамоқ ҳижрон ўтиға,
Эдим бир мушти хок аввалда куйгон.
Ғазалға ҳарфи номинг бирла зийнат
Берибдур Фурқатий, дилдору жонон.

КАМИНА

* * *

Эй, оқсоқоллар каттаси, нафси калон ғор оқсоқол,
Оламдаги бор оқсоқол сандин қилур ор, оқсоқол,
Мингбошилар қўл остида сандек балоҳўр йўқ турур,
Жанжолу иғво қўзғомоқ доим санго кор, оқсоқол.
Доим текинни ахтарур, икки кўзи атрофда
Айтурмикин, деб, ҳеч киши: «Ош мунда тайёр, оқсоқол».
Бўри қулоғи овдадек, икки қулоқ халқ оғзида,
Айтурми, деб: «Мунда келинг, бир маслаҳат бор, оқсоқол».
Бир кун текин топилмаса, ўлгунча ул кун оч қолур,
Бир пул чиқармас ёнидан, мумсиклиги бор оқсоқол.
Доим тақозоси анинг хою ҳавою катталики,
Эй итни(нг) бурнига.., йўқ санга, беор оқсоқол.
Мундоқ дедилар, деб, ҳар иш... аросиға қўшуб¹,
Булғаб алар номини ҳам, бўлдинг гуноҳкор, оқсоқол.
Ялғонни чиндек сўзлагай, чинни худо урган қилиб,
Бир заррача таъсири йўқ беҳуда гуфтор, оқсоқол.
Ҳокимға таъзим айлагай ногоҳ кўрса энкайиб,
Ерга гар боши етмаса — таъзими бекор оқсоқол.
«Манго гаронишдан² хабар келди: бу кун жондор³ ўтар»,
Сув сепмаса аҳли гузар ҳозирда бекор оқсоқол.
(Ҳоким) амалдори бўлуб, (ялоқи) бардори бўлуб,
Бирни уруб, бирни сўқуб бўлдинг дилозор, оқсоқол.
Ҳеч оқсоқолни(нг) вақтида бу фитналар чиқғони йўқ,
Сан бўлдинг, эй беҳосият, чиқди бояқбор оқсоқол.
Топса ҳаромдан тангае, туфлаб тугар минг жойидин
Емоққа оғзи оғригай, (андин кўзи) тор оқсоқол.
Овқоти Қосимбаччау аҳли гузар бўйнигадур,
Унда кирур, мунда кирур, овқот учун зор оқсоқол.
Сандек ўлимсанги, бети сийқони ҳеч ким кўрмагай,
Ул Боқи мумсик бўлғуси наздингда бекор оқсоқол.
Зоҳирда розийдур санго аҳли маҳалла, ҳамгузар,
Лекин бориси кўнглида ўлгунча безор, оқсоқол.
Афъоли зашти кўп анинг, айтмоқ била бўлмас адо,
Андин, Камина, қилмадинг мингидан изҳор, оқсоқол.

¹ Бу мисрадаги бир сўзни аниқлаб бўлмади. ² Гарониш — градоначальник, шаҳар ҳокими. ³ Жондор — генерал.

даври демократик адабиётида чуқур ўрганишга лойиқ масалалар анча-мунча. Шулардан бири демократ шоирларнинг 1898 йилги Андижон кўзғолонига ва унинг раҳбари Дукчи эшон шахсига муносабатидир. Эҳтимол «Дукчи эшон» туркуми атрофли-ча таҳлил қилинса, демократик шеърининг кучли ва кучсиз томонлари янада ойдинлашар эди.

Адабиётшунос: Бунинг учун «Дукчи эшон» туркумига кирадиган ҳамма шеърларни аниқлаш, кейин илмий жиҳатдан ўрганиш керак бўлади. Мен Муқимийнинг дўсти ва шоигари Мавлавий Йўлдош қаламига мансуб Дукчи эшон ҳажвини аниқладим. Бу ҳажвнинг асл нусхаси ҳозирда Қўлғезмалар институти фондида сақланади.

Муҳбир: Тарихчилар Андижон кўзғолонини тўғри баҳолаб улгурдилар, дейиш мумкин. Аммо адабиётшунослар Андижон кўзғолони ва демократ шоирлар масаласига етарли эйтибор берганларича йўқ. Муқимий асарлар тўпламининг 1960 йили нашр этилган II жилдида шу халқ кўзғолонини назарда тутган ҳолда, «фитна» сўзи қўлланилади. Ваҳоланки, дохий-

миз Владимир Ильич Ленин: «Кўзғолон қилмоққа уриниш тил бириктирувчилар ёки бўлмағур хаёлпарастлар тўдасидан бошқа ҳеч нарсани юзага чиқармаган, омма ичида ҳеч қандай хайрихоҳлик кўзғатмаган вақтдагина, илмий маънода, «фитна» тўғрисида гапирмоқ мумкин», деб уқтиради.

Адабиётшунос: Аввало, шуни айтиш керакки, демократ шоирлар Дукчи эшон шахсига антиклерикал руҳда муносабатда бўлганлар...

Муҳбир: Андижон кўзғолони баъзан Дукчи эшон кўзғолони деб ҳам аталади. Бинобарин, «Андижон кўзғолони» терминини ҳамма ўринларда қатъий қўллаш жоиз. Чунки бу термин 1898 йилги халқ кўзғолонининг асл моҳиятини тўғри акс эттиради.

Адабиётшунос: Бунинг учун тарихчилару адабиётшуносларга бирдек дастуриламал бўла оладиган мўтабар фикрга эга бўлиш керак.

Муҳбир: Бундай мўтабар фикр дохиймиз Владимир Ильич Лениннинг «Империализмга доир дафтарлар»ида икки ўринда, жумладан, П. Кузнецовнинг «Марказий Осиёда

цивилизациялар ва тиллар кураши» (Париж, 1912) диссертацияси контекстида қайд этилган. Тарихчи Пўлат Ҳамдамов таъкидлаганидек, контекстдаги «жумладан, 1898 йилги Андижон кўзғолони» деган ибора бу масалага доир баъзи материаллар билан Владимир Ильич илгаридан таниш бўлган, деб ўйлашга асос беради. Чунки у 1898 йили «Андижондаги ҳодиса» сарлавҳали хабар босилган «Мир божий» журналинини мунтазам тарзда кузатиб борар эди: Ильичнинг шахсий кутубхонасида мазкур журнал 1898 ва 1899 йилларда чоп этган мақолаларни сақлаб юргани, «Мир божий»нинг 1898 йил, 4-сониде А. Богдановнинг «Сиёсий иқтисод қисқа курси» китобига ёзилган тақризи билан қатнашгани шундан гувоҳлик беради. Кузнецов ҳукумат тергов комиссияси ишлаб чиққан ва марказий маҳаллий нашрларда оммалаштирилган расмий нуқтаи назарга суяган ҳолда, Андижон кўзғолонининг кўтарилиш сабаблари тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини гоёт қисқа, жами 56 сатрда (диссертация асосий матнида 15 сатр, изоҳларда 41 сатр) ифодалайди. У В. П. Сальков-

нинг ҳукумат тергов комиссияси материаллари умумлаштирилган «1898 йилги Андижон кўзғолони» (Қозон, 1901 йил) китобидан фойдаланади. Шу сабабли ҳам Ленин ўз позициясини равшан ифодалаб, диссертацияга қуйидагича баҳо беради: «Афтидан, расмий нуқтаи назардан ёзилган». Бу фикрдан дохиймиз Андижон кўзғолонига ижобий муносабатда бўлганини сезиш қийин эмас. Владимир Ильич, кейинчалик «1870 йилдан кейинги жаҳон тарихининг асосий маълумотларини жамлаш тажрибаси» асарининг «Мустамлака сиёсати» бўлимига Ўрта Осиё халқлари ҳаётида содир бўлган қуйидаги воқеаларни киритади: «1866—7: Россия Қўқонни олади... 1868: Россия Бухорони олади... 1873: Россия Хивани олади... 84: Россия Марвни олади... 98(?) Андижон кўзғолони». Яъни, бу ўринда В. И. Ленин Андижон кўзғолонига муносабатини Кузнецов диссертацияси контекстидаги нисбатан янада муайянлаштиради. Хуллас, 1898 йилги Андижон кўзғолонини ўрганаётган тарихчи олимлар, ўзбек демократ шоирларининг Дукчи эшонга бағишланган туркум ҳажвий шеърла-

* * *

Жом тут, соқийки, наврӯзи баҳор ўлди яна,
Вақти айшу дафъи ташвиши хумор ўлди яна.
Сунбулинг жаъди мутарро, наргисинг кўзи хумор,
Лола, раъно, настаран зебо узор ўлди яна.
Жилва қилди гул зумуррадгун иморатдин чиқуб,
Айш эли девонаи беихтиёр ўлди яна.
Сарв чекгоч қомат, ўлмиш нолаи қумри баланд,
Гунча, келгоч, булбулинг шавқи ҳазор ўлди яна.
Гулшанинг ўлсун мусалсал, давр базмиқим букун,
Лолаву гул соғари ишрат суёр ўлди яна.
Жонфизо райҳону насрину бинафша наҳвати
Ҳам шамими ҳатту холу зулфи ёр ўлди яна.
Рақс этар боди сабодин Зухра янглиғ шохи гул,
Нағмапардози гулистон обшор ўлди яна.
Очилян садбарглар ҳар ёна маҳтоби фуруғ,
Ҳар шукуфа нахл уза ёнғон фанор ўлди яна.
Ҳусни файёзи зухур анворидин, мужгон сафи
Кўз элина шамлардурким, қатор ўлди яна.
Вожиб ўлмиш раҳмат осорина таҳқиқи назар,
Эй кўзум, ул амра вақти этимор ўлди яна.
Дафтари асрордур, авроқи ашжори риёз,
Рангү бу орифлара асбоби кор ўлди яна.
Жавҳарий иқди Сурайёси Сўҳодин кам эди,
Мидҳатинг-ла меҳри анвар иқтидор ўлди яна.

Маҳмуд ҲАКИМ

* * *


Жисминга жаҳди чиқормоқликка бергил тоблар,
Маърифат дарёсидан қил фикрингни сероблар.
Лавҳи хотирни жаҳолат зангидин айла сафо,
Партави анворидан то дилга тушгай тоблар.
Маърифатдин нуқтаи ҳарф урса ким, дегил ани —
Баҳри жаннатдан сочар ҳар ёна дурри ноблар.
Холиқо, қилгил ато мен ҳастага таъби салим,
То саводи жаҳл ила дил бўлмасун бетоблар.
Гулшани умр ичра кўнглинг булбулин кўп ранг ила
Нола қилдур, зоҳир ўлсун эл аро кўп боблар.
Маърифат майдонида раҳши дилинг сур ҳар тараф,
Қўрқма, йўлга қўйса гар аҳли ҳасад қуллоблар.
Қолма, деб, ҳар дам талабдан, панд кўп берди Ҳаким,
Бўстони умрига ҳеч очмади бир боблар.

* * *

Васли жонон истаса ким, хотири жон истамас,
Хотири жон истади ҳар кимки, жонон истамас.
Тоza айла, руҳи ҳолимни кўруб, гар дўстсан,



Шоир Муҳсиний.



Атоқли шоир Зафар Диёр (чапдан биринчи) Муқимийнинг издоши Чархий, улуғ демократ шоирнинг шоғирди Фарибий — Исмоилжон Иброҳимов билан. Қўқон, 1939 йил.

Хонавайрондур киши — таклифи меҳмон истамас.
Дилқаролар ичра сан, воиз, насихат қилма кўп,
Кўр аҳлин манзили нури чароғон истамас.
Шодлик йўқ бу жаҳонда, мумкин эрмас коми дил.
Даҳр халқи ҳеч кима бир хайру эҳсон истамас.

Ишқ аҳлин дардини ташхис этолмасан, табиб,
Зоеъ этма меҳнатинг, бу дард дармон истамас.
Қутқарур ғавғои ғамдан, етса гар рўзи ажал,
То ҳазон бўлганда гул, булбулки, афғон истамас.
Кўрмадим оламда бир холи риёдан кирдикор,
Ким риё қилмас, риёдан гўша чандон истамас.
Ул эди холи риёдан қилмадинг ҳаргиз, Ҳаким,
Ул риёликни дилинг умр ичра бир он истамас.

* * *

Эҳтиёт ўл, вермасун бир кимсага озор сўз,
Ихтилоти кизбдур, айлар азизни хор сўз.
Нафъ ҳосил айла олам аҳлига ҳар ҳарф ила,
Мурдага бўлсун ато жон, айласанг ҳар бор сўз.
Ҳар кими зимнида бўлса ҳосили, мастур эрур,
Фош этар олам аро, гар айласа изҳор сўз.
Сўздадур бул хосият, кун-кечаларда андалиб
Гунчани хандон этар, деса бўлуб бедор сўз.
Сўзким, рафторидан лаззатни билсун жону дил,
Гўйиё машқи тараннум бирла айлар тор сўз.
Нозук айла сўзниким, эл ичра бир соат каби,
Кўрмасун оғзингни, десунлар нечук шаҳвор сўз...
Ҳарна жзвлон айласанг сўзни(нг) фазосинда, Ҳаким,
Безарурат ғайри ҳақдин демагил бир бор сўз.

ҲАМЗА

* * *

Мубталоман, фурқатингда рўзу шаб гирёнаман,
Ёш ўрнида қаро қон, кўзида маржонаман.

Хок уза бағрим беруб, афғон этуб ҳар субҳу шом,
Жисм аро жон роҳати, кўз уйқудан бегонаман.

Тийра эркан мунча иқболим мени шўридани,
Доимо бир кофири хунхор ўтида ёнаман.

Ошкор айлай десам дарди ғамингни, эй санам,
Кўрқарамки, бўлмайин, деб, эл аро афсона ман.

Рози дил айтай, десам, ағёр ичида йўқ илож,
Бир қачон соат топуб васлингга ёлғуз қонаман.

Холи эрмасдур хаёлим ҳасратингдан бир нафас
Солмагон ҳеч кимга бир дардинг била ҳамхонаман.

Оҳким, фикр айласам, ўлмақдан ўзга чора йўқ,
Оре-оре кел, бўйингдан айланай, қурбонаман.

Нома ёзмоқдан муродим — орзудур бир висол,
Боқ Ниҳона, кўзлари мастона, ман — девонаман.

Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Аҳмаджон МАДАМИНОВ

рини тадқиқ этувчи адабиётшунослар учун доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг бой ғоявий мероси, жумладан, «Имперализмга доир дафтарлар» асаридаги бу икки муҳим манба дастуриламал, компасдир.

Адабиётшунос: Владимир Ильич Лениннинг «Имперализмга доир дафтарлар»идаги бу икки муҳим манба Андижон кўзғолонининг тарихий аҳамиятини, Муқимий даври шеъриятининг Андижон кўзғолони, шунингдек, Дукчи эшон шахсига муносабатини илмий жиҳатдан тўғри баҳолашда ғоявий асос бўлиб хизмат қилади. Доҳиймиз Ленин қўллаган «Андижон кўзғолони» таъбирини мутлақ илмий термин сифатида қабул қилишимиз айти мудоао бўлар эди. Андижон кўзғолони, шунингдек, Дукчи эшон шахсига муносабат ўзбек демократик шеърияти тарихидаги мураккаб масалалардан биридирки, уни марксча-ленинча методология асосида чуқур тадқиқ этиш, ҳали адабиётшуносликка маълум бўлмаган асарларни, ҳужжатларни аниқлаш, теран ва тўғри шарҳлаш орқалигина ҳал этиш мумкин.

Мухбир: Мавриди келиб қолди,

сиз каби адабиёт тарихчиларини қувонтирадиган бир манба ҳақида сўзлаб ўтай. Архив материаллари орасида Муқимийнинг «Ҳажви халифаи Мингтепа» асари тарихига тегишли бир манбани учратиб қолдим. Улуғ демократ шоирнинг бу ҳажви Нодим Намангонийнинг мусаввада дафтарида «Ҳажви халифаи Мингтепа» деб номлангани учун муқимийшунос олимларимиз уни «Мингтепага «бидъат ўчоғи»ни қуриб олган реакционер Дукчи эшон тўғрисида»ги сатира синфатида тақдим этиб келадилар. Лекин генерал Жўрабекнинг ўғли полковник Оллоқулибек 1910 йили ўз кутубхонаси учун сотиб олган қўлёзма баёзда Муқимийнинг бу ҳажвига қуйидаги изоҳ берилади: «Дар шаъни Садубистбой ном Мингтепагике, халифаи ҳазрати эшони Соҳибзода буд. Аммо аз жиҳати хиссат ва мумсикки мардуд таъби халойиқ мебуд. Банобари он афъоли замимайи уро дар силки назм кашида шудки, бар аҳбоби манайиё хурсанди мешуд». (Мазмуни: «Бу ҳажв мингтепалик Садубистбой шаънига (айтилди)ки, (у) ҳазрати эшони Соҳибзоданинг халифаси эди. Аммо хасислиги ва паст-

кашлигидан халойиқ кўнглига ярамас (бўлиб) кўринар эди. Шу жиҳатдан унинг феълидан қуйидагича назм силкига тизилди. Токи мутлоаа қилувчи аҳбоб учун хурсандлик боиси бўлмай»).)

Адабиётшунос: Бу муҳим адабий ҳужжатнинг аниқланиши Муқимий ижодий қиёфасини янада равшанлаштиради, деб ўйлайман. Кейинги йилларда олимларимиз Муқимийнинг бу пайтгача маълум бўлмаган бир қанча ижтимоий-сиёсий мавзуда яратилган ажойиб ҳажвларини, баркамол ғазалларини ахтариб топди-ларки, бу асарлар демократ шоиримиз ижоди чинакамга бой, ғоявий-бадий жиҳатдан яшаган замонасига нисбатан пешқадам эканини яна бир марта тасдиқладилар.

Мухбир: Сиз Муқимийнинг ёш олим Абдувоҳид Шокиров томонидан «Адабий мерос» тўпламининг 1976 йил 5-сонидан эълон қилинган «Мухаммаси сайлов» ҳажвини ҳам назарда тутмоқдасиз шекилли?

Адабиётшунос: Балли.

Мухбир: Профессор Ғулом Каримов «Муқимий» монографиясида Қўқонда мингбошилар сайлови ҳиж-

рий 1310 йили — мелодий 1892 йили бўлиб ўтганини айтади ва демократ шоиримизнинг «Сайлов» ғазал-сатираси шу йили ёзилган, деб тахмин қилади. Муқимий ана шу ҳажвий ғазалига ўзи мухаммас боғлаган: Бу асар, яъни «Мухаммаси сайлов» «Ашъори мутафарриқа» («Тарқоқ шеърлар») қўлёзма баёздан топилди. Котиб «1893 йил, 18 декабрда ёзилди», деб сана қўйган. Демак, бу сана профессор Ғулом Каримовнинг «Сайлов» ғазали ёзилиш тарихи ҳақидаги тахминини қувватлайди. Ғазал ҳам, мухаммас ҳам 1892 йили ёзилган, деб ҳисоблашга асос беради.

Адабиётшунос: Биз номаълум муаллиф қаламига мансуб бир тарихий манбани аниқладик. Унда Қўқон шаҳрида 1895 йили ўтказилган қози сайлови тўғрисида ҳикоя қилинади. Текширишларимиз номаълум муаллиф зикр этган: «Қози Исфандиёр ўлди, денг...» сатри шоир Муқимийга тегишли эканини кўрсатди.

Мухбир: Муқимийнинг янги топилган шу асари ҳақида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.

Адабиётшунос: Зикр этилган тарихий манба муаллифи «Тезхо-

тир одамлар орасида «Қози Исфандиёр ўлди, денг...» қабиладаги ҳажвиялар кўпайиб қолди», деб ёзади. Яъни, муаллиф Муқимий ва унинг атрофидаги тараққиётпарвар кишиларни назарда тутди. Мазкур тарихий маълумот ва Муқимийнинг сайлов мавзуда ёзилган, аммо бугунгача адабиётшуносликка маълум бўлмаган ҳажвий мухаммаси битта қўлёзма манбада учраши ҳам шунинг далилидир. Мухаммасда берилган таърих:

Жон чиқиб, ахчаси бўлиб бесар,—

сатри Муқимий ҳажв этган сайлов мелодий 1895 йили бўлганини билдиради. Номмаълум муаллиф ҳам худди шу йилдаги сайлов тафсилотларини — мансаб деб қилинган қинғир ишлар, порахўрликларни ёзиб қолдирган. Чирикжойда қозилигига сайланган Аҳмадхўжа эшон, Чирикжойда қозилигидан маҳрум бўлгач, Қайнар ва Зоҳидон қозилигига сайланолмай қолган Исфандиёрхон, улар мансуб синф бошқа вакиллари ярамас кирдикорларини номмаълум тарихчи ҳам, шоир Муқимий ҳам бирдек ростгўйлик билан фош этадиларки, бу жиҳатдан ҳужжатнинг аҳамияти фоят зўрдир.

Муҳбир: Сиз айтган тарихий маълумот ва шоир Муқимий мухаммаси биргаликда мустамлака мамлакати ижтимоий-сиёсий ҳаётининг жонли манзарасини ҳаққоний акс эттиради, бу ижтимоий-сиёсий ҳаёт найқов бозорига айланиб қолганлигини кўрсатади. Аини пайтда сайлов мавзуда — муҳим ижтимоий-сиёсий мавзуда ғазал ва икки мухаммасдан иборат туркум (бу туркумга тегишли бошқа асарлар яна топилиши мумкин, албатта) яратган Муқимий ва у пешталқин бўлган демократик шеърининггинагинакам гражданик кучини намоён қилади.

Адабиётшунос: Албатта, муқимийшунослар улуг демократ шоиримиз 1895 йили яратган бу ажойиб ҳажвий мухаммасга муносиб баҳо берадилар. Аммо Дилшод Барно, Муқимий, Фурқат, Завқий, Анбар отин, Ҳамза каби оташнафас шоирларни камолга етказган Қўқон адабий муҳити биз ўйлаганимизга қараганда бойроқ бўлган. Кейинги йилларда шоир, тарихчи, табиб Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг бой ижоди, Муҳсиний девонларини ахтариб топдик. Муқимий даврига мансуб жуда кўп йирик шоирларнинг муҳим асарларини аниқладик. Бу кашфлар орасида ўратепалик шоир, Муқимий тўғрисида дoston ёзган Зуфархон Жавҳарийнинг ўзбекча ғазали ҳам бор.

Муҳбир: Дилшод Барно бу шоир ҳақида: «Еш йигит Зуфархон-тўрача(нинг) ҳам ғазалхонлик салиқасида яхши машқлари бор эди», деб ёзган.

Адабиётшунос: Қўқон адабий муҳитига мансуб шоирлар Тошкент, Марғилон, Андижон, Уш, Хўжанд, Исфара, Уратепа, Бухоро, Самарқанд, Хоразм шоирлари билан доимий адабий муносабат боғлаган эдилар-да.

Муҳбир: Изланишларингиз натижасида маълум бўлган шоирлар, асарлар ҳақида сўзлаётган эдингиз. Ана шулар тўғрисида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.

Адабиётшунос: Йигирма йиллик қидиришларим самараси сифатида классиклар ижоди ва ҳаётини ўрганиш, тадқиқ этиш жиҳатидан аҳамиятли бўлган қуйидаги асарлар қўлга киритилди: Фаридиддин Аторнинг «Ишратнома» шеърини асарининг қадимий нусхаларидан бири, Алишер Навоийнинг XVIII—XIX асрларда китобат қилинган бир неча қўлёзма девонлари, Мужрим Обид қалами билан Бухорода китобат қилинган «Маҳбуб ул-қулуб», «Хамса»нинг учта қўлёзма нусхаси, шундан биттаси XVI асрда Навоий вафотидан 70

йил кейин—1571 йили кўчирилган миниатюралар нусха, «Мажолис ун-нафос»нинг XVI ва XIX асрларда кўчирилган нусхалари, «Ҳазойин ул-маоний»нинг қўлёзма нусхаси, Лутфийнинг бир девони, XIV асрда ўтган Феруз Ободийнинг муаллиф ҳаётлигида китобат қилинган «Қомус ул-муҳит» арабча изоҳли луғати (автограф деб тахмин этилмоқда), Узлат девонининг иккита қўлёзма нусхаси, шу шоир қаламига мансуб «Ҳафт гулшан»нинг иккита қўлёзма нусхаси, Гулҳаний «Зарбулмасал»нинг учта қўлёзма нусхаси («Зарбулмасал»нинг яна иккита қўлёзмаси қўлимизда), XVIII аср охири, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган зуллисонайн шоир Зиёуддин Махзун девонининг қўлёзма нусхаси, Нодира девонининг қўлёзма нусхаси, XVIII аср охири, XIX аср биринчи ярмида Қўқон адабий муҳитида яшаб ижод этган бир қанча шоирларнинг асарларидан тузилган ўнлаб қўлёзма, тошбосма баёзлар, Андалибнинг «Юсуф ва Зулайхо» дostonининг қўлёзма нусхаси, Холис, Саодий каби шоирларнинг дoston ва девонлари, Ҳувай-

нинг шахсий буюмлари, нодир фотоси, ҳужжатлари, ҳуснихатлари, Муҳсиний мусавваддаси, турли шоирларнинг унинг архивида сақланган асарлари; Зорийнинг дастхат баёзи, Муқимийнинг шогирди — шоир Ғарбийнинг чўнтак баёзи ва бир қанча дастхат асарлари, Муқимийнинг чўнтак баёзи ва бир қанча дастхат асарлари, Завқий, Фурқат, Мухэйир, Камина, Олим, Қорий, Нисбат каби шоирларнинг номмаълум асарлари, Умрзоқ Абдували ўғли Шухратийнинг 1911 йили тартиб берилган дастхат девони, иккита дастхат шеърлар тўплами, 42 варақдан иборат асарлари, Авҳадиддин Анварий девони, Жомийнинг ҳошиясига Муқимий дастхатлари битилган, Мулла Аҳмадда сақланган «Ҳафт авранг» (XVI асрда кўчирилган) асари, Рожий «Зарбулмасал» ва қитъалари, ҳуснихатлари... Бу асарларнинг базилари ҳозирда Қўлёзмалар институти ва Қўқон музейида сақланмоқда, айримлари шахсий кутубхонамизда. Қўлёзмалар институтига 300 дан ортқ қўлёзма, тошбосма асарларни топширганман. Аммо халқимиз маъна-

Адабиётшунос: Классик шоирларимизнинг энг яхши асарлари иккинчи она тилимизи — рус тили воситасида Бутуниттифоқ ва жаҳон китобхонининг маънавий мулки бўлиб қолаётгани айниқса қувончлидир.

Муҳбир: Аммо давр тақозоси билан ўртага қўйилаётган адабий масалалар ҳам йўқ эмас, албатта. Улардан бири ўзбек классик шоирлари асарларининг илмий-танқидий матнларини тайёрлашдир.

Адабиётшунос: Лекин бу муҳим масалани алоҳида суҳбат мавзуи қилиб олиш маъқул бўлар эди.

Муҳбир: У ҳолда классик шоирларимизнинг янги топилган асарларидан Сиз «Гулистон» учун атаб тузган шеърини гулдастани кўп сонли журналхонларимиз номидан қабул қилиб олар эканман, чин дилдан ташаккур айтаман. Бу асарлар, фикримизча, демократик шеъримиз ҳақидаги тасавуриимизни янада бойитишга хизмат қилади. Маълумки, тарихий тараққиёт тақозоси билан демократик шеъримизнинг йўли инқилоб йўли билан туташди. Чунончи, шоира Анбар отин «икки ёқлик зулм»дан қутулиш чорасини, «нажот йўли»ни излади, «каминага муолижа қилгучи Инкина ном дўхтур ва шифо чўлидаги ноиб тўра аёли Екатерина ва қизлари Клава, Анусаларнинг махфий гапларига биноан ақл ва идрок тақозо қилурки, ичкари рус музофотларида улуг раҳнамолар махфий ҳаракат қилиб, халойиққа нажот йўлларини фаҳмлатмоққа қодир эканлар», «мазкур ўруслар ила мустаҳкам алоқа қилмоқ лозим бўлур», деб таъкидлади. Шоир Завқий меҳнаткашлар кўнглидаги асл муддаони ифодаляб: «Инқилоб ўлса ажаб эрмас», дея ҳайқирди. Бу ва шу руҳдаги бошқа мисоллар демократик шеърятда содир бўлган навбатдаги кўтарилишни — сифат ўзгаришини тўғри акс эттиради. Бинобарин, уларни 1873—1876 йиллардаги Қўқон қўзғолони, 1892 йилги Тошкент қўзғолони, 1898 йилги Андижон қўзғолони, 1916 йил миллий озодлик ҳаракатларининг бадий сабоғи, меҳнаткаш халқнинг ижтимоий зулм ва эксплуатацияга қарши курашлар жараёнида муттасил ўсиб борган сиёсий онгидаги муҳим ўзгаришларни тўғри акс эттирувчи маънавий ҳужжат деб қабул қилиш лозим. Аини пайтда демократик шеъримизнинг бу босқичи, адабиётшуносларимиз таъбири билан айтсак, инқилобий-демократик шеърят Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг революцион поэзияси майдонга чиқши учун замин тайёрлаган ижтимоий-маънавий омиллардан бири сифатида ҳам зўр аҳамият касб этади.

Адабиётшунос: Бутун ўзбек халқи каби, демократик шеъримизнинг Завқий каби ажойиб намояндалари Улуг Октябрь социалистик революциясини кучок очиб кутиб олдилар, Совет ҳокимиятининг қурувчилари сафидан ўрин эгалладилар. Инқилоб душманлари — босмачилар ишчи-деҳқон ҳукуматини мустаҳкамлаш ишида қизғин иштирок этаётган шоир Завқийнинг пайига тушдилар, уни тутиб азовладилар, оғир жароҳатладилар. Пировардида, — бу сўзнинг энг юксак маъносида, — демократ шоир шахид бўлди.

Муҳбир: Завқий ўз умрини янги давр курашчиси сифатида яқунлаганлиги, унинг инқилоб йилларидаги ижоди демократик шеъримиз обрўсини янада оширади. Унинг қуйидаги мисраларида эса инқилобни ёқлаган демократ шоирларнинг энг муҳими, ўз ишчи-деҳқон ҳокимиятига эга бўлган меҳнаткаш халқнинг янги замонага ишончи ва меҳру маҳабати бадий ёрқин акс этган:

Корвонни бу Инқилоб рост йўлга
Эталалай, чолинди савти жарас.

Қўқон



Муқимийнинг невараси Мастураҳон Дўстматова тоғаси — улуг демократ шоирни кўриш бахтига муяссар бўлган. Оқилахон ая Сотиволдиева билан суҳбатлашганда, тоғасини кўргандек бўлади.

до девони, Машраб девонини топдик, шунингдек, Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг 14 асари борлигини аниқладик, шундан еттитасини топдик, бештаси шоирнинг дастхати, учта асари тиб илмига оид: биттаси арабча; Кулфатнинг Навоий ғазалларига гатабуъ тарзида тузилган девони, Муҳсинийнинг ҳажм ва мундарижа жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилувчи иккита дастхат девони ва шу девонлардан бирининг 1915 йили хўжандлик котиб томонидан китобат қилинган нусхаси, шу муаллифнинг ахлоққа доир «Риёз ул-аном» («Халқ боғлари») шеърини рисоласи, Ҳакимхон тўранинг Муҳсиний таржимасидаги «Мунтахаб ут-таворих» («Танланган тарихлар») асари — буларнинг ҳаммаси дастхат, озарбойжон олими Юсуф Қорабоғийнинг Муҳсиний таржимасидаги «Ҳашт беҳишт» фалсафий рисоласи (дастхат), Фузулийнинг Муҳсиний томонидан кўчирилган ва миниатюралар билан безатилган «Лайли ва Мажнун» дostonи (дастхат), Бедилнинг Муҳсиний ўттиз ёшида — 1890 йили кўчирилган девони, Муҳсинийнинг пароканда ҳолда етиб келган бир қанча асарлари, шоир-

вий хазинасидаги ўз қонуний ўрнини эгаллаб улгурган ёки тадқиқотчисини кутиб ётган бу асарларни авайлаб-асраб бизнинг қўлимизга тутқазган шеърят фидойилари борки, уларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан эслаб ўтишни бурчим деб ҳисоблайман. Таниқли журналист Лутфулло Олимий, Муқимийнинг жияни Рўзимухаммад Дўстматов, Маҳмуд Ҳаким куллиётини соғва қилган Боймирза Тожибоев, шоир Рожийнинг ўғли Абдуллажон Сулаймонов, Муҳсинийнинг ўғли Нуриддин Ҳусанов, Фурқатнинг жияни Назиржон Алиев, шоир Нодимнинг ўғли Мусалламхон Бобохон, Маҳмуд Ҳакимнинг қизи Оминахон Маҳмудова, Шухратийнинг ўғли Абдуллажон Умрзоқов, косонсойлик Ҳасанхон Носиров, қўқонлик Назиржон Аҳмедов ўртоқлар ўз бисотларидаги бебаҳо хазиналарни халқимизга тақдим этдилар.

Муҳбир: Дарҳақиқат, мамлакатимизда маданий меросга ленинча муносабат ҳаёт қонуниятига, кишиларимизнинг фазилатига айланган. Утмишда халқимизнинг энг асл фарзандлари яратган маънавий хазина янги авлод учун хизмат қилмоқда.

БЕОРОМ КЎНГИШ

Ҳикоя

БОБОРАҲИМ Машраб билан Шодавлат эшакларини секин ҳайдаб боришар, орқаларидан эргашиб келаётган Қитмир баъзан олдинга ўтиб олиб, югурганича кетар, узоққа бориб қулоқларини чимирганча эгаларининг етиб келишини кутиб турар эди.

— Тупроғи кулранг бўлса ҳам, замини серунум экан,— деди тева-рак-атрофга, узоқдаги тоғларгача чўзилган пайкаллар, қовун полизла-ри, тоқзорларга назар ташлаб кела-ётган Машраб.— Билурмисан, бул серҳосил водийнинг номи не, Пири-маст?

Энди ўттизга қадам қўйган бўлса ҳам, афтини ажин босиб кетган па-кана Шодавлат бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Сен билмасанг, мен айт-ай: бу— Миёнкол! Қовуннинг ширини, узумнинг сараси шул водийда ети-ладур. Қорадарё билан Оқдарё ора-лиғидаги бу тупроқ узоқдаги тоғ ва чўллардан учиб келган гардлардан ҳосил бўлган.

— Одамлари ҳам меҳмондўст, сахий экан; йўлда: «Мана буни олиб кетинг», деб қўлингизга қовун тут-қизиб юборадилар,— деди Шодавлат хуржундаги бўриқаллани кўрсатиб.— Бул маконга келиб юзингизга қизил югурди. Бухоройи Шарифда рангин-гиз саргайиб кетган эди.

— Минг қатла шукурки, ул ерда ясовуллар ва мутаассиб муллолар қўлига тушмай, эсон-омон йўлга чиқдик. Билсанг, дунёда ўз эркинг-

дин яхши нарса йўқ, хурлик дилбари моҳнинг висолидек шириндир.

Икки-уч соат йўл юриб чарчаган-ларидан кейин, Шодавлат қуруқша-ган лабларини ялади:

— Чанқадим, қорин ҳам пиёз пўс-тидек бўлиб кетди. Ариқ бўйида ўтириб, андак талқон еб, қорин тўй-ғазсак, қовун сўйиб, ташналикни қондирсак эди...

— Сабр қил, назаримда, яхшилар бизни кутиб тургандек. Ҳайда!

Бир-икки чақирим юрганларидан кейин, дарвозаси ланг очик бир кўр-ғон олдидаги супада ўтирган мўй-сафидга дуч келдилар. Бу чол қўли-ни манглайига қўйиб, яқинлашиб келаётган йўловчиларга қараб турар эди. Улар яқинлашиб салом берган-ларидан кейин, алик олиб:

— Ҳормангиз, узоқдан келаётган-га ўхшайсиз,— деди.

— Бухоройи Шарифдин. Бузрук-ларнинг пойи остоналарин зиёрат қилиб келяпмиз,— деб жавоб қилди Шодавлат.

— Андоғ бўлса, бизга қўноқ бў-линглар, табаррук одамлар экансиз. Машраб ҳамроҳи билан кўз уриш-тириб олди:

— Майли бўлмаса...

Хурсанд бўлиб кетган Шодавлат кулгисини яшириш учун, икки қўли-ни оғзига карнай қилиб, узоқда қо-либ кетган итини чақирди:

— Қитмир-р!

Йўл четида бир нарсаларни искаб юрган ит бошини кўтариб, қулоғини чимирди-да, эшакларини етаклаганча дарвозадан кириб кетаётган хўжала-ри томон югурди.



Уй эгаси чанқаб келган йўловчи-ларни айрон билан сийлади, меҳмон-хонага таклиф қилди. Қўноқлар туш-ганидан дарак топган қўшнилар ҳам «Ассалому алайкум», деб киравер-дилар. Қуюқ-сууюқ таомдан кейин меҳмонларнинг қаерлик эканлигини, қайдан келаётганини суриштирдилар. Машраб жавоб бериб, уларни қано-атлантиргандан сўнг, афтидан сўфи-га ўхшаган оқ саллали мулойим бир чол ер остидан қараб:

— Бул дунё роҳатини тарк этиб, фақирлик йўлини тутган одамга ўх-шайсиз. Исми шарифингизни айтсан-гиз, ким билан ҳамсуҳбат бўлгани-мизни билсак,— деди.

Бобораҳим жавоб бериш ўрнига саторини қўлга олиб, уни созлади-да, хуш овоз билан куйлай кетди:

Қарорим йўқ кўнгилда лаҳзае, девона
Машрабман,
Ичибман туну кун май, толибе
майхона Машрабман...
Мени зоҳир кўзида кўрган эл ўзин
гумон айлар,
Ўзидан беҳабар ҳам ҳуши йўқ девона
Машрабман...

У хониш қилиб бўлиб, саторини ғилофига солганидан кейин бир мўй-сафид ўрнидан туриб қўл қовуш-тирди:

— Э, марди худо, рухсат этинг, этонингизга юз суртиб тавоф қи-лай?

Машраб қўл ишораси билан уни рад этиб:

— Тўхтанг,— деди.— Менинг ҳеч кимдан ортиқ ерим йўқ, сизлар каби оддий гуноҳкор бандамен, ортиқча тоат-ибодат ҳам қилмайман. Пирлар-га қўл бериш, бандасига сиғиниш динга ҳам, диёнатга ҳам хилоф.

Унинг авзойини кўриб, ўтирган-ларнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Биз қайдин билайик, оташна-фас кишиларга ихлос қилишнинг гу-ноҳ эканлигини. Умримиз омон, хў-

киз кетида ўтган бўлса,— деди бир деҳқон.

Қўшнилар уй-уйларига чиқиб кет-ганларидан кейин Машраб мезбонга қараб:

— Биз йўл-йўлакай Сўфи Оллоёр билан кўришиб кетмоқ ниятида эдик, қайси қишлоқда истиқомат қиладур ул киши?— дея сўраб қолди.

— Самарқандга етмасдин Янги-қўрғон яқинида Минглар қишлоғи бор,— деб гапни узоқдан бошлади уй эгаси.— Илгари Оллоқули деган бой бир одам ул қишлоқнинг оқсоқоли бўлиб, анинг икки ўғли бор эди. Каттасининг оти Фарҳод, кичигининг оти Оллоёр. Фарҳод Бухоро бориб ўқиди, кейин амир хизматиға кириб, баланд мартабали бек бўлди, Олло-ёр ҳам оғасининг кетидин Бухорога сафар этиб, анда таълим олди, ке-йин бож-хирож маҳкамасига ишга кирди, ўзининг эпчиллиги, раҳмсиз-лиги билан деҳқонларни бездирди. Оллоёр ёшлиғида фақирларга кўп жабр-зулм қилур эди, бойлик ор-тириб, устма-уст уч-тўрт қизга уй-ланди...

Машраб унинг сўзига қулоқ солар экан, от устида ўз навкарлари би-лан қишлоқма-қишлоқ айланиб юриб, хирож тўлашга қурби етмаган деҳ-қонларнинг қўй, сигирларини хазина фойдасига мусодара қиладиган бе-рахм ўлпончини кўз олдиға келтирди. Унинг хаёлхонасида фожиали манза-ралар жонлана бошлади. Мана, Олло-ёр қамчисини силкитиб, солиқ тўлашга имконсиз деҳқоннинг уйига кирдию рухсори олмадек қизига кўзи тушиб, нияти бузилиб, уни ўз қўйнига солмоқчи бўлди... Қишлоқ оқсоқолини ўртаға қўйиб, кўз ёшини тиёлмаган қизни бир пиёла сув би-лан никоҳлаб олди... Машраб бун-дайларни кўрган, уларни яхши билар эди.

У тишларини ғижирлатиб, бошини бир силкитди-да, миясида пайдо бўлган хаёлни қувиб юборди.

Расмларни Чингиз АХМАРОВ чизган



— Хўш, кейин нима бўлди?— деб сўради у меҳмонининг авзойини кўрганда гапдан тўхтаб қолган қариядан.

— Оғоси Фарҳодбек арзимаган бир гуноҳи учун амирнинг ғазабига учраб, боши олингандан сўнг, Оллоёр ишни ташлаб ўз қишлоғига қайтиб келди. Қилғон ишларидан пуншаймон еб сўфи бўлиб олди...

Улар шам ёруғида алламаҳалгача гаплашиб ўтирдилар. Шодавлат маст уйкуда, Қитмир тумшугини икки оёғи устига қўйиб, кўзларини мўлтиратиб ётар эди.

Сўфи Оллоёр ташқари ҳовлисидаги гулзор атрофида, қўлида тасбеҳ, секин айланиб юрар, мош-гуруч соқолини чап қўлининг панжаси билан тарар, устара билан қирилган боши офтобда ялтирар эди.

У ичкари ҳовлига кириб овқатланишни истамас, чунки бир-бирларига зимдан пичоқ қайраётган кундошларнинг аччиқ-сассиқ гапларини эшитишга тоқати йўқ эди.

Кимки хотун бирла кўп суҳбат тутар, Ул киши ҳам бирла гусса кўп ютар...—

деб пичирлаётганида, эшикни тақиллатмай, эшагини етаклаганча кириб келаётган йўловчини кўрди-да, таажжубланиб қараб қолди. Кейин қоп-қора сочлари елкасига тушган меҳмонни қиёфасидан дарҳол таниди. Машрабнинг Бухородан қайтаётгани, йўлда бир деҳқоннинг уйида кўноқ бўлгани тўғрисидаги хабар унга аллақачон етган эди.

— Келсинлар, фақирнинг кулбасига ташриф буюрганнингиздин беҳад хурсандмен, э шоҳ Машраб! Ассалому алайкум!— деди Сўфи Оллоёр тасбеҳини чўнтагига солиб, унга яқинлашар экан. Машраб Шодавлатга эшагининг нўхтасини тутқазиб, беқасам тўнли уй эгаси билан қўл бериб кўришди-да, ҳол-аҳвол сўрашди.

Турли ноз-неъматларга тўкин дастурхон устида у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдилар. Бир оздан кейин хизматкор катта товоқларда гўшт ва шўрва келтирди. Машраб «бисмилло» деб, ҳамма гўштни ёғоч қошиқ билан илиб супа тагида кўзларини тўрт қилиб турган Қитмирнинг олдига ташлади-да, ўзи қуруқ шўрвага нон тўғраб ича бошлади. Унинг бу қилиғи мезбоннинг иззат-нафсига қаттиқ тегиб, томоғидан овқат ўтмай қолди. Қўл артилиб, дастурхонга фотиҳа ўқилгандан кейин сафроси қайнаб

турган Сўфи ундан аламини олмоқчи бўлди чоғи, гапни узокдан, валилар кароматидан бошлади:

— Сизга ҳайронмен, қора халққа оқ йўлни кўрсатган азизларни хор қилиб, алардин авомнинг ихлосини қайтармоқчи бўлурсиз. Туркистонда Аҳмад Ясавий, Бухорода хожа Баҳоваддин, Хатирчида Қосим шайхнинг қабри поклари устига миниб, аларни беҳурмат қилибсиз. Бул ҳунук хабарларни эшитиб сиздин ихлосим қайтди.

— Яхши бўлубдур. Кимки ўзи тенги бир бандага ихлос қўйиб, анга сифинса, юзи қаро бўлғай. Сиз номларини тилга олган хожа ва шайхлар ҳамма қатори гуноҳкор бандалар, аларнинг қабрларини энёрат қилиб, фарзанд сўраш, дардларга шифо тилаш динга ҳам, диёнатга ҳам хиёнатдур.

— Ҳеч бўлмаса, сиз билан мендек назм аҳлидин бўлгон Ясавийни риоа қилсангиз бўлур эди...

— Рост, ул кишининг яхши назмлари бор. Қози, муфтиларни ер билан яксон қилгонлар, етимлар бошини сила, деган шеърлари ёдимда. Аммо кўп ғазалларида рўзи маҳшардаги жазо, дўзах азобини тасвир этиб, одамларни даҳшатга солганлар. Орадин неча юз йиллар ўтгач, содда ихлосмандларнинг сағаналарига юзларини суртиб сифинишлари, фарзанд талаб қилишлари ғазабимни келтирди... Ҳофиз ва Навоий каби нафосат бўстонининг булбуллари одамларнинг юрагида ҳақиқатга ошиқлик уйғотиб, ишқ-муҳаббат гулханини ёққанлар, азалий нури ҳақ тушиб турган томонни кўрсатганлар. Афсуски, бизнинг замонда ҳам баъзи шоирлар одамларни Мункар-Накир гурзиси, пулсиротдин ўтиш хавфи билан кўрқитиб, аларнинг мардлигини сўндиришга ҳаракат қиладурлар, бул аҳли назмнинг эмас, мутаассиб муллоларнинг иши...

— Кимнинг шаънига тош отаётганингизни пайқаб турибмен,— деди Сўфи Оллоёр унинг гапини бўлиб.— Шуни билиб қўйсинларки, қора халқни дўзах азоби билан кўрқитиб турмасангиз, рўза тутмай, намоз ўқимай кўядур, бировларнинг молини тортиб олишдан ҳам тоймайдур...

— Назм аҳли одамларнинг юрагига ваҳима солиб, аларни аҳмоқ қилиб қўймасликлари, яхшиликча ҳақиқат йўлига бошлашлари лозим. Афсуски, сиз назм бўстонининг хиёбонларини эмас, муллоларнинг остоналарини кипригичиз билан су-

пуриб келгансиз. Назм жавҳарларини муллоларнинг ипига тизгансиз. Одамларнинг руҳини сўндириб, аларни тирик мурдага айлантормоқчисиз, авомга ҳеч нарса бермай, юракларидаги кўрни олгансиз. Ҳолбуки, юраги совиб қолган киши худони ҳам танимайдур, бандасини ҳам.

— Одамлар бир хил эмас, баъзиларини яхшиликча тўғри йўлга солиб юбормоқ мумкин, аммо қора халқни дўзах олови билан кўрқитмасангиз, орқасига дарра уриб турмасангиз, шариат буйруқларини бажо келтирмайдур.

— Сиздек шоирдин шул гапни эшитганим учун уялиб кетаётирмен. Айиқ таёқ зарбидан ётиб-туришга ўрганиши, «мулло» бўлиши мумкин. Аммо одам ҳайвон эмаски, жазо билан тоат қилишга ўргатсангиз. Шуни билиб қўйсинларки, мен қора халқ ичидан чиққанман. Ота-боболарим бечора бўзчи эдилар. Сиз ҳам тўра эмас, деҳқон ўғлисиз. Худо олдида ҳамма баробар—тўра ҳам, қора ҳам.

— Шул гап оғзимдан чиқиб кетгани учун мени афв этинг. Одам Атонинг ҳамма болалари азиз ва муқаррам. Бирини таги паст деб ерга уриш, бирини асилзода деб кўтариш номаъқул иш...

— Ана, ўзингизга келдингиз,— деди қизишиб кетган Машраб, унинг гапини оғзидан олиб.— Одам нури ҳақнинг бир заррасидур. Мансур Ҳаллож бекорга «Аналҳақ», деб айтмаганлар. Афсуски, уламолар «Аналҳақ»нинг маъносини тушунмай, ани дорға остирдилар...

Рухан ва жисман ўз ҳамсуҳбатидан кучли бўлган Машраб ҳаяжон билан гапирар, кўзлари чақнар эди. Улуғ шоирларнинг асарларини ёд биладиган Оллоёр ҳамсуҳбатининг ҳақ эканини сезиб турарди, шу сабабдан у кўнглини ғаш қилган ҳисни енгиб:

— Рост айтасиз, инсон боласини секин-аста ҳақиқат йўли томон етаклаб, анинг юрагида Бируборга, фақир-фуқарога меҳр-муҳаббат уйғотмоқ лозим,— деди.— Аммо мен амир хизматида юрган маҳалимда мендан кўп гуноҳ ишлар содир бўлган,— деб манглайиға урди.— Тавба собуни билан қора юзимни оқартиришга уриниб, яқомни чок-чок этиб, дод-фигон қилурмен. Қиёматда шарманда бўлиш, дўзахда куйиб азоб чекишдан кўрқадуремен.

— Сиз астойдил тавба қилгон бўлсангиз, гуноҳлардин фориг бўлғайсиз. Ҳақиқат ипига тизган бир неча шеърларингиз учун назм аҳли олдида юзингиз оқ бўлур,— деди Машраб унинг кўзларига тикилиб, кейин ён бармоғи билан ўрта бармоғининг орасини очиб:

— Дикқат билан қаранг,— деди.— Дўзах дарвозаси ланг очик, қотил ва қароқчилар, риёкор зоҳидлар, порахўр қозию муфтиларни муақкиллар судраб дўзахга киритмоқдалар. Мана, сизни ҳам етаклаб келаётирлар. Дарвеш ва девоналар дўзах дарвозасини ёпиб, сизни... орқага қайтариб юбордилар...— у қўлини бир айлантди, ҳамсуҳбатига тикилди.— Энди менга қаранг...

Юзида қўрқув аралаш хурсандлик аломати пайдо бўлган Сўфи Оллоёр бир сесканиб Машрабга қаради-да: — Тавба, кўзимга дўзах олови кўриниб кетгандек бўлди. Назаримда, мени қутқаргай дарвешлар қаторида сиз ҳам бордек эдингиз,— деди кўкрагига туғлаб қўйиб.— Ҳақиқат излаб улуғ мақомга етибсиз. Сизга Хизр назар қилгон.

Машраб индамай мийиғида кулиб қўйди, чунки яқиндагина ёзган исён-корона бир шеърининг қуйидаги икки сатри эсига тушган эди:

Сен агар Хизри наби бўлсанг, ўзингни қўллағил,
Этагимни чангидин юз, минг Хизр пайдо бўлур.

С

АМАРҚАНДАН эллик қақирим жанубга юрсангиз, асфальт йўл Омон-қўтон орқали Тахтиқорача довонига олиб чиқади. Ҳисор ва Зарафшон тизма тоғлари елкасидан ўтган довон-

нинг тарихи кўп қадим. Тахтиқорача довони Афросиёб ва Мовароуннахрнинг пойтахти Самарқандни Урта ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан боғловчи асосий қарвон йўли бўлган. Довоннинг кунгай томонига ўтганингиз ҳамона хушманзара, сўлим Китоб—Шаҳрисабз воҳаси қаршингизда намоён бўлади: ям-яшил гўшалар, офтобда кумушдай товланиб оқаётган Қашқадарё, беҳисоб сойлар, шаффоф осмон ва мулоим ҳаво... Яна Оқсаройнинг хароба пештоқини, Жаҳонгир Мирзо, Кўкғумбаз мақбараларини кўрасиз, сўнгра Қашқадарёнинг сўл соҳилидаги боғ-роғ ва осмонга бўй чўзган куббали улкан ишоотга назарингиз тушади. Ана шу ерда Улуғбек номидаги Китоб халқаро кенглик станцияси жойлашган.


Қаҳқашонга кўз тикиб, сирли юлдузларни инсон манфаатларига хизмат қилдириш йўлида қанча-қанча алломалар риёзат чекмади, дейсиз! Болаликнинг илк қадамини Мовароуннахр тупроғига қўйган, юлдузларни илк бор Мовароуннахр осмонида кўрган неча-неча улуғ зотларимиз бор. Кўна тарих бу ҳақда гоҳ шодмон, гоҳ ғамнок сўзлайди.

Ўзбекистонда астрономия фанининг ривожини бундан минг йиллар аввал бошланган. XI асрда яшаб ижод этган Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино фалакиёт илмининг шаклланиши ва ривож топишига улкан ҳисса қўшдилар. XV асрда Самарқанд Шарқнинг йирик илм-фан ўчоғига айланди. Улуғбекнинг замондошларидан Муҳаммад Ҳавофий, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ал-Қошӣ, Биржандий, Али Қушчи ва бошқалар ўзларининг ақл машъалари билан фанининг қоронғу томонларини ёритдилар.

Буюк ҳайъат олими Мирзо Улуғбек 1424 йилда Самарқанднинг шимоли-шарқий буржида расадхона қурилишини бошлаб юборди. Расадхона қад ростлагач, Улуғбек астрономия ва математика мақталарига асос солди. Расадхона қошидаги бу мактабларга юзлаб илм соҳиблари қатнаб, фан муаммоларини ечиш билан машғул бўлдилар.

Улуғбек мактабининг пешво олимларидан бири Жамшид ал-Қошӣ эди. У Мирзо Улуғбекнинг муаллими бўлиб, расадхонанинг илмий фаолиятини кўп йиллар бошқариб турган. Бу ерда Платон, Аристотель, Евклид, Птолемей, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Насриддин Тусий, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний каби олимларнинг асарлари кенг ўрганилиб, тадқиқот ишлари олиб борилган.

Али Қушчи Улуғбек мактабининг ёш талабаларидан бири эди. У XV аср бошларида Самарқанд вилоятининг тоғли қишлоқларидан бирида (ҳозирги Китоб районининг Қушчи қишлоғида) туғилган деган тахминлар бор. Отаси уйчан ва зукко ўспирини Улуғбек мадрасасига ўқишга берди. Қозизода Румий ва Жамшид ал-Қошӣ каби алломалардан сабоқ олган Али Қушчи тез орада замонасининг етук олимлари сафига қўшилди. Буюк олим Улуғбек Али Қушчининг ўз қаноти остига олди. Расадхона ёш олимнинг сеvimли масканига айланиб қолди. Устози Улуғбек қўл остида расадхонанинг барча илмий ишлари-



«ЎЗБЕКИСТОН» ЮЛДУЗИ

да фаол қатнашди. Ҳақиқат ҳам математика, астрономия, мантиқ ва адабиётга оид кўплаб асарлар ёзди. Бизгача Али Қўшчининг 21 та асари етиб келган.

Алишер Навоийнинг сеvimли устози ва дўсти Абдураҳмон Жомий ҳам астрономия билан қизиқиб шуғулланган. Самарқандга келиб, Қозизода Румий таҳсилдан баҳраманд бўлган Жомий ўша пайтларда Ҳирот мадрасаларида сабоқ бераётган Али Қўшчи ҳузурида имтиҳондан ўтади. Ўз даврининг машҳур ҳайъат олимларидан саналган Али Қўшчи буюк шоирнинг фалакиёт илмидаги заковатини юксак баҳолайди.

Улуғбек вафот этгач, Али Қўшчи Истамбулга кетди. У устозлари Қозизода Румий, Жамшид ал-Қоший ва Улуғбекнинг илмий меросини сақлаб қолди. Бу бебаҳо асарлар аста-секин Урта Шарқ, Яқин Шарқ ва Европага тарқалди.

Темур давлати парчаланиб кетгандан кейин илм-фан узоқ вақт инкирозга юз тутди. Фақат Улуғ Октябр инқилобига бу ўлкада маърифатнинг чинакам гуркираб яшнаши учун имконият яратди. Эндиликда Ўзбекистонда астрономия фани ҳам ривож топмоқда. Республикамызда илм-фан сирларини тадқиқ этаётган кўплаб илмий лабораториялар ишлаб турибди.

Қадимий Самарқанддан етмиш километр жанубда жойлашган Китоб шаҳрида дунёда беш кенглик станциясининг бири ҳисобланган, мамлакатимизда эса ягона Улуғбек номидаги Китоб халқаро кенглик станцияси ярим асрдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бу ернинг осмони мусалффо, самовий жисмларни, саккиз ой давомида кузатиш мумкин. Лангар қишлоғи ҳам иқлим шароитларининг қулайлиги билан жаҳон астрономларининг диққатини тортган. «Яқин келажакда Лангар жаҳон мамлакатлари байроқлари ҳилпирайдиган мекмоннавоз масканга айланади», деб ёзган эди ЎзССР Фанлар академияси Астрономия илмий-текшириш институтининг директори, академик В. Шчеглов.

Ҳақиқатан ҳам, Улуғбек номидаги Китоб халқаро кенглик станцияси планетамизнинг муҳим нуқталаридан биридир. Унинг ташкил топиши, илк фаолияти ўзига хос тарихга эга.

Илм-фанда мураккаб, аммо инсоният учун ғоят муҳим масалалар борки, уларнинг ҳал этилиши борасида барча мамлакат олимларининг ҳамжиҳатлиги зарур. Ер қутбларининг ҳаракати ва географик кенгликларнинг ўзгариши ҳақидаги масалалар ана шулар жумласидандир.

Ер қутбларининг ҳаракати ва географик кенгликларнинг ўзгариши ҳақида аниқ маълумотлар барча фанларнинг ривож учун катта зарурат туғдириб келган. 1895 йили Геофизиклар халқаро уюшмасининг II съездида бу масала муҳокама қилиниб, ер қутбларининг тўрт нуқтасида $39^{\circ} 08'$ кенгликда халқаро кенглик станциялари қуришга қарор қилинди. Улар Мидзусева (Япония), Карлофорте (Италия), Гейтерсбург ва Юкайяда (АҚШ) қурилди. (Америкадаги Цинциннати кенглик станцияси атғи бир неча ой ишлаб, барҳам топган эди. Текширишлар бошлангач, Карлофорте ва Мидзусева станциялари ўртасидаги узоқлик (149 даража 05 минут) кузатиш ишларини олиб боришга ҳалал берди. Бу ораликда яна бир кенглик станцияси қуришга эҳтиёж туғилди.

Геодезистларнинг XII халқаро конференциясида Россия вакили Штубендорф ўз ҳукуматининг Чоржуй шаҳрида ана шундай станция қуришга розилигини билдирди. Буни амалга ошириш 1890 йилдан буён Тошкент обсерваториясида бошчилик қилаётган таникли астроном Дмитрий Данилович Гедеоновга топширилади. Гедеонов станцияни Амударёнинг чап қирғоғидан уч километр бери-роқда қуриб, 1899 йил 10 сентябрдан кузатиш ишларини бошлаб юборади. Кенглик станциясига асбоб-ускуналар ва телескоп Тошкент обсерваториясидан келтирилди.

Вақт ўтган сайин Амударёнинг асов тўлқинлари қирғоқларни емириб, оқим тобора кузатиш марказига яқинлашиб қолган эди. Шунга кўра

фаолияти Китоб шаҳри номи билан чамбарчас боғланган. 1922 йилда Тошкент астрономик обсерваторияси директорлигига тайинланган профессор Михаил Федорович Субботин янги кенглик станцияси қуриш масаласини кўтариб чиқди. Бу станция кўп мунозара ва изланишлардан сўнг жаҳоннинг бошқа кенглик станциялари билан бир чизиқда жойлашган Ўзбекистоннинг Китоб районида барпо этиладиган бўлди. Ёш республика ҳукумати иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан станция қурилишига зарур маблағ ва куч ажратди. Станцияни аввал райондаги Намозгар боғи атрофида қуриш мўлжалланган эди. Бироқ тупроқ қатламнинг зичлиги тўғри келмагани сабабли уни Қашқадарёнинг чап қир-

жада 1937—1939 йиллар ичида икки жилдлик «Улуғбек номидаги Китоб халқаро кенглик станциясининг ахбороти» китоби юзага келди. Л. Шчержецкий ўз кузатувлари асосида кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Станцияда фаннинг кўпгина соҳалари бўйича кузатиш ишлари олиб борилди. Бу ерда меҳнат қилган таникли юлдузшунос олимларимиз А. Нефедьев, М. Стоилов, Д. Кравцов, Г. Агафонов, Г. Ланге ва бошқалар самарали илмий ишларни амалга ошириб, астрономия фанининг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. Кўплаб чет эл ва совет олимлари уларнинг кузатишларига асосланиб, йирик кашфиётлар яратдилар.

Улуғ Ватан уруши йиллари... Немис-фашист босқинчилари Қрим тупроғига ҳам бостириб кирдилар. Совет ҳукумати барча муҳим объекتلари мамлакат ичкарасига кўчирди. Қримдаги Симеиз обсерваторияси ходимларини ўзбек диёри ўз қучоғига олди. Таникли олим Григорий Николаевич Неуймин бошчилигидаги бир гуруҳ астрономлар Китоб халқаро кенглик станциясида ўз фаолиятларини давом эттирдилар.


Узоқ кузатувлардан сўнг Г. Неуймин Қуёш системасидаги фанга ҳали номаълум бўлган янги кичик планетани кашф этди. Олим бу янги юлдузни астрономлар диёри бўлган республикамыз номи билан атади. «Ўзбекистон юлдузи Халқаро каталогга 1351 рақами билан киритилган. «Бу кашфиёт ўзбек халқининг оғир кунларда ҳам бизга кўрсатган оғаларча дўст-қардошлиги ва қайноқ меҳрига тўхтамиздир», деб ёзган эди 1944 йили Г. Неуймин.

Уруш йилларида юлдузшунос олима Е. Шапошникова ҳам шу станцияда ишлаб, бир қанча фан жумбоқларини ечиб берди. Кенглик станцияси оғир кунларда ҳам ўз вазифасини сидқидилдан адо этди.

1970 йил 14—16 октябрь кунларида Улуғбек номидаги Китоб халқаро кенглик станциясида зенит миллиари ёрдамида кузатиш ва координатларнинг инерциал қурилиши масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ илмий анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг таникли астрономлари ва алоқадор ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар. Кўплаб маърузалар тингланди ва муҳокамадан ўтди. Шунингдек, станция фаолиятини янада яхшилаш масаласи ҳам қўриб чиқилди. Пулково обсерваториясидаги мамлакатимизда ягона нускада ишланган фотографик зенит миллини Китоб халқаро кенглик станциясида ўрнатиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Ватанимизнинг кўза кўринган юлдузшунос олимлари қатнашган бу анжуманда кенглик станцияси узлуксиз кузатиш олиб борганининг 40 йиллиги тантанали нишонланди. Анжуманда совет олимларидан — ЎзССР Фанлар академияси Астрономия илмий-текшириш институтининг директори, академик В. Шчеглов, кенглик станцияси директори, физика-математика фанлари кандидати А. Калмиков, чет эл олимларидан С. Юми, М. Миннаерт, З. Копал ва бошқалар халқаро кенглик хизматининг истиқболи ҳақида фахрлилик гапирдилар. Ўша унутилмас кунларда станция боғида «39 даража 08 минут» ёзувли мрамор лавҳа ҳам ўрнатилди.

Ер қутбларининг ҳаракатини ўрга-



Астроном Самандар Эшонқулов телескоп олдида баъзан тунларни бедор ўтказди.

Халқаро Китоб кенглик станцияси инженери Светлана Варавина вақт аниқлигини текшириш учун сигнал қабул қилмоқда.

Э. ҚУЛМУРОДОВ фотолари



1909 йилда кенглик станцияси дарёнинг ўнг қирғоғига кўчирилди. Пулково обсерваториясининг ходими Л. Маткеевич бу ерда 1919 йилга қадар кузатиш ишлари олиб борди. Урта Осиёда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, янги тузумга қарши бош кўтарган душман шайқалари станция фаолиятини хавф остига қолдирдилар. Қимматбаҳо астрономик асбоб-ускуналар босмачилар томонидан яқсон қилиниши турган гап эди. Шу сабабли Туркистон Халқ Комиссарлари Совети станциядаги асбоб-ускуналарни Тошкент обсерваториясига кўчиришга қарор қилди. Чоржуй кенглик станцияси 1919 йил 25 майда ўз фаолиятини тўхтатди. Кенглик станциясининг кейинги

гоғида барпо этишга киришилди. Қурилиш бир неча йил давом этди.

1930 йил 14 ноябрда Китоб халқаро кенглик станцияси мунтазам кузатиш ишларини бошлаб юборди. Бу воқеа жаҳон олимларини беҳад қувонтирди.

Биринчи кузатувларда Германияда тайёрланган фокус оралиғи 1290 миллиметрли, объективи 110 миллиметрли Оскания-Верке зенит телескопи, Ваншафта телескопи, Штрассер-Роде маятник соати, Эриксон хронометри ва оддий метеорология асбобларидан фойдаланилган эди. Кузатишларни олиб борган илмий ходимлардан И. Язев, М. Стоилов, Л. Шчержецкий қийинчиликларга қарамасдан маҳорат билан ишладилар. Нати-

Халқимизнинг буюк фарзанди, гениал мутафаккир Абу Али ибн Сино замонасининг жоҳилларидан озор чекман пайтларидан бирида шундай деб ёзган эди: «Буюк олим бўлиб етишганимда катта шахарлар менга тор бўлиб қолди. Хизматларим эса муносиб баҳоланмади». Аммо аллома вафотидан кейин унинг асарлари мамлакат нетидан мамлакатни забт этиб, жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилиниб, бутун дунё халқларининг мулкига айланиб қолди, азиз номини оламга машҳур бўлди. Биргина мисол. Алломанинг шоҳ асарларидан «Тиб қонунлари» XII асрадаёқ латин тилига таржима этилди. Сўнгра асар латинчадан Европанинг кўп тилларига таржима қилиниб, беш асрдан зиёдроқ давр мобайнида университетларда қўлланма сифатида ўқитилди.

Абу Али ибн Синонинг асарлари XX асрда айниқса шухрат қозонди. 1937 йили улуғ мутафаккир вафотининг 900 йиллиги кенг нишонланди. 50-йилларнинг аввалида эса Жаҳон Тинчлик Кенгаши ой календарини бўйича Ибн Синонинг 1000 йиллигини тантанали нишонлаш ташаббусини кўтариб чиқди. 1950 йилнинг 5 июнида биринчи бўлиб Флоренция шаҳрида ўтган ЮНЕСКОнинг V конференциясида аллома юбилейи нишонланди. Кейинги йилларда эса, Совет Иттифоқи, Ироқ, Польша, Венгрия, Болгария, Чехослования, ГДР, Ҳиндистон, Канада каби мамлакатларда юбилей тадбирлари ўтказилди. Ниҳоят, БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти — ЮНЕСКОнинг 1978 йили Парижда бўлиб ўтган Бош конференцияси Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигини жаҳон миқёсида кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Юбилей йили ҳисобланган 1980 йил мобайнида Совет Иттифоқида, жумладан, Ибн Синонинг ватани — Ўзбекистонда қомусий алломанинг асарлари ва ижодига бағишланган кўплаб китоб, рисолалар нашр этилди. Улуғ олим ҳаётига бағишлаб рассомларимиз асарлар яратдилар. Тошкентдаги Бутуниттифоқ илмининг ва экспериментал хирургия илмий-тадқиқот институти филиалининг биноси олдидаги майдонга Абу Али ибн Синонинг салобатли ҳайкали ўрнатилди. Аллома тугилган Бухорода ҳам шoirга ҳайкал тикланди. Афсона ва Бухорода ёдгорлик музейи, маданият саройи очилди.

Сентябрь ойида юбилей тантаналари бутун мамлакат бўйлаб кенг ўтказилди. Москвадаги Союзлар уйининг

Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллиги



Колонна залнда пойтахт жамоатчилиги ванилларининг буюк мутафаккирининг 1000 йиллик юбилейига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида атоқли партия ва давлат арбоблари, машҳур фан-маданият намояндалари ҳам фаол қатнашдилар. СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академиги П. Федосеев катта нутқ сўзлаб, Абу Али ибн Синонинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси гоёт улкан эканини алоҳида таънидлади. У Ибн Сино яратган фалсафий қарашлар системаси Урта асрларда Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари учунгина эмас, шу билан бирга, Фарб учун ҳам назарий тафаккур тараққиётининг чўққиси бўлди, деб уқтирди.

Мажлисад сўзга чиққан ЮНЕСКО бош директори А. М'Боу, Ибн Сино ўз ижодиёти ва асарларининг аҳамияти туфайли бутун инсониятга мансубдир, деди. Шу улуғ мутафаккир мужассамлаштирган шiorга ҳозир ЮНЕСКО ҳам амал қилмоқда. Бу шiorнинг маъноси шуни, маданиятлар тинчлиги ва дўстлигида, бир-бирини ўзаро маънавий бойитиш вазиятида ривожланган тақдирдагина истиқболли порлоқ бўлади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. Содиқов, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. Осимов, СССР Медицина фанлари академиясининг президенти Н. Блохин алломанинг жаҳон фани, илгор ижтимоий-фалсафий тафаккури ривожига кўрсатган зўр таъсири, медицина соҳасидаги улуғ хизматлари ҳақида гапирдилар.

Гениал ватандошимиз, жаҳон фани ва маданиятининг буюк фидойиси Абу Али ибн Сино бутун ҳаёти, даҳоси ва куч-қудратини бир мақсад — инсон сиҳат-саломатлиги, инсониятнинг бахт-саодати йўлига бағишлади. Буюк мутафаккирнинг ижодий меросини чуқур ўзлаштириш борасида бор куч-гайратни бирлаштириш, жонбозлик кўрсатиш дунё олимларининг муқаддас бурчидир. Бу — инсониятнинг ўз буюк фарзандига тиклайдиган энг яхши ёдгорлиги бўлади.

Гениал аллома Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллиги кенг нишонланган 1980 йилда амалга оширилган ва келажакда амалга оширилажак илмий-ижодий ишлар ана шу ёдгорликни тиклаш борасидаги хайрли қадамлар бўлиши шубҳасиздир.

АҚЛ ТАРОЗУСИ

Ибн Сино яшаб ижод этган давр араб халифалигида нисбатан мустақилликка эришган Урта Осиёдаги дастлабки маҳаллий давлатлар — сомонийлар ҳамда хоразмшоҳлар ҳукмронлиги йилларига тўғри келади. Сомонийлар даврида деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик, халқаро иқтисодий алоқаларнинг авж олиши маданий ҳаётнинг ҳам юксалишига сабаб бўлди.

Сомонийлар салтанатининг маркази Бухоро Мовароуннаҳр, балки бутун Шарқнинг маданият ва маориф ўчоқларидан бири эди. Европада XIV—XV асрлардан бошланган Уйғониш даври Урта Осиё маънавий ҳаётида IX—X асрларда камолга етган эди. Бу даврда Урта Осиёда етишиб чиққан Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Форобий, Ал-Беруний, Ибн Сино каби қомусий билим эгалари материалистик ҳамда атеистик тенденциядаги ҳур фикрлари билан оламга эскича қарашларни буткул ларзага келтирдилар.

Фридрих Энгельс Европа Уйғониш даври даҳолари ҳақида гапириб: «Бу даврда узоқ саёҳатда бўлмаган, ижоднинг бир неча соҳасида ўзини кўрсатмаган, тўрт ёки беш тилда гаплаша олмайдиган бирор кишини учратиш маҳол эди», дейди. Доҳининг бу фикрини Шарқ Уйғониш даври мутафаккирларига нисбатан ҳам қўлаш мумкин. Чунончи, Ибн Сино замонасига маълум барча илм соҳаларида 280 дан ошиқ асар ёзган, бир неча тилни яхши билар эди.

Ибн Сино антик давр табиётшунослиги ҳамда фалсафасининг йирик намояндalари — Гален, Гиппократ, Эвклид, Птолемей, Аристотель асарларини мутулаа қилди. Булар Ибн Синонинг дунёвий билимларни эгаллашида асосий манба эди. Айниқса, Аристотель таълимотига Ибн Сино

алоҳида қизиқиш билан қаради ва ўрта аср фалсафасидаги машайх — перипатетизм, яъни Шарқ аристотелчилик оқими асосчиларидан бирига айланди. Ўз илгор ғояларини ривожлантириш ҳамда илгари суришда Аристотелнинг табиий-илмий таълимотида, унинг ўрта аср Шарқида кенг томир ёйган обрў-эътиборидан фойдаланди. Фақат ўзигача бўлган фан ютуқларини эгаллаш билан чекланиб қолмасдан, балки замонасининг новатор олими сифатида, оламни илмий билишнинг янги, илгор метод ва усулларини тинмай излади.

Буюк мутафаккир инсоннинг табиий имкониятлари — сезгиси, ақли ва бошқа қобилиятларига асосланиб, илмий билишнинг тажриба методини кенг қўллади. У ҳам Беруний сингари, илмий билишнинг асоси ва ҳақиқатнинг ишончли мезони тажриба, деб билди. Тажрибада исботланмаган билимларга шубҳа билдирди. Билишнинг бу йўли ўз даври учун илгор метод бўлиб, моҳиятига кўра, ҳукмрон диний таълимотга зарба берарди. Ибн Сино таълимотида, инсон ташқи олам билан аввало ўз сезгилари орқали боғланади. Ҳиссий билиш нарса ва ҳодисаларни англашдаги дастлабки босқичдир. Унинг ҳиссий билиш ҳақидаги таълимоти ислом фалсафаси — каломга, мутакаллимларга қарши курашда шаклланди ва олға сурилди. Маълумки, мутакаллимлар «Ҳис — янглишиш манбаи» деб, сезгилар берган маълумотларга шубҳа билан қарадилар. Бинобарин, ҳиссий аъзоларнинг маълумотларига ишонмаслик ҳамма вақт дин фойдасига, фанини динга бўйсундиришга хизмат қилиб келган.

Ибн Сино табиий унсурлар ва уларнинг турли хоссаларини сезгиларимизнинг қўзғатувчилари, сезгиларимиз эса ана шу қўзғатувчиларга

боғлиқ, деб тушунтиради. «Ҳар қандай ҳис, — дейди Ибн Сино, — сезиш қувватининг бирор таъсири қабул қилишидан пайдо бўлади. Таъсирининг ёқимли ёхуд ёқимсизлигига қараб, лаззат ёки оғриқ сезилади».

Мутафаккирнинг билиш назариясида сезгилар ҳамда бошқа руҳий жараёнлар мия фаолияти, олий асаб системаси билан боғлиқлиги, ҳиссий билишнинг физиологик асослари илмий аниқ акс этганлиги таниқли совет олимлари С. Рубинштейн ва М. Ярошевский асарларида юксак баҳоланган. Ибн Синонинг психофизиология соҳасидаги хизматларини улар қадимги юнон олими Галендан кейин иккинчи ўринга қўядилар.

Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида сезги ва ҳаракат маркази мияда экани ҳамда мия асаблар орқали барча ҳиссий узувларни бошқариб туришини уқтиради.

Шу тариқа, Ибн Сино фикрича, бош мия ҳам, юрак каби, организмдаги марказий аъзолардан биридир. У сезги ҳамда инсон ақлий фаолиятини бошқариб туради. Улуғ файласуф билиш жараёнини фақат ҳиссий инъикос билан чеклаб қўймасдан, балки нарса ва ҳодисаларни билишни, улар моҳиятини, пайдо бўлиш сабабларини билишга чуқурлаштиришни талаб қилади.

Буюм ва ҳодисаларни ўзаро ички сабабий алоқадорликда кўрган олим «Ҳар қандай нарсанинг пайдо бўлиш сабаби анлангандагина у мукамал ва аниқ билинган бўлади», деб ҳисоблайди. Ҳодисаларнинг ички сабабини, моҳиятини англашда тафаккурнинг маъкеига алоҳида аҳамият беради. Фикрлаш, Ибн Сино таълимотида, фақат инсонгагина хос, уни ҳайвонлардан фарқловчи муҳим фазилатдир. Инсон ҳиссий қувватлари — сезгилари фақат унгагина хос бўлган

ақл кучи билан чамбарчас боғлиқ. Одам ҳиссиёти ҳайвонларникидан аввало шуниси билан фарқ қилади ва гинеологик аҳамият касб этади. «Ибн Синони шак-шубҳасиз Шарқ фалсафий олами материалистик оқимининг кашшофларидан бири, деб айтиш мумкин, — дейди академик В. Терновский «Ибн Сино» китобида. — Аллома ўз ишларида ўсимлик ҳам ҳайвон ва инсон каби жонли организм эканини таъкидлайди. Зеро, у ҳам озикланади, кўпаяди ва ўсади. Аммо ўсимлик табиат тараққиётининг кўйи босқичида, ҳайвонот олами ўрта, инсоният эса энг юқори босқичидадир».

Буюк мутафаккир ақл тўғрисидаги таълимотида, замонасининг диний идеалистик қарашларидан бутунлай озод бўлолмасда, тафаккур жараёнини кўп ҳолларда материалистик тушунтиришга интилади. Чунончи, «Тиб қонунлари» асарида у онг ва барча руҳий жараёнлар мия функцияси экани тўғрисидаги ажойиб материалистик фикрини илгари суради. Шу билан бирга, у, аввал таъкидлаганимиздек, тафаккурнинг гинеологик маъкеига ҳам юксак баҳо берган. Оламни билиш, хусусан, ҳиссий билиш масалалари Ибн Сино билан Шарқнинг яна бир буюк алломаси Беруний ўртасидаги қизгин илмий баҳсларга ҳам сабаб бўлди. Ҳозирги замоннинг машҳур шарқшунослардан Ф. Роузенталнинг «Билим тантанаси» китобида ҳам Ибн Синонинг бу соҳадаги салоҳияти муносиб баҳоланган.

Тафаккурнинг билиш жараёнидаги специфик функцияси, Ибн Сино фикрича, алоҳида, конкрет ҳиссий предметларнинг муҳим томонларини ажратиб олиш, уларни умумлаштиришдан мавҳумлаштиришга ривожлантиришдан иборатдир. Бу эса, ўз навбатида, билишни янада чуқурлаштириш имконини беради.

Шу тариқа, Ибн Сино диний жаҳолотга қарши, билиш жараёнида инсон ақлини улуғлаб, уни барча билимларимизнинг ишончли мезони ҳисоблайди. Унинг таълимотида, «ақл тарозусида тортилмаган ҳар қандай

ИНСОН КАМОЛОТИ

билим аниқ ва ҳақиқий билим эмасдир». Аристотель ва Форобийдан кейин Ибн Сино ўз асарларида ақл билан бирга мантиқни ҳақиқат ҳақидаги, тўғри фикрлаш қонунлари тўғрисидаги фан сифатида кенг таҳлил этади. Аллома фикрича, мантиқ мураккаб билиш жараёнида инсонни турли хатолардан, янглишишлардан сақловчи муҳим воситадир. У мантиқни грамматика билан қиёслайди. Агар грамматика муайян тил қоидаларини ўргатса, мантиқ тафаккур қоидаларини ўргатади. Рус шарқшунос олими А. Семёновнинг (кўп жилдали «Туркестанский сборник» мажмуасининг 449-жилдида) Шайх Абу Саид ҳақидаги монографиясида Ибн Синонинг мантиқ билимдони эканини исботловчи ғоят характерли бир нақл келтирилган. Унда айтилишича, Шайх Абу Саид бир куни Ибн Синони мантиқ бўйича сўроққа туттади. Ибн Сино Шайх берган «Инсон — жонивордир» масаласини силлогизм асосида ечиб, бунда Шайхнинг хатосини ҳам кўрсатиб ўтади. Ибн Сино кетгач, шогирдлари Шайхдан: «Унинг билими қандай экан?», деб сўрайдилар. Шайх кек билан шундай эътироф этади: «Қўлимда ёниқ шам кўтариб, очиқ кўз билан кўрганларимни бу сўқир ҳам ҳассаси билан изимдан тўғри топиб келаётган экан». (Гап шундаки, дин олимлари — шайхлар ўзларини ғойибдан хабардор, вали, яъни кўзи очиқ; арастучилар, яъни аниқ фан билимдонларини эса излаб топувчи сўқирлар, деб қараганлар. — У. КҲ.)

Қомусий олимнинг ташқи оламни илмий билиш ҳақидаги таълимоти ўрта аср Шарқда «ҳаётбахш ҳурфикрлилик» пайдо бўлишида муҳим гносеологик аҳамият касб этади.

Ибн Сино илк ўрта асрдаёқ, диний ҳаёлат ҳукмрон мавқеини эгаллаб турганлигига қарамасдан, жоннинг ўлмаслиги ва унинг кўчиб юриши — танассух тақдир, охират тўғрисидаги мистик таълимотларни шубҳа остига олди. Алломанинг табиий-илмий, фалсафий қарашларидаги ҳурфикрлилик, илмий тафаккурни дин таъсиридан қутқариш, фаннинг мустақил ривожланишини таъминлашда ўз кучини кўрсатди. Унинг бу илмий жасорати кейинчалик ўрта аср араб файласуфи Ибн Рушд (Аверроэс) ва Фарбий Европа аверроэсчиларининг «икки ҳақиқат» тўғрисидаги таълимотларининг яратилишида назарий манба вази фасини ўтади. Мутафаккир ҳақли равишда, инсон билимлари нисбий деб билади. Унинг бу тўғридаги теран фалсафий ўйларини ҳароратли шеърлари ёлқинидан ҳам билиш мумкин.

Ҳеч бир гап қолмади маълум бўлмаган.
Жуда оз сир қолди мафқум бўлмаган.
Билимим ҳақида чуқур ўйласам, Вилдимки, ҳеч нарса маълум бўлмаган.

Урни келганда айтиш керакки, барча соҳаларда бўлгани каби, шеърятда ҳам Умар Хайём Ибн Синони ўз устози деб билган. (Ҳатто у сўнгги нафасида ҳам Ибн Сино асарлари мутолаасига муккасидан кетиб ўтирган кўйи жон таслим қилган.) Умар Хайёмнинг машҳур рубойлари мазмун ва мавзу жиҳатидан Ибн Синонинг юқоридаги каби рубойлари мағзидан ўсиб чиққан.

Ниҳоят, Ибн Сино фикрича, оламни билиш жараёни чексиз ва бениҳоядир. Олам ҳақидаги бор билимлар тугалланмаганидек, ҳали ниҳоясига ҳам етмаган. Борлиқнинг ҳозир номаълум жиҳатлари кейинги авлодлар томонидан ўрганилади. Дарҳақиқат, асримизнинг илмий-техника революциясидаги ҳар бир қадами буюк аллома фикрининг амалий исботидир.

Умар ҚУЛМУРОДОВ,
фалсафа фанлари кандидати

Ибн Сино даврида Ўрта Осиёда ижтимоий-илмий ҳурфикрлилик билан бирга илғор ахлоқий қарашлар ҳам етакчи ўринга чиққан ва улар инсонпарварлик ғояларига йўғрилган эди. Файласуф олим М. Ҳайруллаев таъкидлаганидек, феодализм ривожланаётган ва тараққий этаётган шароитдаги ҳурфикрлилик кўриниши Ўрта Осиёда IX—XV асрларга тўғри келади. Бу давр илм-фан, маърифат ва ахлоқий тараққиёт тарихида Уйғониш даври деб тўғри баҳоланмоқда.

Ана шу Шарқ ренессанс даврининг даҳоларидан бири Абу Али ибн Сино эди. У ўнларча фан соҳасида, шунингдек, ахлоқ ва этикага оид салмоқли мерос қолдирган.

Донишманднинг таъриф беришича, инсон ва унинг ҳатти-ҳаракати, маънавий дунёси этиканинг ўрганиш объектига киради. Шунинг учун ҳам олим этикани «Шахснинг бахтли ҳаёт кечирмоғи ва унга эришмоқ учун қандай ҳулққа эга бўлмоғини ўрганадиган ва ўргатадиган фан», деб баҳолайди. Ибн Сино «Юсуф қиссаси», «Аҳд», «Нафси пок тутти ҳақида», «Бадан тарбияси», «Қариялар ҳақида қисса», «Қушлар рисоласи», «Саломон ва Ибсол» каби ахлоқий қиссалари ва бошқа асарларида инсон ҳулқ-атворининг жамият ҳаётида тутган ўрнини изоҳлайди. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, Ибн Синонинг этикага доир кўп асарлари бизгача етиб келмаган. Бухорода «Саховат ва жиноят ҳақида китоб» асарини яратган. Бу китоб ахлоққа оид бўлиб, уни қўшниси, ўз даврида фикҳ ва тавсиф илми билан шуғулланган Абу Бакр ал-Барқийнинг илтимосига кўра ёзган. Аммо Абу Бакр ҳеч кимга китобдан нусха олиши учун ижозат бермаган, оқибатда бу қимматли манба сақланмаган.

Ибн Сино фалсафа тарихида этика категорияларини биринчи марта жамлаб ўргатган Аристотелнинг илмий меросига танқидий ёндашади, уни янги поғонага кўтаради. У юриштуришда меъёр, қатъият, олий қарашлар, этиқодлар, ҳиссиёт, одатлар, феъл-атвор, ҳатти-ҳаракат, ўзаро муносабат каби муҳим ахлоқий муаммоларни ўз даврининг илғор мафкураси доирасида изоҳлашга интиланган. Унинг ахлоқий масалалар билан жиддий шуғулланганидан далолат берувчи таржимаи ҳолида шундай дейилади: «Мени қуръон ва адаб илмини ўқитадиган муаллимларга топширдилар. Бу пайтда ёшим ўнга тўлган эди; қуръонни ва адабиётга оид китоблардан кўпини ўзлаштириб олган эдим. Ҳатто одамлар менга ажабланидиган ҳам бўлдилар». Ибн Сино, Эвклид, Птолемей, Аристотель, Форобий каби донишмандларнинг фалсафий рисоаларини ўқиб, танқидий ўзлаштирганини айтади. Олимнинг ана шу хислати ҳам Шарқда илмий этиканинг ўзига хос хусусиятларига катта эътибор берганини билдиради.

Ибн Синонинг ахлоқий таълимида биринчи масала инсон камолотидир. «Камолотга эришишдан четланган киши кўрқоқдир», дейди у. Камолот ҳосил қилишнинг асл манбаи — тинимсиз меҳнат. Меҳнат эса чинакам маънавий етукликни, ақл ва ахлоқан баркамолликни, сабр ва иродани талаб қилади. «Ботир одам келажак қийинчиликларидан кўрқмайди», деган фикрни илгари суриб, олим меҳнатни севишга, уни улуғлашга даъват этади. У шахс камолотининг маънавий ва жисмоний жиҳатларини бири-бирига маҳкам боғлайди. «Хулқни пок ва мўътадил тутти саломатлик гаровидир», дейди улғу мутафаккир.

Ибн Сино «Донишнома» асарида буюк салафи Форобийнинг фикрини ривожлантириб, ахлоқни ҳар бир киши учун «ўз-ўзини идора қилиш» илми деб баҳолайди. Хушмуомалалик тўғрисида соғлиқ, руҳ ва кайфиятда ижобий натижаларга эришиш муқаррарлиги, одоб ва мулоимлик билан қилинган муомала, очиқ чеҳра ва ширинсуханлик дўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг замини экани ҳақидаги фикрлар Ибн Сино этикасининг асл моҳиятини ташкил этади.

Олимнинг ахлоқий қарашлари тафаккур тарихида кенг тарқалган (Демокрит, Эпикур, Форобий) гедонизм ва эвдомонизм таълимотларига яқин туради. У инсоннинг ахлоқий тараққиётини тарихан таркиб топган объектив шарт-шароитларга алоқасиз, азалий мавҳум инсон «табиати»га боғлаб, субъектив тарзда тушунтиради. Олим дунёвий ҳузур-ҳаловатга интилишни инсон руҳи ва ахлоқий камолотининг олий босқичи, деб тушунади. Инсон ўз табиатига кўра доимо роҳат ва фароғатга интилади. Эркин ҳаёт йўлида қилинган ҳар қандай ҳатти-ҳаракат реал инсон шахсининг эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқади. Файласуфнинг бундай қарашлари зоҳидликка зид эди.

Ибн Сино яхшилик ва ёмонлик, адолат, бурч, ҳаётнинг маъноси, ҳақиқат каби муҳим ахлоқий категориялар узвий ўзаро алоқадорликда намоён бўлишини пайқай олди. Лекин замонасидаги нобоб муҳитни, ҳақсизлик ва жабр-ситамни одамлардаги билим ва тарбиянинг ночорлигидан деб билди. Файласуфнинг фикрича, яхшилик доноликда, донолик эса олам ҳодисаларини билиш орқали қўлга киритилади. Билим инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир.

Буюк инсонпарвар олим ҳукмдорларни ҳам билимга чорлайди, қонунсизликка қарши муросасиз бўлишга, халқнинг талабларига қулоқ солишга, адолатли иш юритишга чақиради. Унинг фикрича, ҳукмдор халқ оммасини адолатга бошлайдиган ахлоқий қонунлар ва одатларга суяниши керак. Адолат инсон ҳатти-ҳаракатининг энг яхши безағидир. Инсон жамиятдан ташқарида яшай олмайди, жамиятда меҳнат тақсимоти, умуман ўзаро муносабат йўлга қўйилиши зарур. Бу муносабатлар адолат талабларига мос бўлиши лозим. Ҳукмдор фанни севсин, ақли ва адолатли бўлсин. Агар ҳукмдор адолатсиз бўлса, «жамият унга қарши курашни мақбул ҳисоблайди». Шунинг учун ҳам Ибн Сино «Қушлар рисоласи» асарида одил подшо образини яратган.

Одам оламдаги мавжудотлар ичида энг буюк зот. Шу сабабли мутафаккир одамлар ўз номига муносиб бўлишларини истаydi. «Ҳайвон хунук иш қилса, бунга ажабланиш не ҳожат, аммо инсон вужуди ақл билан мунаввар бўлатуриб, инсонлигини йўқотса, виждонидан кечса, ана бунга ажабланса арзийди».

Унинг замон зулмларидан тортган кулфатлари баъзан тушкун фикрлар ҳам пайдо қилади. «Қуш рисоласи»да шундай бир мажоз бор: қушлар тўрға тушиб қолади. Ҳаммалари биргалашиб осмонга кўтариладилар, тоғу саҳролар ошиб, адолатли подшо қошига етиб келадилар ва қушларни озод қилишини сўрайдилар. Подшо юборган халоскор эса ўлим фариштаси бўлиб чиқади.

Баъзан, Ибн Сино назарида одам

жуда ожиз, мақсадсиз яшаётгандек туюлади:

Эй кошки, билолсам — мен қандай инсон,
Оламда не излаб бунча саргардон?

Аммо бу фикрлар Ибн Сино қарашларида айрим элементлардир холос. У ақл қудратига, яхшиликнинг муқаррар тантанасига ишонган буюк мутафаккирдир. Ибн Сино ҳар бир орзу, интилиш, меҳнат бекорга кетмай, давр хазинасида қолишини, зарурият тақозо этса ҳақиқат, тўғри йўл юзага чиқишини эътироф этади.

Ибн Сино бахт категорияси билан бирга эстетик тушунча — муҳаббат ҳақида ҳам қимматли мушоҳадаларни баён этади. «Ишқ рисоласи» ҳақиқий инсоний муҳаббат концепциясини илгари суради. Ишқ-муҳаббат табиат ва жамиятдаги барча ҳаракатларнинг мезони. Кишини гўзал ва меҳр-оқибатли қилувчи юксак ҳис-туйғу — инсоний муҳаббатдир. Инсоний севгига эга бўлмаган киши ҳеч қандай мақсад ва хоҳишларини амалга ошира олмайди. Кишида севги ҳисси туғён урмаса, у инсонпарвар шахс даражасига кўтарилолмайди. Лекин мутафаккир онгли, ақлга мувофиқ келадиган адолатли ишқ-муҳаббатнигина яхшилик манбаи деб билади. Кейинчалик бу таълимот немис классик фалсафасининг вакили Л. Фейербах қарашларида ҳам ўз изини қолдирди. Ф. Энгельс жуда тўғри айтганидек: «Муҳаббат Фейербах назарида, амалий ҳаётнинг барча қийинчиликларидан қутқарадиган, ҳамма вақт мўъжизакор бир нарса...» бўлиб кўринади.

Ибн Сино «Севги қиссаси»да ҳам умуминсоний ахлоққа мос келадиган муҳаббат ҳаммага бахт ато қилишини баён этган. Шубҳасиз, дадил, тиниқ, бақувват, инсонпарварлик руҳи билан сўғорилган илғор фикрларини очиқ-ойдин айтиш унинг учун газнавийлар ҳукмронлиги даврида жуда мушкул бўлган. Синфий зиддиятлар, ўзаро курашлар ва олчоқлик авж олган шароитда Ибн Синонинг бадиий жиҳатдан ўзига хос шакл қидириб, мажозий жанрларга мурожаат этганининг боиси ана шундадир.

Ибн Сино ахлоқий қарашларининг камчилиги шундаки, у инсон тарбиясини жамиятнинг моддий ва иқтисодий асосидан изламади, балки мутлақ ғоялардан қидирди. Бунинг бош сабаби ўз-ўзидан маълум: мазкур синфий жамиятда мавҳум метафизик қарашлар ва диний догмалар ҳукмрон эди. Шунга қарамай, Ибн Сино жамият ва шахс масаласида анча илғор фикрларни илгари суради. Донишманднинг ҳур фикри ва ҳаётбахш ғоялари ўзидан кейинги Фарб ва Шарқ олимларининг деярли барчасига самарали таъсир кўрсатди.

Буюк бобокалонимиз Ибн Синонинг бой илмий меросини барча халқлар зўр қизиқиш ва муҳаббат билан ўрганмоқдалар. Сўнгги вақтларда айрим буюк шахсларнинг номи билан аталган қомуслар яратиш аънаанага айланмоқда. СССРда Пушкин энциклопедияси, Лермонтов энциклопедияси ва Шевченко энциклопедияси яратиш ишлари ниҳоясига етиб қолди. Инсон тафаккурининг ҳамма соҳаларида қомусий билимларни эгаллаган Абу Али ибн Синога бағишланган махсус «Ибн Сино қомуси»ни яратиш ва нашр эттириш вази фасини кун тартибига қўйиш ва шу асосда маълум ташкилий ишларни бошлаб юбориш айна муддао бўлур эди.

Яҳё ШЕРМУҲАМЕДОВ

ниш халқаро программа бўйича линзали телескоплар воситасида амалга оширилди эди. Бу оптик механизмларнинг пухталиги, аниқлик даражаси талабга жавоб бермас эди. Олимлар бунинг ҳам имконини топдилар. 1967 йилда Халқаро астрономия уюшмасининг Парижда ўтказилган съездида барча кенглик станцияларини фотографик зенит миллири билан таъминлаш ҳақида таклиф киритилди. Таклифни Халқаро геодезия ва геофизика иттифоқи ҳам қўллаб-қувватлади.

Ана шундай зенит мил, юқорида айтиб ўтганимиздек, фақат Пулково обсерваториясида бор эди. У Давлат оптика механизмлари заводда тайёрланиб, астроном В. Наумов томонидан мукамаллаштирилган. Ленинграднинг оқ тунлари юлдуз оламини кузатишда бу асбобдан самарали фойдаланишни мушкуллаштириб турарди. Париж съездининг қароридан сўнг СССР Фанлар академияси шу фотографик зенит миллини Китоб халқаро кенглик станциясида ўрнатиш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Дунёдаги бошқа кенглик станциялари ҳам худди шундай асбоб билан таъминланган, фаннинг кўп соҳалари тез ривож топиши учун қўлайлик туғилди.

Шу йил Китоб халқаро кенглик станциясида катта қурилиш ишлари олиб борилди. Ёз фасли давомида телескоплар учун иқлими қишда ҳам, ёзда ҳам мўтадил сақланадиган махсус иншоотлар барпо этилди. Ленинграддан кўчириб келтирилган фотографик зенит мил ва кўш астрограф махсус биноларда ўрнатилди. Янги телескоп объектининг диаметри 250, фокус оралиғи эса 4000 миллиметр дур. Ҳозир ФЭТда В. Наумов бошчилигидаги бир гуруҳ илмий ходимлар кузатиш ишларини олиб бормоқдалар. Биргина шу асбоб билан ўн тўрт киши машғул.

Айни кунларда станция лабораторияларида иш қизғин. Юлдузшуносларнинг қўли қўлига тегмайди. Янги асбоб-ускуналарни жануб иқлимга мослаш, тунги кузатувларни хулосалаш, бюллетенлар тузиш улардан катта ғайрат ва масъулият талаб қилади. Бу борада тажрибали олимлар қаторида ёш илмий ходимлар ҳам фаол ишламоқдалар.

Самандар Эшонқулов, Бердимурод Маҳматғозиев, Исом Фаттоев — уюшмани ҳам асли китоблик. Мана, етти-саккиз йилдирки, бу ёш астрономлар тунларни тонглаб улаб, юлдуз олами билан сирлашадилар. Осмон жисмларининг ҳаракатини ўрганиб, Ер қутбларининг силжишини беҳато айтиб берадилар. Коллективда ёш астрономларнинг сафи кенгаймоқда. Улар устозлар билан бир сафда туриб, фан йўлида фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Кенгаш кўни Александр Михайлович Калмиков билан суҳбатлашиб, ундан кўпгина нарсаларни билиб олиш истаги туғилди. Александр Михайлович менинг қўлимга мўтабар меҳмонларнинг дастхати битилган қалин китобни берди. Мен ундан станцияга ташриф буюрган қаҳрамон космонавтларимиз В. Севастьянов, В. Жонбеков, Г. Титов ва бошқа кўпгина машҳур кишиларнинг қалб сўзларини тўлқинланиб ўқидим.

Директор кенглик станциясининг шу кунлардаги фаолияти ҳақида тўлқинланиб сўзлайди.

— 1965 йилдан халқаро кенглик станциялари янги программа асосида иш бошлади. Бу — ҳисоб бўйича олтинчи программа. Шундан буён тунда икки марта эмас, балки уч мартадан илмий кузатиш ишлари олиб бормоқдамиз. Мамлакатимизда ясалган ЗТЛ-180 ва ФЭТ телескоплари ҳамда бошқа махсус асбоблар кузатиш ишларини сифатли олиб боришимизни таъминламоқда. Яқинда

Халқаро астрономлар уюшмасининг X ассамблеясида коллективимизнинг фаолияти юқори баҳоланди. Станцияимизнинг иш кўлами кенг. Биз ҳозиргача 110 мингдан ортиқ жуфт юлдузларнинг ҳаракатини кузатдик. Илмий кузатишлар натижасида жамғарилган маълумотлар хулосаларини Японияга, профессор С. Юми бошчилигидаги Кенглик станциялари бош бюросига мунтазам равишда жўнатиб турибмиз. Жаҳоннинг қолган тўртта станцияси ҳам шундай қилади. Олинган маълумотлар ишлаб чиқилиб, хулосалар барча мамлакатларнинг тегишли ташкилотларига жўнатилади. Биз ҳам ҳар ҳафта барча кенглик станцияларидан кузатиш натижалари изоҳланган махсус ахборот ва бюллетенлар олиб тураемиз. Шунинг ҳам айтиш керакки, осмон жисмларининг ҳаракатини жуда катта аниқликда ўрганиш натижалари вақтнинг мукамал ва хатосиз белгилашни таъминлайди. Кибернетика ва космик асримизда секунднинг қандайдир бир бўлагининг қадри улкан. Шу сабабли биз ҳар ҳафтада бир марта Франциянинг Париж шаҳридаги Халқаро вақт бюросига зарур маълумотларни йўллаймиз. Осмон жисмларининг ҳаракати ва Ер қутбларининг тебранишини кузатиш, сўзсиз, буюк мақсадларга хизмат қилади.

— Ер қутблари нима учун тебранади?

— Сабаби кўп, — дейди олим. — Аввало, фаслларнинг ўзгариши қутбларнинг силжишига сабаб бўлади. Фараз қилинг: Ер куррасининг шимолӣ қисмида (биз яшаб турган қисмида) ёз фасли бўлсин. Қиш фасли ҳукмрон қисмида эса қор ва ёмғир ёғади. Натижада шу қисмининг массаси ошади. Бу эса Ер ўқининг бир томонга оғишига, яъни қутбларнинг силжишига сабаб бўлади. Атмосферада содир бўладиган ҳаво оқимларининг катта тезликда йўналиши, айсбергларнинг кўчиши, zilzila ва вулқонлар, қуёшнинг даврий ҳаракатлари, Ойнинг Ерга тортилиш кучи каби ҳодисалар ҳам Ер қутбларини силжитади.

— Фотографик зенит миллининг афзалликлари нимада?

— Афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида энг хира осмон жисмларининг ҳаракатини ҳам тўла-тўқис кузатиш мумкин. Бу янги қурилма ўта сезгир. Ҳатто одамнинг тафти, ҳароратини «қўқирмайди». Шунинг учун ҳам бу телескоп узоқ масофадан туриб бошқарилади.

— Станция коллективининг келгуси режалари қандай?

— Режалар кўп. Ўзингиз биласиз, станциямиз Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия илмий-текшириш институтининг филиали ҳисобланади. Яқин орада фаннинг геодезия, геофизика ва астрофизика соҳалари бўйича ҳам илмий-тадқиқот ишларини бошлаб юборамиз. Халқаро кенглик станциямиз тез орада алоҳида илмий-текшириш институтига айланади, унинг аҳамияти яна ҳам ортади.

Юлдузшунос олим билан хайрлашиб, боғдан чиқдим. Ойнинг кумуш нурига беланиб оқётган Қашқадарёга тикиламан. Ер шарининг 39° 08' кенглигида турганлигимни, шу йўналиш бўйлаб жойлашган жаҳондаги бешта кенглик станциясининг иш олиб бораётганини ўйлайман. Планетанинг муҳим нуқталаридан бири — Китобда амалга оширилаётган тадқиқотларнинг инсоният учун нечоғлик аҳамиятини ўзимча чўтлайман.

Дарё томондан эсаётган шабада димоғимга гулларнинг муаттар бўйини, тупроқ ва пахта ҳидини келтириб уради. Беҳтиёр шоир Абдулла Ориповнинг «Кенглик нуқтаси» шеъри хотирамга келади:

Бор бўл, тафаккурга ёр бўлган

диёр...
Қўлингда тап-тайёр ҳадди ҳисоб бу,
Ҳадди ҳисоб берган шаҳри Китоб бу!

Акрамжон АМИНОВ

МУКОФОТ МУБОРАК БЎЛСИН!



Омон
ЖОРҚИНБОВ




Уткир
ҚОШИМОВ



Нажмиддин
КОМИЛОВ



Отаёр
НАХАНОВ



Павел Данилович
ВОРОНКИН

Журнал редколлегияси «Гулистон»нинг 1980 йилги мукофотларини авторларимиздан ёзувчи Омон Жорқинбоев, ёзувчи Уткир Қошимов, адабиётшунос Нажмиддин Комилов, ёзувчи Отаёр Наҳанов ва расом Павел Данилович Воронкин ўртоқларга беришга қарор қилди.

Омон Жорқинбоев «Портрет» ҳикояси (1-сон), Уткир Қошимов «Дунёнинг ишлари» воқеий ҳикоялар туркуми (10-сон), Нажмиддин Комилов «Иби Сино ва Данте» тадқиқоти (8-сон), Отаёр Наҳанов «Мен қуёшни кўргали келдим» эссеси (11-сон) ва Павел Данилович Воронкин Абу Алл ибн Сино портретлари (8-сон) учун мукофотландилар.

Мукофот муборак бўлсин, азиз ўртоқлар! Ижодий ишларингизда сизларга янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.



СССР спорт мастери
М. МУХИДДИНОВ
тахрири остида

Ларсен шундай ўйнайди...

Гроссмейстер Бент Ларсен жаҳоннинг кучли шахматчиларидан ҳисобланади. Унинг ўйинлари қўтилмаган фикрларга бойлиги, теранлиги билан ажралиб туради. Собиқ жаҳон чемпиони Михаил Ботвинник Дания гроссмейстерини Роберт Фишер билан муқояса қилар экан: «Агар шахматчини унинг ижодий кифёсига кўра

баҳолайдиган бўлсак, шахсан мен Ларсенни қизиқарлироқ, жозибалироқ, деб биламан. У ўзигача учрамаган ўйинни ўйлаб топа олади», деб таъкидлайди. Афсуски, Ларсен мурраккаб ва тугилмаган ўйинга интилиб, баъзан дебютдаёқ ҳаддан ташқари қалтис юришлар қилади ва шунга кўра «адабини ейди». Лекин 1970 йили Луганода Л. Кавалек (АҚШ) билан бўлган учрашувидаги ўйини чинакамга гўзал ва терандир:

Б. Ларсен (оқлар)— Л. Кавалек (қоралар):

1. b3 c5. Cd2 Kc6 3. c4 e5 4. g3 d6 5. Cg2 Kge7 6. e3 g6.

Кавалек инглизча ўйин бошига ҳос маълум позицияни ҳосил қилишга интилмақда. 6. ...d5 юриши эътиборга молик эди.

Ҳозир оқлар қуйидагича ўйнасалар, балки юришларнинг энг тўғри тартибини сақлаган бўлар эдилар: 7. Kc3 Cg7 8. d3 (чунки 8... Ce6 юришига 9. Kd5 тарзида жавоб бериш мумкин).

7. Ke2 Cg7 8. Kbc3 o—o.

Яхшиси 8. ...Ce6 (9. Kd5? C:d5 10. cd Kb4).

9. d3 Ce6 10. Kd5 Фd7.

Эҳтимолки, 10. ...Lb8 маъқул эди.

11. h4 f5.

11. ...h5 тарзида ўйналса, тўғри бўларди. Кавалек кейинги юришини ўзининг энг катта хатоси деб ҳисобламақда.

Бу ерда 12. ...Lab8 тарзида ўйнаган маъқул эди.

13. h5 b5 14. hg hg 15. Kc3 bc 16. dc e4.

Қоралар e5 ва d3га интилаётганлари кўриниб турибди. Лекин энди қора шохга қаратилган таҳдид d6 даги пиёдага ҳужум билан қўшилиб кетди.

17. o—o—o Ke5 18. Kf4 Ld8.


Қурбон қилинган фарзин рад этилди! Лекин ўйин 18. ...g5 19. K:e6 Kd3+ 20. Ф:d3 ed 21. K:g7 тартибида давом этса, оқлар ғалабани таъминлайдиган даражада зўр позицияни ишғол қиларди, масалан: 21. ...Kp:g7 22. Kd5+ Kpg6 23. Cf3!!

19. Kpb1 Cf7.

Кавалек 16 минут ўйлагандан кейин (қораларнинг 12 минут вақти қолган эди холос) оқларнинг ҳужумини осонлаштирадиган юриш қилди.

19. ...C:c4 юришини ҳам ўйлаб кўрди, лекин 20. bc K:c4 21. Фe2 дан кейин қораларга ҳеч вақо қолмайди.

Бу ёмон позицияда энг яхши юриш, эҳтимолки, 19. ...a6 эди, у ҳеч бўлмаганда, Kb5 нинг олдини оларди.



a b c d e f g h

20. g4! K:g4 21. f3 e4 22. C:f3 Ke5 23. Фh2 C:c4! 24. bc K:f3 25. Фh7+ Kp7 26. Kcd5 Lg8 27. K:e7 Lb8.

Сўнги уриниш. Оқлар ютуқни таъминлайдиган икки юришга— 28. Kpa1 ва 28. Kpc1 га эга.

28. Kpa1 Ф:e7 29. Ф:g6+ Kp8.

30. Ke6+ Ф:e6 31. C:g7+ Kpe7 32. Cf8+! L:f8 33. Lh7+. Қоралар таслим бўлди.

Республикамызда уюштирилган кўпгина кўргазмаларнинг иштирокчиси, кандакор рассом Омон Азизов моҳир санъаткор усталаримиздан бири бўлиб қолди. Унинг асарлари даврнинг воқеалари, муаммолари ёки инсон характери тадқиқидан иборатдир. Санъаткорнинг деярли ҳар бир иши бадий мукамаллиги билан эътиборга молик.

Омон Азизовнинг асарлари авторнинг мустақил бадий мушоҳадасидан, инсон ички дунёсини чуқур ўрганаётган навқирон устанинг камолотидан дарак беради.

ЕТУКЛИК БЕЛГИЛАРИ

Кандакор рассомнинг сўнги ишлари билан танишган киши унинг санъатда ўзига хос услуб, янги йўллар қидираётганига ишонч ҳосил қилади.

У мисга нақш беришда ҳеч бир қийинчиликсиз хилма-хил тасвирий усулларни қўллаш олади. Автор кўпинча муҳим характерлар ёки факт-

ларни таъкидлаш мақсадида давомли воқеабанд «полотнолар» яратади.

Омон Азизов композициялари энг аввало ўта нафис ишланганлиги билан ажралиб туради.

Кандакор рассом ҳозир айна ижодий куч-қувватга тўлган ёшда. У бундан кейин ҳам кандакорликда турли жанрларга қўл уради, ижодда хилма-хил усуллардан фойдаланиб, муҳим мавзуларда асарлар яратади, санъаткор сифатида ҳаммиша давр билан бирга одимлайди, деб умид билдирамиз.

С. РАҲМАТОВ

Американинг Сомервилл шаҳрида яшовчи спортсмен Эжен Виконс узоқ вақтгача ўзига рақиб қидирди. У японча курашнинг наратэ тури бўйича шуғулланарди. Ниҳоят, унга элктрон техника қўл келиб, робот ясашга киришди. Кўнрақ қафасига энгил зарба тушганда робот муштлашишга шайланиб, дарҳол устма-уст зарба бера бошлайди. Спортчи унинг олдиндан мўлжаллаб қўйилган жойига мушт туширигандан кейингина робот «таслим» бўлади.

топилди. Бу китобни доимо Қуръоннинг арабча тафсири деб ҳисоблардилар. Унинг ҳақиқий мазмунини Рим университетининг профессори Анжелло Писмонтезе аниқлади.

ГДРдаги Мартин Лютер номли университетнинг биология факультети ноёб коллекциясида 20 минг қуш тухуми сақланади. Улардан энг йиринги — аллақачон қирилиб битган мадагаскар туюқшунинг тухумидир. Унинг ҳажми 148 товуқ тухумига тенг келади. Коллекциядаги энг кичик тухум — куба яшил колянбрисиники. У ҳозир сиз ўқийётган шу тенстадаги оҳарфидан катта эмас.

Данияда сотувга қалбаки сигареталар чиқарилди. Қутиси ҳам, сигареталарнинг ўзи ҳам таъмон одатдагисига ўхшайди. Лекин уларга тамаки ўрнига ментол шимдирилган махсус пахта жойланган. Қутига эса «Чеманг!», деб ёзилган. Янги сигареталар чекишни ташлашни истаганларга ёрдам беради, деб ҳисоблайдилар. Чемангиданлар эса уни ўз дўстлари — ашаддий кашандаларга саховат билан улашадилар.

Бош оғригига қарши дори энг аввал қачон пайдо бўлгани маълум эмас. Лекин Кениядаги кикуйю қабиласи бу на-

саллинка қарши энг қадимий ва аломат бир воситадан ҳамон фойдаланиб келади. Уларнинг ақидасига кўра, мия оғригидан фориғ бўлиш учун улкан тошбақанинг косаси устида ярим соат ўтирилса кифоямиш: бемор шан-шубҳасиз тузалиб кетармиш. Шунинг учун ҳатто Найробидаги замонвий Науру касалхонасида ҳам Донтор лақабли тошбақа сақлана-



ди. Қабул соатларида миқозларга қулайлик туғдириш учун муолажа ўтказиладиган жойда тошбақа махсус устунга боғлаб қўйилади. «Доктор» шу қадар машҳурки, унга беморлар олдиндан навбатга ёзиладилар.

Франция, ГФР ва АҚШнинг баъзи бир цирклари программасида сўнги вақтларда ўргатилган йўлбарслар, арслонлар, филларгина эмас, бақалар ўйини ҳам кўрсатиламоқда. Фарбий Германиядаги цирклардан бирида гимнаст-бақалар группаси моҳирона санрайдилар ва арғимчоқда турли машқларни ижро этадилар.

Бош редактор Асқад МУХТОР
Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Нармон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РҲЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Самд ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Исламдин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор А. САНДУМАРОВ


Корректор Н. ИУЛДОШЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; маъсул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 20.10. 80й. Восишга рухсат этилди 27.11.80й. Р—03385. Қоғоз 70×108¹/₈. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ Нашр ҳисоб тобоғи 7.80 Тиражи 267520. Бузуртма 4206. Нашр А — 109.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

НОШУКУР



КРОССВОРД

Энига: 1. Р. Жованьоли асари. 9. Афсонавий от. 10. Ҳамроҳ. 11. Область. 12. Безак. 14. Тез ўт олувчи органик модда. 20. Нухса. 21. Ҳажвий асар. 22. Маъдан. 23. Жонивор. 24. Район. 26. Тақинчоқ. 27. Ҳаёт учун зарур модда. 28. Ёнувчи газ. 29. Рўзгор буюми. 32. Қишлоқ хўжалик техникаси. 36. Халқ достони. 37. Ҳимоя воситаси. 38. Кавказда яшовчи миллат. 39. Денгиз ҳайвони.

Бўнига: 2. Европадаги давлат. 3. Рус композитори. 4. Аёл исми. 5. Юлдуз туркуми. 6. Европадаги ярим орол. 7. Самовий жисм. 8. Қувват. 13. Қозоғистондаги кон. 15. Санаторий. 16. Афғонистондаги текислик. 17. Совет қутб тадқиқотчиси. 18. Қотишма металл. 19. Талаба. 25. Расм. 30. Республика пойтахти. 31. Миллий музика асбоби. 32. Ишлаб чиқариш тармоғи. 33. Парча. 34. Ҳунарманд асбоби. 35. Кашфиёт.

Қува.

Тузувчи **А. АБРОРОВ**

11-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 4. Аргумоқ. 6. Арслонбоб. 8. Буга. 10. Квас. 11. Саванна. 13. Кошице. 14. Солиҳа. 15. Мопассан. 18. Саркарда. 20. «Возиргон». 23. Теодолит. 27. Ладога. 28. Иридий. 29. Франция. 32. Хола. 33. Айил. 34. Босмаҳона. 35. Мотобол.

Бўнига: 1. Фреска. 2. Муболага. 3. Вогбон. 5. Бухоро. 7. Фарҳод. 9. Ариза. 10. Кулба. 11. Сейсмограф. 12. Астрономия. 16. Пийёз. 17. Неон. 18. Савт. 19. Риал. 21. Олатов. 22. Ирода. 24. Одина. 25. Исириқ. 26. Кандакор. 30. Рассом. 31. Изотоп.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Тошкент область Ғалаба райони меҳнаткашлари республикада биринчилардан бўлиб беш йиллик топшириқни, яқунловчи йил плани ва мажбуриятини шараф билан бажардилар, ҳосилдорликни гектарига 36 центнерга етказдилар. Ялпи ҳосилнинг 98 процентини механизмлар ёрдамида йиғиб-териб олдилар. Суратларда: 1. ЎзССР 5 йиллиги номидаги пахта заводида йигирма етти йилдан буён фидокорона меҳнат қилаётган ишчи, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери **Абдурашид Пардаев**, 2. Завод ишчилари, съезд олди мусобақаси илғорлари **Нури Камолов**, **Ўжамберди Мингбоев**, **Ризо Тоҳиров** ва **Бинали Мамадов**, 3. ЎзССР 5 йиллиги номидаги совхознинг меҳнат ветеранлари, ёш пахтакорларнинг меҳрибон устозлари **Ўжамхон Аҳмедов**, **Одилжон Маллабоев** ва **Ҳамид Сайдматов**, 4. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Қизлархон Дўстмухамедова** район пахтакорларини республика санъаткорлари номидан табрикламоқда.

А. ЖДАНОВ фотолари

Тўртинчи бет: Кандакор рассом Омон Азизов ишларидан намуналар. (31-бетдаги «Етуклик белгилари» мақоласини ўқинг.)

Мен ҳам кўпчилик бўйдоқ, чала бўйдоқ йигитларга ўшаб шўхроқман. Шу денг, чиройли қизларни кўрсам, гап отмай ўтолмайман. Лекин доим салбий жавоб олганим ёмон-да. Мана, ҳозир ҳам биттасидан «ширингина» гап эшитиб келяпман. Вой, ношукур-эй! Мен унга бор-йўғи: «Юринг, бирга айланамиз, сиз ҳам менга ўшаб ёлғиз экансиз», десам: «Ҳа, жуда кўзим учиб турган эди ўзи! Бирга сайр қиладиган одамни тополмай доғда эдим!», деб шунақа кесатдики, аламимдан тарс ёрилиб кетаёздим.

Қаранг-а, ўзида ҳусн деган нарсдан зиғирча бўлса ҳам кошки эди! Кечаси пасткамроқ жойда кўриб қолсангиз, лабингизга учуқ тошади. Ҳе, нозингдан ўргилдим! Биров, юр, дегандан кейин ношукурчилик қилмай эргашиб кетавермайсанми!..

Шу, қизларга ҳайронсан. Менинча, ҳамма одам бир хил яратилган. Лекин нима учун биз — йигитлар қизларга яқинлашишни истаймиз-у, улар ўзларини биздан олиб қочади? Мана, масалан, бояги қиз мен билан кинога борақолса бирор ери камайиб қолармиди? Қайтага дили яйраб, кайфи чоғ бўлади-ку. Умуман, тушуна олмай қолдим-да, нима учун қизлар йигитлардан ўзларини тортиб юришаркин?

Шу хаёллар билан борар эканман, сал нарида таманно билан қадам ташлаб кетаётган яна бир қизга кўзим тушди. Шўхлигим тутди. Одимимни тезлатиб, унга етиб олдим. Аммо лекин қадди-қомати жуда келишган экан! Унга бошдан-оёқ разм солганимдан кейин, одатим бўйича, қаршисига ўтдим.



Расми **Н. ИБРОҲИМОВ** чизган

— Салом... Мени танимаяпсиз шекилли? Ахир ҳо-о, ҳалиги... нимада учрашган эдик-ку!..— дедим бакрайиб туриб.

Қиз ҳайратдан қуюқ киприкларини пирпиратганча таққа тўхтади. Шахло кўзлари катта очилиб, кўкси бир-икки кўтарилиб тушди. Мен аччиқ сўз ништарининг кўксимга ғарчча санчилишини кутиб турибман. Бироқ... бироқ тўсатдан, сувга бўёқ томгандай қизнинг юзига майин табассум ёйила бошлади.

— Ҳа-ҳа, эсладим!— деб хитоб қилди у қувноқлик билан.— Ҳалиги нималар яхши юришибдимиз? Ушанда роса отамлашган эдик-да. Айниқса, ҳалиги насага кулгим қистайди.

Мен эсанкираб қолдим. Тавба, бу ёғи комедия бўлди-ку! Аслида уни ҳеч қачон, ҳеч қаерда кўрмаганман. Лекин ҳозир буни айтиб бўлармиди!

— Шунақа тасодифан учрашиб қолмасак ҳам...— дедим тилим зўрға айланаб.

Қиз чуқур хўрсинди.
— Сизни учратганимдан шунақа хурсандманки, юрагим тошиб кетяпти. Бир кўрганимдаёқ қалбимга ўрнашиб қолган экансиз. Вой, сизни ўйлаб чеккан азобларим!.. Ушандан бери қанча вақт ўтди!

Ия, бу ёғи ғалати бўлди-ку! Нима деб жавоб бераман энди?

— Бир йилча бўлди-ёв чамамда,— дедим мингиллаб.

— Қаранг-а, би-ир йил ҳазилакам гапми! Ниҳоят, дийдорингизни кўрадиган кун ҳам бор экан-а! Юринг, кетдик,— дея қиз қўлини шапиллатиб елкамга ташлади. Мен довдираб қолдим, жунжиккандай елкамни қисдим. Журъатсизлик билан сўрадим:
— Қаёққа борамиз?

— Қаёққа бўларди, кинога-да! Юрагим шув этиб кетди, нотаниш қиз бўлса, ҳеч нарсадан тап тортмай, кинога таклиф қиляпти. Бир балоси бор-ов!

— Э, кинода нима қиламиз, кўйинг. Яхши кино эмасмиш...

— Бўлмаса, бошқа жойга борамиз.

— Бошқа жойда нима қиламиз?

— Нима қилардик!— деб сирли кулди у.— Кетдикми?

— Ҳм-м...

— Қани, юринг,— деб қўлимдан тортқилади қиз.

Бошқа жой дегандан кейин бу ёғи тушунарли. Юрагимга баттар ғулғула тушди. Бекордан-бекорга бунчалик илтифот кўрсатмайди қиз деган. Боя сезмаган эканман, кўзлари ҳам сал бежороққа ўшайди, ўйнаб турибди. Йўқ, у ўйлаган аҳмоқ кейинги поездда келади!

— Биласизми, ҳалиги... мен... Ҳа-ҳа, бугун уйга оғайниларим келишмоқчи эди. Бозорга тушмасам бўлмайди. Сал бўлмаса унутаёзибман,— дедим.

— Оғайниларингиз келса, нима бўпти? Қайтиб кетаверади-да.

— Анчадан бери кўришмаганмиз, бормасам хафа бўлишади.

— Биз ҳам бир йилдан бери кўришмаганмиз-ку!

— Энди...

— Энди-пендисис йўқ! Бормай-сизми?

— Шу...

— Ҳо, ҳали биз таклиф қилдигу сиз ноз қиляпсизми? Биров юр дегандан кейин кетаверади-да одам. Нима, еб кўярмидим!..

Секин суғирилиб чиқдим-да, «хайр» дея зипиллаганча ура қочдим. Ортимдан қизнинг хандон ташлаб кулгани эшитилди.

— Кузатиб кўярдигу опоқ йигит!— деб қичқирди кейин. Лекин мен қайрилиб қарай олмадим.

Ана шу воқеадан сўнг юқоридаги саволимга бир оз жавоб топгандайман.

Ориф **ФАРМОНОВ**



Эски йил:— Эстафетани қабул қил, ўғлон!
Янги йил:— Қабул қилдим!


БИРИНЧИ ЯНВАРЬ КУНИ



— Яна икки олибсан-ку! Сенга совға бериш у ёқда турсин, арчанинг яқинига йўлатмаслик керак экан!
— Ия, бултурги баҳо-ку!



— Олдин сиз кўрсатинг.
— Йўқ, олдин сиз кўрсатинг.



— Қани энди бизга ҳам юзта-юзта бўлса, исиниб олардик...



— Ота-оналари кулгани етмагандек, энди болаларига ҳам майна бўлдимми!



Изоҳнинг ҳожати йўқ.



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган



— Эҳ аттанг! Болакайлар муштоқ бўлиб қолишмасин, деб шошилиб юрибман-а!..



— Нега ишламаяпсиз, бугун байрамми!
— Байрам кеча бўлиб ўтган...



О. АЗИЗОВ. АВТОПОРТРЕТ.

КАШТАЧИ.



АЛЛА.

ШОДИЕНА.

ISSN 0134—2207

Баҳоси 30 тийин

Индекс 75233



